

A decorative border with intricate floral and scrollwork patterns surrounds the central text. The border is composed of repeating motifs, including stylized flowers and swirling lines, creating a rich, textured frame.

НУСРАТУЛЛО  
ЖУМАХЎЖА



# ФЕРУЗ

маданият ва санъат  
ҲОМИЙСИ



«ФАН»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ  
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

НУСРАТУЛЛО ЖУМАХУЖА

# ФЕРУЗ МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ҲОМИЙСИ

Мен, Нусратулло Жумахужа,  
Ўзбекистон Республикаси  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбек тили ва адабиёти  
университети кутубхонасига  
таъддиқ этаман.  
2019. III. 13, (13) Н. Жумахужа

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ФАН» НАШРИЁТИ

3431  
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

Тошкент 13087100  
АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

Муҳаммад Раҳимхон соний — Феруз таваллудининг 150 йиллик тўйи нишонланаётгани Ўзбекистон мустақиллиги шарофатидир. Мустамлака тузум Феруз сингари миллат тимсоллари номини қатагон этган, асорат шамшири ўтмишимиздаги барча тождор тафаккур соҳибларига қарши тортилган эди. Пешонасига «феодал-сарой адабиёти намояндлари» тамгаси урилган зотлар руҳини хотирлаш, илму ижодини холис ўрганиш мана энди nasib этди. Эндиликда «феодал-сарой адабиёти» деб камситиб келинган меросни ҳеч бир хавф-хавотирсиз ўрганишга, унинг маънавий-маърифий моҳиятидан оммани баҳраманд этишга ҳукумат қарори, давлат кафолати мавжуд. Шу билан, Муҳаммад Раҳимхон сиймоси яна ўзи ифтихор этган, орзулаган ферузбахту кумронлиг мақомига эришди.

Қўлингиздаги рисолада Феруз адабий муҳити, шоҳ шoirнинг маданият ва санъат ҳомийси сифатидаги фаолияти, бадний ижод соҳасидаги маҳорат даражаси, сўзни суйган султоннинг ўзбекининг улкан шoirи Муҳаммадризо Огаҳий билан дўстона, устоду шoirлик муносабатлари, адабий ҳамкорлик саҳифалари имкон доирасида ёритилган.

Масъул муҳаррир  
филология фанлари доктори А. АБДУҒАФУРОВ

Тақризчилар:  
филология фанлари докторлари Ориф УСМОН,  
Боқижон ТУХЛИЕВ

Ж  $\frac{4803060102-1202}{М 355(04) -95}$  Рез. 95.

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 1995 й.

ISBN 5-648-02222-0

## КИРИШ

Муҳаммад Раҳимхони соний—Феруз ўзбек халқининг асл фарзанди, йирик давлат арбоби, улуғ маърифат-парвар сиймо, маданият ва санъат ҳомийси, шоир ва муסיқашунос санъаткор эди. Феруз, улуғ тарихнавис Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажарайи хоразмшоҳий» солномасида аниқ маълумот беришича, Хоразмда хоразмшоҳлар салтанатини қирқ етти йилу ўн беш кун бошқарган. Хевада барпо бўлган адабий-маданий муҳитга раҳнамолик қилган.

Ферузнинг асли исми Бобожон тўра бўлиб, у 1844 йили наврўз айёмида Хоразм хони Сайид Муҳаммадхон хонадонида туғилди. Бобожон тўра отасининг вафотидан сўнг, 1863 йили, ўн тўққиз ёшида Хева тахтига кўтарилди. Муҳаммад Раҳимхони соний хонлик фаолияти даврида мамлакат ободончилиги ва халқнинг фаровонлиги учун қўлидан келганича ҳаракат қилди. Қўллаб масжид ва мадрасалар қурдирди, янги суғориш иншоотлари барпо этди, вайрон бўлган иморатларни қайта тиклади. Минглаб беватанларни ватанли этди.

Феруз Хоразм ўлкасининг маданий ривожига равнақ бағишлади. Унинг салтанатида Муҳаммадризо Огаҳийдек буюк шоиру аллома устоз ва маънавий раҳнамо мақомида турди. Феруз саройидаги девонда қирқдан ортиқ шоиру ёзувчи, тарихчи, хаттот, созандаю бозанда фаолият кўрсатди. Улар орасида Муҳаммадниёз Комил, Аҳмад Табибий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Аваз Утар каби унутилмас сиймолар бор эди. Шоҳ ва шоирнинг бевосита талаби ва раҳнамолиги билан Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг Хоразм ва, умуман, Марказий Осиё халқлари тарихини мукаммал акс эттирувчи «Шажарайи хоразмшоҳий» солномаси, Аҳмад Табибийнинг «Мажмуат уш-шуаро» тазкираси вужудга келди.

Муҳаммад Раҳимхони соний—Феруз ватанпарвар сиймо эди. Россиянинг Хоразм мамлакатини ваҳший-



ларча босиб олиши фожиаси, 1873 йилги мудҳиш истило жангу жадаллари, талафотлари Ферузнинг аччиқ қисмати чекиги тушди. Бу истило унинг олижаноб фаолиятига зарар етказди. Аммо у сабр-тоқат ва тadbиркорлик билан вилоятдаги маданий муҳит ва маъмурчиликни мувозанатда сақлади. Муҳаммад Раҳимхони соний 1910 йилда ҳаётдан кўз юмди.

Феруздан бизгача «Девони Феруз» етиб келган бўлиб, бу девон Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар илмгоҳида 1035-рақам, «Ғазалиёти Феруз» мажмуаси эса Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик илмгоҳида 786 ва 1569-рақамлар билан сақланади. Огаҳийнинг «Шоҳиди иқбол», Баёнийнинг «Шажарайи хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи», Лаффасийнинг «Хева шоир ва тарихчиларининг таржимаи ҳоллари», Бобожон Тарроҳ Азизовнинг «Хоразм навозандалари» асарлари Феруз ҳақида кенг маълумот берувчи бирламчи манбалардир.

Истеъдодли шоир, маданият ҳомийси, давлат арбоби бўлмиш Феруз фаолияти ҳамда ижодиётини ўрганишга қайта қуриш ва ошкоралик даври имкониятлари асосида, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш фаслида киришилди. Дастлаб унинг ижоди ҳақида мақолалар, бадий асар, оммабop рисола, саҳна асари майдонга келди. Феруз даври ва фаолияти тўғрисидаги тарихий асар, шеърятидан намуналар тўплами чоп этилди. Бироқ ҳали Феруз ҳақида яхлит илмий тадқиқот юзага келганича йўқ. Сарҳисоб этилган ишлар шундай тадқиқотларга дебоча бўла олади, холос. Қўлингиздаги ушбу китоб ҳам мукамалликка даъво этмайди. У Феруз таваллудининг 150 йиллик тўйига тўхфадир.

## МАДАНИЙ МЕРОС ВА МУСТАҚИЛЛИК МАФКУРАСИ

### СУЛТОН СУЯГИНИ ХУРЛАМАС

Замон қайта қуриш ва ошкораликка эврилди. Шўравий ва фирқавий мафкура яккаҳокимлиги исканжа-сидаги имкониятлар тенглик, турфанигоҳлик (плюрализм), ҳурфикрлик нурларига чеврилди. Ушбу ижтимоий жараёнларнинг мантиқий ривож, интиҳоси, якуни сифатида севимли ватанимиз — Ўзбекистон ўз миллий озодлиги ва мустақиллигини қўлга киритди. Мустақиллик мафкураси шакллана бошлади. Маданий меросни қайта кашф этиш, мустақиллик мафкураси нуқтаи назари билан ўрганиш — ўз-ўзини англашга йўл очди.

Яқин ўтмишдаги машҳур дастурларга биноан, яхлит миллий маданиятимизни бўлақларга бурдалаб — диний-мистик ҳамда феодал-сарой адабиёти, халқ адабиёти, демократик адабиёт, дунёвий адабиёт тарзида тасниф этиб ўрганишда «маҳорат» қозонгандик. Оқибатда, миллий ўз-ўзини инкор этиш офатига дучор бўлдик. Қадим қадриятларимизни етарли ўрганмай, юзига қора парда тортиб қўйдик. Аммо шу билангина молимиз ҳукмфармо мафкура бозорида ўтмас эди. Илмий тадқиқотлар, мактаб ва олий ўқув юртлари дарсликлари «харидоргир» бўлиши учун ўтмиш ота-боболаримизни мулку мероси билан бирга қўшмозор этдик. Биз бу ўринда маданий меросимизнинг фақат маънавий жиҳатдангина эмас, балки жисмоний жиҳатдан ҳам топталганини ва таҳқирланганини назарда тутмоқдамиз. Кейинги йилларда қанчадан-қанча нодир қўлөзма асарларнинг мажбуран мозорларга кўмилгани ва кўmdirилгани маълум бўлди. Кўҳна тарихнинг бу аччиқ сабоги онгли жамоатчиликка маълум бўлди ва маданий мерос қадриятларини ардоқлаш фикри уйғотилди. Миллий истиқлол арафасидаёқ адабий меросни умумтаълим мактабларида ўрганишнинг янги дастурлари вужудга келтирилди. Уларда маънавий мероснинг шу пайтгача қадрланмаган саҳифалари ёритилди.

Бобур айтганидай, «мундин бери бир нима хушёрроқ бўлиб» ўзимиз ўрганмай, халқдан-да яшириб келганимиз — сарой адабиётига бир назар солайлик-чи. У қандай адабиёт эди ўзи? Чиндан ҳам халқ учун зарарли, заҳарли оғумиди? Ўтмишдошларимиз нечук халқ адабиётини сарой адабиёти каби жабҳаларга бўлиниб ижод этишдийкин? Сарой адабиёти вакилларининг ўзлари ягона ўзбек халқининг фарзандлари эмасмидилар? Шундай бўлса, улар қанақа қилиб она халқдан айру, боз устига, унга қарама-қарши мавқеда туриб ишладилар экан? Улар ёзган ёдгорликлардан фақат бир сиқим сарой аҳли манфаатдору халқ оммаси учун бу аҳамиятсизмиди? Сарой адабиёти намояндаларини ялписига ижобий баҳолаб, оқлаб бўлмагани сингари, ёппасига қоралаш инсофданми? Сарой адабиётининг ҳаракатлантирувчи кучлари кимлару ҳомию раҳнамоси ким эди? Дарвоқе, яна бир «нозик» масала бор экан. Минг йиллик сарой адабиётимизнинг раҳбару ташкилотчилари хон ва подшоҳлар ўтган-ку. Хўш, бу тарихий ҳақиқатни қачонгача хаспўшлаб, ундан тониб, кўз юмиб келамиз? Ижтимоий-сиёсий тузум шоҳлик ва хонликлардан иборат бўлганини тан олмай иложимиз қанча? Ахир, у шўрликлар аждодлари коммунистик жамиятда яшашларини қаердан билишсин? Ё уларнинг мавжуд воқелигини эътироф этсак: «Жамиятингни хонлик ва шоҳлик тузумига қайтарасан», деб бизнинг ёқамиздан олишардимиз? Асло. Аксинча бўлиши мумкин эди. Фалакнинг гардиши айланиб, бирор сеҳру синоат билан Темур, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Шайбонийхон, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммад Раҳимхони соний — Ферузлар бизнинг жамиятимизга келиб қолсалар, биз навқирон авлодларидан миллий ғурур касб этишимизни, аждодлар шаъни ва маданий меросни қадрлашимизни, маърифат олишимизни илтижо этардилар. Энди, ўтмиш хону бекларимизнинг кўпчилиги фазл аҳли — шоир, аллома, тарихшунос, санъаткор ва ҳоказо бўлиб ўтганини ҳисобга олсак-чи? Ер юзида яна қайси миллат шундай фозил соҳибқиронлари билан фахрлана олади?

Қайси маҳаллий алломамиз хонликларимизнинг тарихи, шажараси, чигал қисмати ҳақида шундай қайғуриб ёзганки, биз унга суянсак эди: «...Хонликларнинг биринчи манбаларга асосланиб ёзилган тарихий обзори йўқдир. Бу манбаларнинг кўпчилиги, ҳатто, босилиб ҳам чиққан эмас. Ўзбекларнинг ҳукмронлик қилган даврлари Ўрта Осиё тарихининг энг қоронғи ва яхши ўрганилмаган даврларидан бири бўлиб қолмоқда». Ушбу

сўзларни бир авлод умрига тенг фурсат муқаддам академик В. В. Бартольд «Оврупо ва Россияда Шарқнинг ўрганилиш тарихи» (Ленинград, 1925, 258-саҳ.) асарида айтган эди.

Етмиш йилдан ортибдики, В. В. Бартольднинг бу сўзлари тўлиғича ўз кучида турибди. Эндиликда умид шуки, зора ўзликни таниш фаслида мозийнинг қоронғилик зулматидаги сарҳадларига зурриётларнинг заковатли зиёси, ёғдуси етгай ва тийра гўшаларни нурафшон этгай. «Султон суягини хўрламас», дейди халқимиз. Илму маърифат осмонидаги султонларимиз халқни жаҳон айвонининг султонлари даражасига кўтарган эдилар. Биз эса султонларимиз суягини хўрладик. Шунинг учун султон бўлолмадик, қулликка гирифтор этилдик. Инқироз ва таназзулнинг аччиқ таъмини татиб кўрдик. Ҳозир тавба-тазарру, авлодларни хотирлаш, покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, ўзликка қайтдик. Авлодлар хоки покини тавоф этиш яна эзгуликка этажак.

Таъқиб ва таъқиқ дарпардасини кўтариб қарасак, адабиётнинг саройи кенг экан. Сарой адабиёти деганимиз, бизга уқтиришганидек, жуда маҳдуд ва ғариб мулкка ўхшамайди. Бу адабиётни ягона миллий адабиёт бағридан суғуриб олиб ўрганиш ҳам қийин, чамаси. Тарихнинг барча даврларидаги сарой адабиёти ва унинг намояндалари ижодини бир-икки мақола ё китобга сиғдириб ўргангулик эмас. Қелинг, яхшиси, қулочга сиғмайдиغان кенгликни қулочлашга уринмайлик-да, мисол ва аниқлик учун XIX аср Хева адабий муҳитида кечган жараёнларни ва бу муҳитнинг раҳнамоси Муҳаммад Раҳимхони соний—Феруз сиймосини кўздан кечирайлик. Сарой муҳитига покиза ва холис ният билан сафар этайлик. Биз ўтмишни идеаллаштириш ёхуд Феруз шахсиятини илоҳийлаштириш муддаосидан йироқмиз. Бутун тарих ва шахсиятларни ёритишга даъвогар ҳам эмасмиз. Мақсадимиз адабиёт тарихини ҳаққоний ёритишга баҳоли қудрат саъй-ҳаракат, холос.

### «ШАҲ ДАРҒУВУ ХАЛҚ ЭРУР АНҲОР»

Муҳаммад Раҳимхони соний—Феруз ўзбек маданияти тарихида муҳим ўрин тутувчи мўътабар сиймодир. Айниқса, XIX асрдаги маданий равнақимизни унингсиз тасаввур этишимиз қийин. Феруз фаолияти яқин ўт-

мишда барча феодал ҳукмдорлар қатори ялписига қоралов ва инкор ҳукмига ҳавола этилиб, мутлақо ўрганилмай, ёритилмай келинди. Мана, тозариш ва янгиланиш фаслида энди-энди унинг шоҳ ва шоир сифатидаги қисмати қаламга олинаётир. Бироқ, назаримда, бу йирик тарихий шахснинг ижтимоий ҳамда ижодий фаолиятини чўчимай ва таҳликага тушмай борлиғича кашф этиш, холисона баҳосини бериш фурсати етди.

Хоразм мамлакатада қирқ етти йилу ўн беш кун (ҳижрий 1281—1328, милодий 1865—1910) ҳукмронлик қилганлигининг ўзиёқ Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг нақадар салоҳиятли султонлигидан далолат беради. Салтанат муддатининг бу қадар узайгани халқпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик омиллари туфайлидир. Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг мазкур фазилатлари тасдиғи учун Баёнийнинг «Шажарайи хоразмшоҳий» солномасидан бир-икки далил келтириш кифоя: «Маълум бўлсунким, хон ҳазратлари бағоят мушфиқфуқаро ва бағоят хайрдўст киши эрдилар. Кўп мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар ва кўп мадрасаларнинг биноларига сабаб бўлдилар. Андоғким, Муҳаммадмурод девонбеги бир мадраса бино қилди ва Юсуф маҳрамга буюруб бир мадраса бино қилдилар ва Қадам ясавулбоши бир мадраса бино қилди ва Юсуф ясавулбоши бир мадраса бино қилди ва Ҳусайн Муҳаммадбой бир мадраса бино қилди ва Дўст Олим бир мадраса бино қилди в-ал қозиюл-қуззот Қози Муҳаммад Салим бир мадраса бино қилди ва Исломхўжа бир минорали мадраса бино қилди. Бу биноларнинг ҳаммалари ул ҳазратнинг тарғиблари била бўлди. Яна Нуриллобек отлиғ ҳавлиларининг атрофида кўп беватанларни ватанли этдилар ва яна Тозабоғ атрофида ҳам кўп беватанларни ватанли этдилар ва тўрт олий масжид бино қилдуруб Тозабоғда ватан тутган беватанлар тўрт масжид қавми бўлдилар. Яна янғи қалъада Нуриллобек ҳавли ва боғларининг шарқи шимол тарафида кўп беватанларга ватан бериб ва бир олий масжид бино қилдуруб ул ерни Султонобод исми била мавсум этдилар. Ул масжиднинг қавми юз уйли бўлди. Алҳақ, кўп ерларни обод этдилар. Кўп масжидлар ва мадрасалар ва қорихоналар бино бўлуб кўп ерлар ободон бўлди ва халойиқ ҳам «Анносун ало дини мулукаҳум»<sup>1</sup> муқтазосича амали хайрға роғиб бўлуб, ҳатто, Муҳам-

<sup>1</sup> «Одамлар подшоҳларининг динида, таъсири остида бўладилар» мазмунидаги оят.



мад Паноҳбой деган ҳам масжиди калоннинг орқа тарафида бир мадраса бино қилди»<sup>2</sup>.

Ферузшоҳ фаолиятида бугун биз ўрганишимиз лозим бўлган фазилатлар кўп. Баёний яна ёзади: «Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузуб китобхонлиқ этдурур эрдилар... Сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиқ этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар. Алқисса, «Анносун ало дини мулуқаҳум» муқтазосича, тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар. Андоғким, Навоий алайҳур раҳма дебдурлар байт:

Шаҳ дарёву халқ эрур анҳор,  
Иккисининг суйига бир маза бор»<sup>3</sup>.

Ахир, бугунги барча моддий таназулларимиз асосида маънавий таназулимиз ётмайдими? Маънавий таназулимизга китобхонликни тарқ этганимиз боис эмасми? Ҳозир сипоҳию тўралардан тортиб толибларгача китоб ўқимаслик хасталигига мубтало. Бударднинг шифоси учун Феруз сингари оммавий китобхонликни жорий этмоқ жоиз.

Давлат арбоби ва саркарда бўлиш билан бирга, Феруз истеъдодли шоир, зукко мусиқашунос ва санъатшунос, моҳир созанда, фан ва маданият, адабиёту санъатнинг бетакрор раҳнамози, ҳомийси эди. У сел бўлиб соз чалиш баробарида Хоразмнинг машҳур олти ярим мақомини такомиллаштиришда иштирок ва раҳбарлик этди. Мусиқа тарихи ва назариясига оид рисолалар вужудга келишига сабабкор бўлди. Хоразм миниатюра мактаби Феруз ташаббускорлигида ривож топди. Феруз ҳимоясида Хевада қирқдан ортиқ шоир, ёзувчи, тарихнавис, таржимон, хаттот, табиб, олим, созандабозанда... истеъдодлари гуркираб камол топди. У Туркистонда биринчи матбаа, Хоразмда илк дорушшифобунёдкори эди. Хева шу даврда адабий-маданий марказ сифатида иккинчи Ҳирот даражасига кўтарилди, десак, муболаға бўлмас.

Феруз ўзи шоир бўлиш билан бирга, саройда улкан адабий муҳит ташкил этган ва унда жонли, ҳаракатдаги жараёни таъминлаган. Адабиёт ҳомийсининг шахсий ибрати ва ташаббускорлиги ҳақида тарихий манбаларда етарли маълумот мавжуд. Баёнийнинг ёзиши-

<sup>2</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи хоразмшохий.— «Мерос», Тошкент, 1991, 252—253-бетлар.

<sup>3</sup> Уша манба, 257-бет.

ча, Феруздаги шеърга кучли иштиёқ, истеъдодларга ғамхўрлик адабий муҳит равнақиға асосий омиллардан бўлган: «Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундан Феруз тахаллуси била мутахаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга кўпроқ ҳарис бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоқга саҳл қобилияти бўлса, навъи шеърларни айтиб даргоҳи олийға олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари кам — беш қирқға ёвуқ борди»<sup>4</sup>. Феруз ўз теварагида адабиёт ва санъатнинг турли соҳалари билан баробар машғул серқирра истеъдод соҳибларини жипслаштирди. Улар ижод билан бирга сарой ҳамда девонда муайян хизматни ҳам бажарганлар. Лаффасий Ҳасанмурод қори «Хева шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида Феруз ва унинг адабий-маданий давраси манзарасини қуйидагича тасвирлайди: «Ўзиға Феруз тахаллуси билан бир ранг ғазаллару мухаммаслар ёзиб хейлиғина адабиётда машғулот ҳосил қиладур. Шунинг билан бирга Феруз мусиқийға ҳам ҳаваскор бўлуб ҳамма вақтлар хизматида беш-ўн мусиқашунослар доимий танбур, гижжаклар машқ этиб, яхши, ширин, фараҳафзо ашъорлар айтишиб ўлтурадурлар. Шул сабабли Ферузнинг табъиға мувофиқ Ферузға қўшимча пайравона ғазал, мухаммас, мусаддас ва ҳажвиётлар ёзиб турадурлар. Доимо Ферузнинг хизматида ўттуз-қирқ нафар шоир ва адабиёт суювчилар бўлуб, алардин баъзилари доимий котиблиғ қилиб, ҳар ранг китобларни ёзиб ва таржима этиб турадирлар»<sup>5</sup>.

Ўзи вужудга келтирган адабий анжуман билан Феруз фахрланар ва мушоираларнинг ҳамжиҳатлиги, жўровозлиги, ҳамкору ҳаммаслаклигининг тарихий мужассамаси — «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасини туздирди. Бу адабий манбанинг яратилиш тарихини Баёний шундай ҳикоя қилади: «Али маҳрамнинг Аҳмад отлиғ бир ўғли бор эди. Ул ҳам ўзини Табибий тахаллуси била мутахаллис этиб шеър айтмоқ бошлади. Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларға бериб буюрдилар: «Мунга пайравлик этиб ғазал айтинглр». Шоирларнинг ҳар бири онга пайравлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийға амр этдилар, токим, ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб бир

4 Уша манба. 256-бет.

<sup>5</sup> Лаффасий Ҳасанмурод қори. Хева шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. ЎзФАШИ қўлёзмалар хазинаси, 9494-рақамли қўлёзма, 11—13-бетлар.

китоб этгай. Табибий фармони мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жамъ қилиб ҳар ғазални ёзмоқчи бўлгонда, маснавий била ул ғазални айтгон ким эркинин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жамъ қилиб тамом этиб ул китобга «Мажмуат уш-шуаро» от қўюлди»<sup>6</sup>.

Ферузни халқ ниҳоятда эҳтиром этарди. Буни Феруз ўз юртини кезганидаги халқнинг унга муносабатларидан ҳам билиш мумкин. Баёний шундай тасвирлайди: «...Хон ҳазратлари отланиб, йўлга кириб Ҳилолийга бориб туштилار. Ондин отланиб Оқупага бориб туштилар ва ондин отланиб Кўҳна Урганчга бориб қарор тутдилар ва онда бўлгон авлиёуллоҳнинг мозори файзосорларининг зиёратларин этиб кўп назрлар ва садақалар бериб ҳаммани хушҳол этиб ва ўн беш кун миқдори Кўҳна Урганчда туруб, ондин сўнг инони азиматларин Хевақ тарафига маътуф этиб тажаммули ужиби била йўлга кириб юрудулар. Ҳар элнингким, устидин ўтар эрдилар, ул элнинг сағири-кибиридин тамоми аҳолилари, имому муаззинлари била истиқболлариға чиқиб йўл устида туруб фотиҳа беруб ва дуо қилур эрдилар. Бу тариқада беш кун йўл юруб Хевақнинг ёвуқиға келганларида тамоми уламо ва тамоми Хевақ аҳолилари истиқболлариға чиқиб дуойи давлатларин этдилар»<sup>7</sup>. Баёний «Шажарайи хоразмшоҳий»да турли ҳаётий воқеалар муносабати билан Феруз сиймосига оид фазилятларни ёритиб боради. Ферузнинг илм ва шеърят равнақиға эътибори жонли адабий муҳит манзараларида қайта-қайта тасдиқдан ўтади: «Ул ҳазрат уламони кўп дўст тутар эрдилар ва шеърятти ғарронинг иривожиға саъй этар эрдилар ва бағоят раиятпарвар ва шафқатгустар ва одилу бозил киши эрдилар»...<sup>8</sup> Айниқса, Ферузнинг имонли инсонлиги, Исломга эътиқоди ва садоқати ихлос ҳамда ибратга сазовор. Баёний тасвирлашича, Феруз ўзининг сўнгги нафасигача имон ва эътиқодида собит турган: «...намози панжагонани авқоти панжагонада адо этмакка мудовамат этар эрдилар. Асло намозни қазо этган эрмасдурлар. Ҳатто, марази мавтларида ҳам намозларин имову ишорат била адо қилдилар ва ҳар кеча саҳар вақтида бедор бўлуб каломи мажид ва фурқони ҳамиддин тўрт порани тиловат этиб,

<sup>6</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи хоразшоҳий.— «Мерос». Тошкент, 1991, 256-бет.

<sup>7</sup> Уша манба, 246-бет.

<sup>8</sup> Уша манба, 259-бет.

Бомдод вақти бўлгондин сўнг намози бомдодни ўқуб, ондин сўнг умурга иштиғол кўргузур эрдилар»<sup>9</sup>.

Афсуски, умрбод Оллоҳга сидқидил сиғинган, покла-нишга интилиб яшаган хон суратидаги мўъмин бир ин-сонни золим ва қонхўрлар сафига тиркаб келган экан-миз. Албатта, Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг зулми йўқ эди, дейиш ҳам бирёқламалик бўларди. Унинг ҳам одам ва ҳукмдор сифатида заифликлари бор эди. Ма-салан, Хоразмнинг олти ярим мақомини бузиб чалгани учун бир зўр санъаткорни 50 қамчи урдирган, Паҳла-вон Маҳмудга шаккоклик қилгани учун Авазни жазола-ган. Лекин эзгу ва савоб ишлари кўпроқ эдики, уни қадрлашимиз керак. Алишер Навоий шундай ҳукмдор-ни орзу этганки, унинг сурати шоҳу сийрати дарвеш бўлсин. Бу, айни пайтда, умуминсоний орзу ҳам эди. Тарихда кўпгина ҳукмдорлар, жумладан, Хусайн Бой-қаро (Хусайний), Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Му-ҳаммад Раҳимхони соний (Феруз) ана шундай орзуда-ги, рисоладаги ҳукмдор ва инсон бўлиб етишишга им-жон қадар ҳаракат қилганлар.

### ШОҲСУРАТУ ДАРВЕШСИЙРАТ ШОИР

Буюк давлат арбоби ва маданият ҳомийси Муҳам-мад Раҳимхони соний — Ферузнинг шарофати билан XIX аср Хева саройи муҳитида ўзбек маданияти ва санъатининг амалий мактаби фаолият кўрсатарди. Бу кўп тармоқли мактабнинг устивор йўналиши бадий адабиёт эди. Хева адабий мактабнинг ҳомийси, ташки-лотчиси, фаол ижодкори — Ферузнинг ўзи. Аввало, шоҳ-лик ва шоирликнинг бир шахсадаги мужассамаси нодир ҳодиса бўлиб, бундай сиймолар бизнинг миллий бойли-гимиз, эъзозга лойиқ қадриятларимиздир. Салтанатни салкам ярим аср мувозанатда сақлаш ва айни пайтда етук шоир ёхуд олим сифатида фаолият кўрсатиш ин-соният тарихи ҳамда жаҳон миқёсида камдан-кам шахсга насиб этган. Тарихнинг шаҳодат беришича, буюк давлат арбобларининг кўпчилиги бутун куч-қуд-ратини салтанат юмушларига қурбон қилган. Кўп тар-моқли фаолиятга қодир бўлмаган. Олимларнинг эъти-роф этишларича, илму ижодга жуда берилган, улур мутафаккир даражасида фаолият кўрсатган аллома подшоҳлар эса салтанатни мустаҳкам сақлаёлмаганлар. Илму ижодга ривож берганлари сари, салтанатдаги

<sup>9</sup> Уша манба, 254-бет.

сиёсий жараёнлардан узоқлашганлар, ҳукумат тадбирларида хатоларга йўл қўйганлар. Оқибатда, ҳукмдор сифатида таназзулга юз тутганлар. Бу — ижодкор шоҳларнинг қонуний қисмати эди. Бироқ Ферузнинг шоҳлик ва ижодкорлик тақдирини азал котиблари ўзгача роқ ёзганлар.

Феруз Хева тахтида узоқ муддат мустаҳкам ва муқим ўтирди. Умр паймонаси тўлгунга қадар маданият ва санъатга ҳомийлик ҳам этди. Шоҳ шоирнинг бундай бахтга муяссар бўлишига саройда унинг ўзи яратган ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий муҳитнинг соғлом иқлими шароит яратди. Феруз атрофини мамлакатнинг энг етук ақл-идрок эгалари ўраб олган эдилар. Ферузнинг сиёсий дастури ва фаолияти маҳоратли шоир, олим, тарихчи, сиёсатдон, табибу санъаткорларнинг тафаккури билан маҳкам жипслашган. Феруз уларнинг ақл хазинасидан қувват, ижод чаманидан илҳом оларди. Шу боисдан, Россиянинг мудҳиш истилоси ҳам Феруз саройидаги маданий муҳит иқлимини пароканда этолмади ва шоҳ шоирнинг сиёсий-адабий фаолиятига жиддий футур етказолмади.

Бадий ижодда ҳам Феруз ўз замонаси шоирларининг пешволаридан эди. Қаламкашликда у нозик таъби, ўткир диди, равон услуби билан адабий муҳитдаги кўпгина шоирлардан устун турарди. Айниқса, ишқ-муҳаббатнинг мумтоз тасвирини яратишда Феруз комил ижодкор даражасига етганлигини ишонч билан эътироф этиш мумкин. Феруз назми билан ошно бўлган адабиёт муҳибби шоирнинг қўйидаги фахрияси ҳеч муболағасиз айтилганлигига имон келтиради:

Сенга Феруз ўлуб бахт, этдинг ул ой қадди, зулфин васф,  
Бу янглиғ таъби нозик бирла ашъорингга салламно.

Аммо Феруз назмида шоҳона ва шоирона ифтихор туйғулари бўртиб тургувчи бундай байтлар кўп эмас. Қайтага, оддий шоирларимиз шеъриятида фахрия байтлар тез-тез учрайди. Ферузнинг лирик қаҳрамони оддийлардан-да оддий, камтарин бир ошиқ сиймо. Бу ошиқ инсоннинг сийратида шоҳ шоирнинг дарвешона хокисорлиги мужассам, ишқ кўйига тушган шоҳ маҳбубининг бандайи безътиборига, парилар сарварининг қулига айланади:

Агарчи бахти Феруз ила даврон шоҳиман, лекин  
Сенинг, эй ҳусн амири, бандайи безътиборингман,  
Гарчи эрурман толеи Феруз ила оламга шоҳ,  
Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.



Камтарин бу ошиқ шоирдан камтарин бир адабий мерос ёдгор қолган. Турли мавжуд манбалардан аниқланиб, яхлит мажмуа ҳолига келтирилган бу меросда 98 ғазал (1496 мисра), 7 мухаммас (220 мисра), 7 рубой (28 мисра), 2 мусаддас (84 мисра), 4 маснавий (706 мисра) ўрин тутди. Бу асарларнинг умумий ҳажми 2534 мисрани ташкил этади. Бироқ, бу рақамлар Феруз ижодиёти куллиёти ҳажмини белгилай олмайди. Феруз ва унинг меросига оид манбалар энди ўрганила бошланди. Ўз даврида Феруз анъанавий тартибдаги яхлит бир девон яратиб қолдирмаган. Шунинг учун унинг мероси пароканда ҳолатда етиб келган. Мероснинг узил-кесил ва тугал сарҳисобини яратиш учун изланишлар давом этмоғи лозим.

Феруз шەъриятида ишқ мавзуи чуқур бадий таҳлил этилган. Бошқа барча мавзулар ишқий асарлар доирасида ферузона ўзига хос талқинини топган. Феруз ҳаёти ҳамда фаолиятининг дунё мулки ва муаммолари билан чамбарчас боғлиқлиги унинг бир қадар дунёвий шахс бўлишини тақозо этарди. Дарвоқе, унинг дунёқарашида дунёвийлик, ҳаётсеварлик руҳи устивор. Аммо, шу билан бирга; Феруз бағоят тақводор инсон эди. У ўзига насиб этган дунёнинг мулки, мамлакати, неъматлари, истеъдод қудрати — бари-барини Оллоҳнинг инояти, хоҳиши, иродаси деб тушунарди. Ана шундан келиб чиқиб, Феруз ғазалиётида илоҳий қудратга муҳаббат туйғулари барқ уради. Дунёвий неъматларни Феруз илоҳий яратувчининг ижоди, мўъжизаси, ҳосили, тажаллиси сифатида севади, эъзозлайди, ардоқлайди, тарғиб этади. Феруз назмидаги энг дунёвий асар деб тусмол этган шеърда ҳам илоҳий сеҳру синоатга ҳайрат ва мафтунлик яққол ифода этилган.

Зеҳи бордур зуҳурингга азал бирла абад пайдо,  
Тафаккур айлабон зотинг, қила олмас хирад пайдо.  
Не ҳикматдулки, гулдек юз ато бир кимсага айлаб,  
Бировда булбулосо оҳу афғон беадад пайдо.  
Қачон ҳамдингга гўё айлағум тилии мане бекас,  
Манга гар бўлмаса алтофи фазлингдин мадад пайдо.  
Бу ҳам бор қудрату заъфингни тасдиқиға бир бурҳон  
Ки, қилдинг бу тўқуз қат осмонни беадад пайдо.  
Нечук мақбуллиғ топғусидур аҳди жаҳон аро  
Ул одамким, онга қаҳринг соридин бўлса рад пайдо.  
Бориси хоҳиши тақдиринг ила бўлғуси мавжуд,  
Неким гар бандадин оламда бўлса неку бад пайдо.  
Топар кавнайн ичра мақсад ила комини Феруз,  
Иноётинг била бўлса анга гар писанд пайдо.

Бу соф илоҳий қудрат соҳиби Тангри — таоло васфига бағишланган ғазалдир. Унинг гоёвий мазмуни Танг-

рига имон-эътиқод, ихлос-муҳаббат изҳоридан иборатдир. Ферузнинг илоҳий қудрат мўъжизаларини бадиий талқин этишича, азал билан абаднинг пайдо бўлиши илоҳий қудрат зуҳури (мавжудлиги)нинг яққол далилидир. Аммо унинг зоти—келиб чиқиши, вужуди мутлаққа айланиш жараёнини ақл тафаккур этиш йўли билан идрок этолмайди. Уни фақат илми ғайб, илми ладуний воситасида инкишоф этиш мумкин, холос. Бировга гулдек чеҳра ато этилиши, бошқа бир кишига булбулдек фиғону фарёд насиб бўлиши ҳам Оллоҳнинггина хоҳиширодаси, ҳикматидир. Бу ҳолнинг боиси бандга маълум эмас, ёлғиз Узигагина аёндыр. Илоҳий қудрат олдида ўзининг нотавонлигини ҳис этиш ва бунга иқрор бўлиш мўминнинг хос фазилатидир. Феруз ҳам: «Агар фазлинг лутфи мадад бериб турмаса, Сенинг ҳамдингга ҳам тилим ожиз қоларди», дея хокисорлик изҳор этаётди. Хуллас, Ферузнинг иқрорича, инсондан оламда нимаики яхшилик ва ёмонлик содир бўлса, бариси Тангрининг хоҳиши, битган тақдири асосида юз беради.

Ихлосманд шоирни Тангрининг кашфу кароматлари, у ижод этган мўъжизакор олам сирлари, Узининг ҳусну жамолини ойнадагидек кўриш иштиёқида вужудга келтирган табиат ва инсон гўзалликлари мафтун этади. Унинг руҳиятида Ҳақ муҳаббати туғён уради. Ферузнинг илҳоми ва ижоди Ҳақнинг ишқи жунунидан завқу шавққа тўлиш тўлғоғида таваллуд топади. Яъни, шоирнинг ўзи айтмоқчи, унинг ижоди ҳам Илоҳнинг ишқи жунуни завқу шавқидан туғилади, таркиб топади:

Мен нечук ишқи жунунинг завқу шавқин тарк этай  
Ким, бу унсурдин мураккаб бўлди ижодим менинг.

Англашиладики, Феруз назмидаги ошиқона мажнунлик, завқу шавқ илоҳий ишқ унсурларидан вужудга келган. Унинг ошиқона ғазалларида риёсиз, пок муҳаббат мадҳ этилади. Ошиқона ғазалларнинг лирик қаҳрамони сўфийи соф сиймо бўлиб, у зоҳидона тақводан ҳазар қилади. Феруз зоҳидона зоҳирий ихлосу ибодатни инкор этади, чунки у хўжакўрсин ва намоишкорлик руҳидаги юзаки, сохта муҳаббатдир:

Донайи дом айлама субҳангни, эй зоҳид, манга,  
Холу зулфидин эрур тасбеҳи авродим менинг.

Зоҳид ҳақиқатбин эмас, балки зоҳирбин. Унинг ихлосу ибодатларида муҳаббатнинг ботиний эмас, зоҳирий — ташқи, юзаки унсурлари мужассам. Зоҳиднинг

маҳбубга муҳаббати қалбдан эмас, балки қалбаки. Зоҳид ўқиётган дуойи тиловатларини ҳисоблаш учун тасбеҳ тутади ва уни узлуксиз ўгириш билан сидқу садоқатини намойиш этмоқчи бўлади. Феруз наздида, зоҳид тасбеҳидаги доналар гўё мурид овлаш учун тайёрланган тузоқнинг доналаридир. Чинакам ишқ шайдоси Феруз бу тузоққа ўлжа тушишдан бош тортади. Манинг тасбеҳим ва дуоларим маъшуқанинг холу зулфидан иборатдир, дея фахрланади. Бу ифтихорнинг тагида бир китоб тасаввуфий маъно бор.

Хол ва зулф тасаввуфий тимсоёллар бўлиб, уларнинг бадийи маъно ифодалашда ўзига хос вазифалари бор. Хол ишқи ҳақиқий тасвирида ваҳдат нуқтасининг рамзий ифодасидир. Хол тимсолида ориф ошиқ мутлақ зот, яъни муҳбуби мутлақнинг ягоналигини дил-дилдан муҳаббат билан эътироф этади. Тенгсиз, шериксиз, ўхшашсиз талъат иқрорини ҳам хол образи ифодалайди. Манзурнинг холини бир кара ёд айлаш «Ло илоҳа иллаллоҳ» калимасини дилдан ўтказиш, тилда зикр этишдек ҳолдир. Шунинг учун Феруз ҳақиқий ваҳдат нуқтаси бўлмиш холни зоҳид тасбеҳи доналаридан кўра афзал билади.

Зулф тасаввуф адабиётида илоҳий қудрат ва ҳусну жамол тажаллисининг сифати янглиғ тавсиф этилади. Шунингдек, зулф Тангри — таоло зоти ҳамда ваҳдати мартабасининг улуғворлиги, мураккаблиги тимсолидир. Маъшуқа зулфининг паришонлиги, жингалаклиги, гажакдорлиги илоҳий маҳбуб зоти ҳамда ваҳдати сеҳру синоатларини ечиш мушкуллиги, мураккаблигини билдиради. Зулфнинг паришонлиги — ҳижрон водийсининг бепоёнлигига, узунлиги — висол сарманзили узоқлигига, ваҳдатнинг сир-асрорига етиб бўлмаслигига тимсолий далилдир. Феруз зоҳид дуоларидан кўра, маъшуқа зулфини афзал билишининг боиси — зулфга боғланиш, зулфнинг тузоғига ўлжа тушиш, занжирбанд бўлиш, чирмашиб қолиш — ваҳдат хаёлига берилиш, маҳбуба ҳусну жамолига ошуфталик, висол илинжида ўртаниш, ҳақиқий муҳаббат кечинмаларига фарқ бўлиш демакдир.

Жон қушига эмди йўқ озодлиғ ул қайддин,  
Холи мушкин дона бўлмиш, зулфи анбар домимиз.

Ушбу байтдаги хол ва зулф ҳам илоҳий ишқ унсурлари бўлиб, лирик қаҳрамон илоҳий ҳуснга шайдо бўлгани ва ваҳдат нуқтасига орзумандлигини изҳор этмоқда. Бундайин тасаввуфий тасвир бадийяти Феруз

ғазалиётида яхши ишланган ва у ўрганишга арзигуликдир.

Феруз ўзига хос тафаккур тарзига эга, қадим ҳаёт тилсимлари тўғрисида мустақил мушоҳада юритадиган адабий сиймодир. Ҳар бир шоир ижодиётида дунёнинг хулосасини акс эттира оладиган, дунёқарашига шиор бўла оладиган сатрлар топилади. Феруз назмидаги бундай умуминсоний умумлашмаларга мана бу байтларни мисол келтириш мумкин:

Эй кўнгул, эрмас мақоми амн ушбу даҳри дун  
Ким, етушмас роҳат ондин бир нафас озорича.  
Жонга йўқ эрмиштур, эй Феруз, бу олам аро  
Лаззат ичра ҳеч неъмат дўстнинг дийдорича.

Дарвоқе, шоир ҳаққоний эътироф этганидек, бу пасткаш дунё осойишта, роҳат-фароғатда яшашга лойиқ макон эмас. Ундан чекиладиган азоб-уқубатларнинг бир лаҳзасичалик роҳат етмайди. Иккинчи байтда дўст дийдори дунёнинг энг улўф неъматини сифатида талқин этилади. Бу оламда лаззатлар ичида дўстнинг дийдоричалик умрга, жонга ҳузур бахш этувчи неъмат топилайди. Бу ёши, мартабаси, миллати, дини, макони, замонидан қатъи назар, барча инсонлар учун сабоқ бўларли умумлашмадир.

Феруз — ҳаёт ва табиатнинг сармаст ошиғи. У умрни ганимат билиш, табиатнинг роҳатбахш неъматларидан баҳраманд бўлиш, ҳаётни шод-хуррам ўтказишнинг ашаддий тарғиботчиси. Лирик қаҳрамоннинг майин, самимий таклифлари мудроқ руҳимизни баҳорий кайфият билан бедор этади, чаманларга чорлайди:

Очилмиш гул, етурмиш боға зийнат, эй санам, келгил,  
Ичарга бир нафас аҳбоб бирла жоми жам, келгил...  
Муҳайё айлабон гулшанда айшу ишрат асбобин,  
Кўнгул кўзгусидин зоил қилурға занги ғам, келгил.  
Тўшаб баргини гул ер узра, тортар интизорингни,  
Гулистон ичра гул барги уза қўюб қадам келгил.  
Ҳаводур мўътадил ҳам фасли гулдур, кеча ҳам маҳтоб,  
Тузуб мажлис, ичарга лолагун май дамбадам келгил.  
Чаманлар сабзи хуррам, ҳавзлар лабрезу гул хандон,  
Билиб бу файзлиғ мавсумни асру муғтанам келгил...

Ушбу ғазал гўзал табиат манзараларини сўзда жонлантириши билан мароқлидир. Феруз мумтоз сўз санъатимизнинг беҳзодларидан биридир. Феруз шеърининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, ундаги висол севинчлари, комронлик, бахтиёрлик тароналари наво беради:

Шод ўлғил, эй маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,  
Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.  
Соз айла айш асбобини, очғил тараб аввобини,  
Рухсори оламтобини очиб севар ёринг келур.  
Лаълин қилиб мўъжизбаён, бермакка умри жовидон  
Юз нав меҳр айлаб аён жонбахш гуфторинг келур.  
Ҳижрони ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,  
Бу дам тутуб расми вафо шўхи ситамкоринг келур.  
Маҳзун қилиб ағёрни, шод этгали сен зорни,  
Тариқ айлабон озорни ёри вафодоринг келур...

Ушбу ғазалда висолдан умидворлик, соғинч, ёр вафосига ишонч, қувонч туйғулари кўтаринки кайфият билан тараннум этилган. Шоир қалб тугёнларини шу қадар жўшқин завқу шавқ билан куйлаганки, тоза илҳом таъсирида байтларнинг аксарияти сажъ санъати билан қуйилиб келган. Бу руҳдаги ғазаллар қадрлашга сазовор муҳим асарлардандир. Чунки ошиқнинг, инсоннинг ҳаёти фақат қайғу, мунг, умидсизликдангина иборат эмас. Бундай асарлар руҳимизда ҳаётбахш умидворлик туйғуларини уйғотади.

Ферузнинг ажойиб асарларидан бири «Шарбат» радибли ғазалдир. Ғазал, аввало, шуниси билан қадрлики, ўзбек мумтоз адабиётида май мавзуида кўп ёзилган, аммо шарбат тўғрисида махсус асар кам яратилган. Аслида, шарбат маъшуқани васф этиш йўлидаги бир восита. Ғазалдаги байтлар силсиласида шарбатдаги шифобахш хусусиятлар маъшуқанинг мафтункор хислатлари таъриф-тавсифига асос бўлиб хизмат қилади.

Лаълига еткурубму ул гулузор шарбат,  
Таъм ичра буки топмиш кўп иштиҳор шарбат.

Шарбатнинг таъми мазаси ширинлиги, роҳатбахшлиги билан машҳур. Шоир талқинича, ул гул юзли дилбар лаъли лабларига теккизгани учун ҳам шарбат шу қадар тотли таомга айланган.

Айниқса, шарбатнинг шифобахшлиги ҳақидаги байт диққатга сазовор:

Доим вужуди бўлғай эмин хазон елидн,  
Ҳар кимки ёри бирла ичса баҳор шарбат.

Байтдаги хулоса жиддий тиббий асосга эга. Бундан ташқари, қарама-қарши маъно ифодаловчи «хазон» ва «баҳор» сўзларининг остин-устун (параллел) қўлланиши бадий санъаткорликдир.

Ҳажвий-танқидий руҳдаги асарлар ҳам Феруз бадий-маърифий оламининг назокатидан далолат беради.



«Муборак» радифли ғазал анъанавий мавзу ва услубда бошланиб, танқидий-ҳажвий руҳда тугалланади:

Олдинг ниқоб юздин, эй дилрабо, муборак,  
Хуршиддек жаҳонға бердинг зиё, муборак.

Бу бошланма байтдаги хайрихоқ муборакбод ғазал сўнгигача изчил давом этмайди. Охирги байтларга бориб, ғазал анъанавийлик қобигидан чиқиб, ҳажвий-танқидий руҳ кескинлашади. Чунки тасвирга асос сифатида олинган сиймо ихлосни қайтарадиган даражада одоб ва ҳаё доирасидан чиқиб кетади. «Муборак» радифи пичинг ва кесатиқ маъноларида қўллана бошлайди.

Чиқмай усулдинки раққослик қилиб фош,  
Юз бўса бир дирамға қилдинг баҳо, муборак.

Лирик қаҳрамон меҳр-муҳаббат билан куйлаётган манзур ўз инсоний қадр-қимматини, ор-номусини ерга уради. Шўхликни ҳаддидан ошириб юборади:

Феруз, кўнглинг этма қошу кўзига мафтун,  
Эркан ҳаёсиз асру ул шўхи номуборак.

Ташқи қиёфаси гўзал, аммо ҳаёсиз маъшуқани шоир «шўхи номуборак» дея рад этади. Ушбу ғазал шоҳ ва шоир Ферузнинг таби нозик, талабчан инсон эканлигини тасдиқлайди.

Феруз мавжуд адабий анъаналарни мукамал ўзлаштирган, бадий санъатга ташналигини устозлар маҳорат булоғидан қондирган моҳир шоир эди. Табиат ва жамият гўзалликлари, туркий ва форсий назм, диний-тасаввуфий адабиёт Феруз истеъдоди озикланган санъат дорилфунунлари эди. Феруз шеърларидаги бадий тасвир етуклиги ва тимсоллар такомилни уларсиз тасаввур этиш қийин.

Пайваста қоши шаклидур ул чашми жоду устина,  
Бир чарғким, ёзмиш қанот қасд айлаб оҳу устина.

Бу — Ферузнинг санъаткорона яратилган байтларидандир. Байтдан мақсад — манзур қошу кўзининг мумтоз тасвирини яратиш. Шоир бу адабий муддаога тўла эришган. Биринчи мисрада қошу кўз тасвирининг дастлабки босқичи сифатлаш санъати воситасида юзага чиқарилган. Қошга нисбатан «пайваста», кўзга нисбатан «жоду» сифатларининг ишлатилишиёқ бадий тасвирни вужудга келтирган. Бироқ бу ҳали муаллифни қаноат-

лантирмайди. У мукамал ва ўзига хос бадий тасвирга интилади. Пайваста қошнинг «чашми жоду» — ҳуркак кўз устида туришига табиатдан зиддиятли манзара излайди. Ферузнинг омадига бундай манзара табиатда ҳам, бадииятда ҳам мавжуд эди. Қошу кўзнинг жойлашуви ҳуркак оҳу устида қанот ёзиб ҳамлага шайланган «чарғ» — ов қушига яққол монанддир. Бизга яқин туркий ва форсийзабон шоирлар назмида ҳам шундай манзара тасвирини кузатишимиз мумкин. Масалан, Восифийда шундай байт бор:

Ба чашму холу миёни ду абрўяш бингар,  
Магар ки бар сари оҳуст чарғ дар таярон.

Ферузнинг овдаги кузатишлари билан бадий адабиётдаги кузатишлари мувофиқ ва маъқул келганидан, юқоридаги гўзал тасвири маҳорат билан яратолган.

Феруз ғазалиётининг ажойиб хусусиятларидан бири шуки, унда «саволу жавоби ошиқ ва маъшуқ» услубидаги ғазаллар кўп. Бу услубдаги ғазаллар Хева адабий муҳитида Муҳаммадризо Огаҳий девонида асосий ўрин тутар эди. Феруз ушбу услубни устози Огаҳийга муҳаббатдан орттирди. Мана, шу услубдаги бир ғазал:

Кулуб деди манга бу кеча дилдор:  
«Бўлубмусан манга асру гирифтор?»  
Дедимким: «Ошиқи зорингман, оре,  
Нетайким, васлингга йўл бермас ағёр.  
Санга ағёр ҳамдам бўлса бир дам,  
Менинг бағрим бўлур афгору афгор.  
Бу ҳолимни кўруб, қилгил тараҳҳум,  
Бўлубман дарди ишқингдин баса зор...»  
Табассум бирла дур сочиб сўзидин,  
Дедиким: «Не ғараз бу сўздин, эй ёр?»  
Дедим: «Лаълингдин этгил бўса эҳсон»,  
Деди: «Бу нукта бордур асру душвор».  
Кўруб ул дамда беҳад изтиробим,  
Деди: «Феруз, бўлғум санга ғамхор».

Бу ихчам руҳоб ҳикоят тарзидаги воқеабанд ғазалдир. Унда ошиқ ва маъшуқ мулоқоти ҳамда ширин сўхбатининг изчил тасвири мужассамлаштирилган. Ғазал мундарижаси уч босқичдан иборат. Биринчи босқичда маъшуқа ошиқдан раҳм-шафқат юзасидан ҳолаҳвол сўрайди. Иккинчи босқичда ошиқ маъшуқа ҳажридаги, ағёр рақобатидаги зору ночор аҳволини шарҳлайди. Ўзининг вафо-садоқатини изҳору исбот этади. Учинчи босқичда маъшуқа ошиқнинг изтиробларини тушунади, унинг фидойилигига ишонади ва ғамхўрлик

ваъда этади. Ғазалнинг ғоявий мазмуни самимий муҳаббат соҳиби, музтариб ҳасби ҳолини ёрига тушунтириб, шарҳлаб бера оладиган, садоқатли ошиқ вафога муяссар бўлади, деган мантиқий хулосани таъминлайди.

Ғазалларда оддий, лекин мафтункор тасвир лавҳалари кўп.

Кун уётдин айлади ўзни шафақ ичра ниҳон,  
Кўрди гулгун тўн аро оташин рухсорингиз.

Ушбу байт замирида гўзал бир тасвир яширинган. Бир қарашда, гўё қуёш манзур жамоли олдида уятли бўлиб қолгани тасвирлангандек. Синчиклаб разм солинса, бу фикр бир баҳона, бадий воситадек бўлиб, байт бағрида ҳайратомуз қиёсий манзара мужассам. Шоир гулранг либосга бурканган оташдек қизгин, қизил, тафтли чехрали гўзални қип-қизил шафақ ичра беркинган офтобга муқояса этган. Шу тариқа, офтобни уялтирган офтобжамол тасвири яратилган.

Феруз назми мазмун ва шакл хусусиятларининг муносиблиги, бадий қурилма етуклиги билан дилбар шеърятдир. Шарқ мумтоз шеъриятидаги бадий санъатлар Феруз назмида ҳам муҳим бадий хизмат бажарган. Феруз ғазаллари бадий қурилмасининг мустаҳкам, ихчам, лўнда бўлишида радд ул-матла санъатининг алоҳида ўрни бор. Ушбу санъат қўлланган ғазаллардан бирининг бошланмаси қуйидагича:

Ераб, ўлғайму муяссар манга жонон ила базм,  
Сочи сунбул, юзи гул, лаблари хандон ила базм.

Ғазал бошдан оёқ лирик қаҳрамоннинг висол базми ҳақидаги истак, орзу, армон ҳамда ширин хаёлу кечинмалари изҳоридан иборат. Бундай мундарижа ғазалнинг лўнда, тугал асар бўлишини тақозо этарди. Матладаги биринчи мисранинг мақта байтнинг иккинчи мисрасида такрорланиши, яъни радд ул-матлаъ санъати ана шундай бадий қурилмани таъминлаган.

Бахти ёварлиғу Ферузлик айлаб иқбол,  
Ераб, ўлғайму муяссар манга жонон ила базм.

Шоирнинг фалакдан шикоят қилиб ёзган «Эй фалак, нетдим сана, душманлиғ изҳор айладинг», сабога мурожаат тарзида битган «Эй сабо, бергил хабар, ороми жоним қайдадур» ғазаллари ҳам шундай бадий қурилмага эга.

Мана бу етук ишқий-фалсафий ғазалнинг бадий қурилмаси ниҳоятда ўзига хосдир:

Нечук офат эдинг, эй сарвиқомат,  
 Бошимга солди ишқинг юз қиёмат.  
 Қиёмат шўришин жаҳонга солдинг,  
 Жаҳондин мунъадам бўлди фароғат.  
 Фароғат истаган чиқсун жаҳондин,  
 Топилмасдур тирикликда саломат.  
 Саломат аҳли бошига фалакдин  
 Даме тинмай ёғар санги маломат.  
 Маломат тошидин озордадурлар  
 Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат.  
 Фаросат хайлининг оллида букул  
 Бошингга солмайин чини маломат.  
 Маломат чекмайин десанг жаҳонда,  
 Худонинг берганига қил қаноат.  
 Қаноат бирла сабр ўлса санга иш,  
 Ҳар ишда қилмағунг ҳаргиз надомат.  
 Надомат бирла умрим ўтди, ёраб,  
 Етур тонгла расулингдин шафоат.  
 Шафоат жомидин саршор қилгил  
 Ҳазин Ферузни, шоҳи рисолат.

Бу, мазмун-моҳиятига кўра, панднома руҳидаги ғазалдир. Асар бадий қурилмаси — композицион хусусиятларига кўра, мусалсал ғазал даражасида сайқал топган. Ғазал мавзу кўламининг кенглиги, таҳлил этилаётган фалсафий-ахлоқий муаммоларнинг салмоқдорлиги ва ранг-баранглиги бадий шаклни занжирдай мустаҳкам ишлашни талаб этарди. Акс ҳолда, мундарижа пароканда тузилишга эга бўлиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун шоир Шайхзода таъбиридаги байтларни фикран, маънан ва суратан боғлаш санъатини қўллаган.

Бутун ғазал мобайнида ижтимоий муаммолар бадий таҳлил этилсада, ғазал маъшуқи мутлаққа мурожаат ва ишқий кечинма изҳоридан бошланади. Бу анъанавий ҳол бўлиб, ғазалиётда ошиқнинг қисмати ва барча саргузаштлари илоҳий ишққа боғлаб талқин этилади. Гўёки, сарвиқомат манзур шундай офатижонки, унинг ишқи ошиқ бошига юз қиёмат кунини солади. Барча фожиа шундан келиб чиқиб ривожланади. Муаммо сатрдан сатрга ўткирлашади. Сўз-образлар сатрларни занжирдай боғлаб боради. Биринчи байт «қиёмат» билан тугалланган бўлса, иккинчи байт «қиёмат» билан бошланади. Маъшуқа ошиқ бошига юз қиёмат солган бўлса, энди бу қиёмат ошиқ қисмати орқали жаҳонга шўриш солади. Қиёмат ўз офати билан жаҳонни ларзага келтириб, ундаги роҳат-фароғатга барҳам беради. «Фароғат» сўз-образи иккинчи байтга учинчи байтни боғлайди. Фароғат истаган киши жаҳонни тарк этмоғи лозим. Чунки фароғатсиз жаҳонда саломатлик топилмайди. Ижтимоий иллатлар бири биридан келиб чиқавериб,

улар ҳам ғазалнинг силсилавийлигини таъминлаб боради. Жамият шундай адолатсизки, маънавий соғлом кишилар бошига тинимсиз маломат тошлари ёғилиб туради. Бизга Абдулла Орипов шеърятти орқали ошно бўлганимиз «санги маломат»—«маломат тоши» образининг Феруз ғазалиётида ишланганлигини қузатиш нақадар мароқли. Маломат тошидан бу кўҳна дунёда фаросат аҳли озор топадилар. Шу ўринда ғазал мундарижаси ижтимоий муаммоларнинг фалсафий талқинидан панд-насиҳат йўсинига кўчади. Шоир сабоқ беради: малоллик ташвишига қолмайин десанг, фаросат аҳли олдида ҳурмат сақла. Жаҳонда малолат чекмайин десанг, Худонинг берганига қаноат қил. Қаноат ва сабр йўлини тутсанг, ҳеч бир ишда афсус-надомат чекмайсан. Булар комил мусулмон бўлишнинг асосий шарт фазилатларидир. Бу фазилатлардан донишманд бир подшоҳ сабоқ беряпти. У сабоқ берибгина кўяқолмай, умрим надомат билан ўтди дея тавба-тазарру қиляпти, рози-ризолик сўраяпти. Ғазал давомида мундарижа маърифий томонга силжиган бўлса-да, бадий қурилма бузилмади. Сатрларни боғлаб борувчи сўз-образлар ғазал сўнгигача изчил сақланди.

Ферузнинг рубой жанрида яратган асарлари ҳам, асосан, ишқ мавзунининг бадий талқинига бағишланган. Рубойларда маҳбуба ишқи билан ўртаниш, унга фидойилик, садоқат, висолга интиқлик туйғулари тарафдор этилади:

Эй шўх, тараҳҳум айлаким, зорингман,  
Жону дилу дин ила гирифторингман.  
Гар васлинг айласанг баҳо жон нақдин,  
Юз жон эса ҳам, бериб харидорингман.

Лирик қаҳрамон орзуланган маҳбубанингина васлига ташна. Унинг унси ва суҳбатигина ошиқ дардига таскин бера олади:

Гар дилбарим ўлмаса манго ҳамсуҳбат,  
Найлай эса юз ҳурлиқо ҳамсуҳбат.  
Ул шўх агар анисим ўлмас эрса,  
Даркор эмас ушбу даҳр аро ҳамсуҳбат.

Бундай рубойлар лирик қаҳрамон пок ва садоқатли севги соҳиби эканлигидан далолат беради.

Шоир мусаддаслари ҳам муҳаббатнинг маҳзун кечинмаларини, лирик қаҳрамоннинг руҳий аҳволини шарҳлашга қаратилган. Уларнинг бадий тасвир хусусиятлари анъанавийдир.



Токи ул шўх ғами ишқиға дучор ўлдум,  
Дамбадам дарди бало хайли била ёр ўлдум,  
Кокили домиға побаста гирифтор ўлдум,  
Талаби васлида Феруз киби зор ўлдум,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Мусаддаслар гарчи анъанавий шакл ва мазмунда битилган бўлса-да, улар бугунги китобхон учун маънавий-маърифий моҳияти билан аҳамиятлидир.

Феруз ўз қаламининг қудратини маснавийнавислик майдонида ҳам синаб кўрган сўз санъаткори. Манбаларда унинг тўрт маснавийси мавжуд. Улар кичик ҳажмли асарлар бўлиб, эпик кўлам касб этмаган. Лекин маснавийлар услубининг енгил ва равонлиги Феруз эпик кўламдаги йирик асарлар ҳам яратиш қобилиятига эга бўлганлигини кўрсатади.

Биринчи маснавий диний-тасаввуфий руҳдаги асар бўлиб, у 116 байтдан иборат. Асар Тангри — таолога ҳамд, пайғамбар ва унинг чаҳорёрларига салавот билан бошланиб, ишқий изҳор, дарди ҳол тасвири билан тугалланади.

Иккинчи маснавий ишқий мавзуда битилган бўлиб, у 131 байтдан ташкил топган. Асардан ошиқнинг маъшуқа билан хаёлий мулоқоти, шарҳи ҳол ва таъриф тавсиф билан йўғирилган суҳбати катта ўрин эгаллаган. Маснавийнинг сўнги саҳифалари Ферузнинг маъшуқа ва чархга мурожаатан ижтимоий дард-кечинмалари ифодаси билан тугалланган.

Учинчи маснавий ишқий — интим руҳдаги манзумадир. Унинг ҳажми 77 байт. Феруз маснавийларида қадимий номаларимиздаги сингари маъшуқага саломномалар йўллаш хусусияти бор. Жумладан, ушбу маснавийдаги саломноманинг дилбар сатрлари қуйидагича:

Булардин сўнгра, эй сарви гуландом,  
Санга бўлсун саломим субҳ ила шом.  
Салом, эй дилрабойи ҳур тимсол,  
Салом, эй маҳлиқойи фаррух иқбол.  
Салом, эй дилрабо, покиза анвор,  
Салом, эй гулузору сарвraftор.  
Салом, эй гавҳари кони сабоҳат,  
Салом, эй дурри дарёйи саодат.  
Салом, эй хўблук бўстонида вард,  
Салом, эй ҳусн иқлими аро фард...

Умуман, маснавий мароқли ёзилган. У бир кўнгилнинг муҳаббат тарихи, ишқий саргузаштларидек таассурот қолдиради.

Тўртинчи маснавий муножот руҳидаги асар бўлиб, у 29 байтдан иборатдир. Унда мутасаввуф шоирнинг тавба мақомидаги кечинмалари ифодаланган. Шоир гуноҳларига иқрор бўлиб, тавба-тазарру сўзлари билан Тангрига илтижо қилади:

Дарёи гунаҳга ўзни солиб,  
Ғарқоби жаҳолат ичра қолиб.  
Бўлмишмен асири нафси шайтон,  
Журму гунаҳимга йўқ ҳаду сон.  
Тоатда агарчи нотавонмен,  
Айларда гунаҳ паҳлавонмен,  
Ман ҳуд бу сифатман асру гумроҳ,  
Ҳолимдин ўзинг эурсан огоҳ.  
Раҳм айла бу навъ ҳолатимга,  
Чоҳи ғам аро малолатимга.  
Қўб манда агарчи журми исён,  
Жўшон санга лек баҳри ғуфрон.  
Сансан ики кави аро паноҳим,  
Раҳм айлабон афв қил гуноҳим.  
Қўнглум уйин айлагил саросар,  
Тавҳид чароғидин мунаввар.  
Тоатда қадимни айлагил ҳам,  
Лутфинг манга ҳаргиз этмагил кам.  
Ман зорға тавбае ато қил,  
Файзингга замирим ошно қил.

Ушбу сатрлар шоҳ шоирнинг тавба мақомидаги риёзатлари, бу дунёда орттирган гуноҳларидан покланиш жараёнларининг нафис бадийи ифодасидир. Хокисор шоирнинг тавба-тазаррулари, нолаю илтижолари Ҳақ таоло даргоҳида қабул бўлгандирки, бугун унинг шахси, хизматлари, ижоди яна рўшноликка чиқди.

Таваллудига 150 йил тўлиб турган чоғда, Феруз сиймоси ва ижодиётининг иккинчи умри йўлларини ҳур Ўзбекистон истиқлоли нурлари ёритди. Иншоолло, Феруз ижодиётини ёритиб тадқиқотлар яратадиган, уни ўрта ва олий мактаблар таҳсили жараёнида ўрганадиган ҳурфикр замонлар келди.

### МАЪНАВИЯТ ТУМОРИ

Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий (1809—1874) баракали ижод қилган санъаткор сифатида ҳақли равишда Алишер Навоийга қиёсланади. XIX аср Хоразм адабиётининг йирик намояндаси Огаҳий серқирра истеъдод соҳиби бўлиб, у шоирлик иқтидори, тарихнавислик салоҳияти, таржимонлик маҳорати билан ўзбек маданияти равнақига катта улуш қўшган. Унинг назмий меросини ташкил этувчи «Таъвиз ул-ошиқин»

(Ошиқлар тумори) ўзбек мумтоз адабиёти хазинасидаги энг йирик ва қимматли девонлардандир. Огаҳий тарихнавислигига мансуб «Фирдавс ул-иқбол» (бу асарни Мунис бошлаган, Огаҳий давом эттирган), «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Жоме ул-воқеоти султоний», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» асарлари XIX аср Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи нодир тарихий ҳужжатлардандир. Огаҳий форсийдан ўзбек тилига ўгирган — Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Муҳаммад Маҳдий Астрободийнинг «Тарихи Жаҳонкушои Нодирий, Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Маҳмуд бинни Шайх Али Ғиждувонийнинг «Мифтоҳ ут-толибин», Муҳаммад Муқим Ҳиротийнинг «Табақоти Акбаршоҳий», Муҳаммад Юсуф Муншининг «Газкирайи Муқимхоний», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Равзат ус-сафои Носирий», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Қайковуснинг «Қобуснома», Муҳаммад Вориснинг «Зубдат ул-ҳикоёт», «Шарҳи далоил ал-ҳайрат», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон». Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» — тарихий-бадиий асарлари ўзбек таржима адабиётининг улкан бойлиги сифатида халқ тасарруфидадир.

Бу улуғ сиймо фақат ижодий меросининг салмоғи жиҳатидангина эмас, балки воҳа адабий муҳитида тутган устозлик мавқеи, давлат арбоблари ва маданият намояндаларига ўтказган адабий таъсири тарафларидан ҳам Алишер Навоийга монанддир. Огаҳийнинг Феруз фаолияти ҳамда ижодиётига ижтимоий-адабий таъсири муаммоларини ёритишдан аввал, устоз ижодиётининг бадий қиммати ҳақида тасаввур ҳосил этиш муҳимдир. Зотан, Огаҳий шеърлятидаги дилсўз ишқ оташгоҳининг шуълавор ёлқинлари Феруз назмида ҳам порлаб туради.

Огаҳий илмда шоир, муаррих, таржимон сифатида ҳар томонлама ўрганилаётган бўлса-да, халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур. Унинг лирик куллиёти «Таъвиз ул-ошиқин» бизнинг замонамизгача тўла ҳолда етиб келган. Девоннинг ўнга яқин қўлёзма ва жуда кўп тошбосма нусхалари ЎзФА Қўлёзмалар институти, ЎзФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, Ленинград С. Шchedрин номидаги Давлат халқ кутубхонаси, Тожикистон ФА Шарқшунослик институти, жаҳоннинг бошқа илмий марказларида сақланади.

Ўзбек мумтоз адабиётида Мунис ижодидан навоиёна тартибда девон тузиш ва уни махсус номлаш анъанасининг иккинчи умри бошланган. Огаҳий «Таъвиз ул-ошиқин» девонини тузиб, бу анъанани янада юксак поғонага кўтарди. «Таъвиз ул-ошиқин» расмий девон тузиш қонун-қоидалари ва анъанасига қатъий амал қилингани, жанрий таркибининг бойлиги, мазмун-мундарижасининг кенг ва теранлиги, баркамол бадияти жиҳатидан Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»сидан кейинги энг мукамал девондир.

Муҳаммадризо ўз шеърятининг ошиқлар қалбига яқин, улар билан тумордек доимо ҳамроҳ бўлишини, ишқ аҳлини дард-аламлардан халос қилувчи фазилатларга эга бўлишини истади ва девонини «Таъвиз ул-ошиқин» (Ошиқлар тумори) деб атади. Бу фикрни шоир кўпгина шеърларида фахрия усулида изҳор этган:

Огаҳий, дилсўз назмингни эшитса аҳли ишқ,  
Бўйнига таъвиздек айларлар ашъорингни банд.

Хусусан, «Таъвиз ул-ошиқин» дебوحасида Огаҳий ўз назми моҳиятини жуда аниқ ва равшан изоҳлаб кетган: «...Тоза шеър тафаккури бодасин ичиб, гоҳо ўзимга келдим, гоҳо ўзимдин кетдим. Ва ҳар ҳол била неча муддатлар кўп меҳнат ва машаққатлар чекиб, аксари ашъоримни жамъ этиб девон суратида бир неча авроқ битдим. Чун борчаси дарди ишқ ўтининг ҳарорати била оғишта ва шавқу муҳаббат асарининг сирояти била сиришта ва ошиқлар ғамининг таскинига сабаб ва дард-мандлар аламининг таҳфифига мужиб эрди. Ложарам, агар ишқ ва дард аҳлининг қўлига тушса, таъвиз янглиг ихлослари бўюнларига осиб, иззат била асрар эрдилар ва мутолаа қилиб, шавқангез мазмунлари дорусидин ишқ беморлиқи маразига навъи шифо топар эрдилар»<sup>10</sup>.

«Таъвиз ул-ошиқин»да Шарқ мумтоз адабиётининг ўн тўққиз туридаги асарлар мужассам. Улар, филология фанлари номзоди Фатҳулла Ғанихўжаев тузган «Огаҳий асарларининг тавсифи» (Тошкент—1986)га кўра 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 2 мураббаъ, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубой, 10 туюқ, 1 муламмаъ, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри таъвил, 1 муножот, 1 савол-жавоби ошиқ ва маъшук, 20 таърих, 19 қасидадан иборат. «Таъвиз ул-ошиқин»

<sup>10</sup> Муҳаммадризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. Тошкент. 1960, 38-бет.

девонида 18000 мисра назм жавоҳирлари жамланган.

Огаҳий йирик зуллисонайн шоир ҳамдир. «Таъвиз ул-ошиқин» девонида 1300 мисрадан ортиқ асар «Ашъори форсий» номи билан алоҳида ўрин тутди.

«Таъвиз ул-ошиқин»даги асарлар мутолаасига киришишдан бурун унга ёзилган дебочанинг бадиий қиммати ҳақида фикрлашмоқ жоиздир. «Таъвиз ул-ошиқин» дебочаси, аввало, Огаҳийнинг ҳаёти, ҳасби ҳоли ҳақида маълумот берувчи бирламчи манбадир. Унда шоирнинг орзу ва режаларӣ, саргузаштлари, ҳаётининг турли даврларидаги руҳий ҳолати изчил, мароқли аксини топган. Дебочада ижодкор дунёқарашининг шаклланиши, ёш, изланувчан Муҳаммадризонинг жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга, турфа тоифа, гуруҳ, амал намояндаларига муносабатини кузатиш мумкин.

Мана бу сўзлар Огаҳий девон яратгунга қадар шоир сифатида танилгани, унинг асарлари халқ томонидан яхши кутиб олингани ва севиб ўқилганидан кафолат беради: «...Ушбу сайр асносида ҳар тоифанинг ҳолига лойиқ ва ҳар жамоанинг афъолига мувофиқ бир мазмун шоҳидининг хаёли хотирим кўзгусига хутур қилса эрди, гуногун иборатлар била рангин назмлар либосин кийдириб, дилкаш суратлар била халойиқ назарида намойиш берур эрдим ва ҳар бирининг рангин рухсори ва мушкин гесўси тамошосидин шавқ ва дард аҳлининг шайдо кўнгуллариин волалиғ ва асирлиғ мақомига еткурур эрдим, андоққим, шавқангез ғазаллар ва мавъизаомез қасидалар ва муҳаббатосор рубоийлар ва диққатпарвар маснавийлар ва базморо муҳаммаслар ва руҳафзо мусаввадлар назм силкига чекиб бир неча қоғаз пораларга мусаввада қилур эрдим. Аларнинг кўпроғи халойиқнинг тиллари азкорида мазкур, кўнгуллари авроқида мастур бўлуб, олам атрофи ва фалак ақторида қуёш янглиғ шуҳрат тутиб, акобир мажолисиде рубт ул-лисон ва асоғир маҳофилида вирди забон бўлуб эрди, токим, алардин баъзи мусаввадаси жуздонда пинҳон қолиб, баъзининг мусаввадаси беларволиғим сабабидин ҳар тарафга сочилиб, нобуд ва парижон бўлуб эрди»<sup>11</sup>.

«Таъвиз ул-ошиқин» дебочаси XIX аср Хоразм насрининг гўзал намунаси ҳамдир. Дебоча — мустақил насрий биографик асар сифатида баҳоланса арзигулик дурдона. Аммо Огаҳий насрини ўрганишга ҳали қўл

<sup>11</sup> Муҳаммадризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин, 31—32-бетлар.



урилганича йўқ. Огаҳийгина эмас, бутун Хоразм адабий муҳитидаги наср бадийяти илмда очилмаган қўриқ бўлиб ётибди.

Биргина XIX асрда яшаб ижод этган уч забардаст носир — Мунис, Огаҳий, Баёний асарларини олиб кўрсак, уларнинг насри услуби, бадий таровати, тил хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқланиб, айрича жилоланиб туради. Огаҳий дебочасининг матни анъанавий сайқалдор услубда ёзилгани, тилининг самимий ва ширадорлиги, сажъ усули билан музайянлиги, фикр-мулоҳазаларнинг назмий парчалар воситасида далилланиб бориши билан гўзалдир. Дебоча Огаҳий эстетик принципларини акс эттириши билан илмий қимматга ҳам эгадир.

Огаҳий девонидаги асарлар ижтимоий мазмун салмоқдорлиги, инсон ва халқ манфаатлари учун кураш маслаги билан ҳам Шарқнинг ўлмас обидалари қаторида туради. Огаҳийнинг инсон тақдирига муносабати унинг лирикасидаги давр ва аҳли давр тасвирида кўзга яққол ташланади. Мавжуд жамиятда инсонга муносабат ҳамда инсоннинг жамиятдаги ҳурмат-эътибори ҳақида шоир пичинг ва алам аралаш мана бундай хулоса баён этади:

Эй кўнгул, ҳайвон киби гўлу ҳамоқатпеша бўл,  
Одам ўлмоқ истасанг гар аҳли даврон оллида.

Маънавий инқирозга юз тутган жамият инсонга фақат шундай яшаш усулини раво кўради, холос. Акс ҳолда — инсон «гўлу ҳамоқатпеша» эмас, ҳушёр, мустақил фикрли, ҳақпараст бўлса, кибор жамоат уни одамгарчилик ва одоб доирасидан чиқариб, яккалаб, мудом ғаму кулфат, машаққату қадрсизликка мубтало қилиб қўяди.

Девонда юқоридаги сингари дардли байтлар силсиласидан яралган яхлит ғазаллар борки, улар Муҳаммадризонинг ўз ҳаётий тажрибаси заминидан юзага келган, муаллифнинг дил-дилидан сизиб чиққан аччиқ изтироблари меваларидир. Бундай ғазалларда Огаҳийнинг бадий умулмашма яратиш маҳоратини, лирик қаҳрамон сиймоси орқали умумхалқ дарду аҳволини изҳор этиш санъатини кузатиш мумкин:

Даврондин агар, эй дил, етса санга бир роҳат,  
Чекмакка муҳайё бўл юз кулфату минг меҳнат.  
Гар даҳр элидин олсанг ўлмакка етиб бир нон,  
Бир лаҳза қутулмассан ўлгунча чекиб миннат.  
Юз ваъда била хизмат ҳар кунда буюрғайлар,

Ер тутмас агар қилсанг ҳар ваъдага юз хизмат.  
Бу турфаки, юз хизмат бутқаргали жон чексанг,  
Бир хизмат учун кўргунг ҳар лаҳзада минг тухмат.

Ғазалда ҳақ-ҳуқуқи ва қадр-қиммати поймол этилган инсоннинг қалб оғриқлари, умидсиз, тушкун кайфияти, даврон ва даҳр элидан норозилиги баралла ун тортиб турибди. Байтларнинг ғамдийда инсон толеига битилган «меҳнат», «миннат», «хизмат», «тухмат» сўзлари билан якунланиши, қофияланиши, асардаги ҳазин руҳни кучайтириб, янада мунгли наво беради.

Айниқса, ижодкор ва ижод қадри ҳақидаги байтлар диққатга сазовор:

Ҳар дамда агар сўздин юз дурру гуҳар сочсанг,  
Бир кўҳна ҳазаф чоғлиғ топмас эл аро қиймат.  
Гар киприк ила қозсанг юз тоза қудуқ, ондин  
Сероби мурод ўлмоқ кўргузмагуси сурат.

Илм-маърифат, бадий сўз намояндалари шундайин қадрсизланган замонада Огаҳийдек сабот ва бардош, катта умидворлик билан тинимсиз маънавият қудуқларини қазмоқ, мукамал девон ва қатор тарихий-бадий китоблар яратмоқ букилмас ирода, фидоийлик нишонасидир.

Гўёки, сени тангри меҳнат учун этмиш халқ,  
Йўқса, сенга ҳам элдек бермасму эди давлат.

Бу байт моҳиятан Огаҳий замонаси сарҳадларидан ўзиб кетган. Огаҳий уни мудом меҳнату машаққатларга мубтало яшаётган ўзбек халқининг XX асрдаги толеи ва аҳволини башорат қилгандай ёзган.

Дўстпарварлик руҳи билан йўғирилган сатрлар Огаҳий дўстликка, муҳаббатга улугъ эътиқод билан ёндашганидан далолат беради.

Улар, айти пайтда, шоир самимий, меҳрибон, муруватли, хайрхоҳ дўсту ёр тополмай қийналганидан ҳам дарак беради. Ушбу сатрлар шоирнинг ғамгусор, некин ёр истаб ёвуз кимсаларга йўлиққанининг ачиқ сабоғидир:

Ёри бадни дебдурлар мори бад,  
Қочмоқ ондин келди суннат, эй кўнгул.

Эзгуликка умид боғлаб, «ёри бад»га йўлиққан шоир «борча авқотини беҳуда ўтургани»дан ўксинади, замон ва замон аҳлидан омонлик истайди:

Муфт билгил бору йўқингни бериб,  
Халқдин топсанг фароғат, эй кўнгул.

Замона зиддиятлари, зўравонлиги, адолатсизлиги билан муроса қилолмаган шоир «ёри баддан қочмоқ»-ни, «халқдан фароғат топмоқни» ва «фақр гўшасини макон этмоқ»ни ихтиёр айлади:

Ҳар кимки, фақр гўшаси бўлмиш макон анго,  
Хотир ҳамиша даҳр ғамидин амон анго.

Нима бу? Фаолликдан чекинишми, тушкунликми, умидсизликми, ожизликми ёки руҳий мағлубиятми? Йўқ, асло! Улуғ ижодкорларимиз дунёқарашидаги бундай бурилиш зукко ва музаффар исён нишонасидир. Маслагининг марказида фақру фано ғояси турган сўфийлик дунёқараши ҳам, аслида, маънавий таназзулга, диёнатсизликка, ғайриинсонийликка қарши исён тариқасида майдонга келган. Шу тариқа, Огаҳий ижодида ҳам кибор, дунёпараст, худбин ва амалдор замондошга қарама-қарши дарвешийрат, некбин, хокисор, фано кунжини маскан тутган, даҳр андуҳидан фориг, озода инсон сиймоси шаклланган. Огаҳийнинг шоҳ ва гадо, шаҳлик ва гадоликка фалсафий муносабати ҳам мана шу сиймо қиёфасида мужассам.

Ҳар кимки, даҳр шоҳлигин айлади ҳавас,  
Бордур насиб ғуссаяи фикри жаҳон анго.

Насиби, «ғуссаяи жаҳон» бўлмиш Огаҳий замондошлари Абдулла Орипов талқинидаги «жаҳоний ташвишга чулғанган зот»ларга орадан асрлар ўтган бўлса-да, нақадар яқин туради-я.

Султондур ул гадоки, бузуқ кулбаси аро  
Осудадур топилса бирор пора нон анго.

Мазкур байтда Огаҳий талқинидаги шоҳ ва гадо нисбатидан ташқари, фақирлик мазҳабидаги инсоннинг собирлик ва қонёлик фазилати, мусулмон дунёсидаги сабру қаноат фалсафаси тажассум топган. Қомил инсон тарбияси йўлидаги муҳим ахлоқий омилдир бу. Сабру қаноатни тарк этиб, нафс итига, ҳирсу ҳавас девларига дучор бўлган инсон тадрижий камолотдан тўхтайтиди, унинг толеи камолдан завол томон юзланади.

Ишққа фалсафий муносабатига кўра, Огаҳий инсоний ишққа сиғинган, дунёвий муҳаббатни энг юксак пардаларда, тиниқ ва дилкаш, таъсирчан наволарда, минг йиллик муҳаббатномадан ўзгача жозибада куйлай олган, ҳар ғазалига «ишқ хуррам марғзорининг ғизоли шўҳи» янглиғ сеҳр-синоат сингдирган шоири соҳир эди.

Бироқ Огаҳийнинг рубобий шеърятини фақат мажозий ишқ тасвиридангина иборат эмас. «Таъвиз ул-ошиқин»да шоирнинг ишқи ҳақиқий тасвирида ҳам маҳоратли санъаткор эканлигидан кафолат берувчи асарлар кенг ўрин эгаллаган. Айниқса,

Огаҳий, жаҳд эт, мусоҳиб бўл ҳақиқат аҳлига,  
Тобакай бўлғай мажоз аҳли билан улфат санго,

мақтаъи билан тугалланган ғазалда Огаҳийнинг ишққа, ҳақиқат ва мажозга фалсафий муносабати яққол акс этган.

Илоҳий ишқ кечинмалари тасвири Огаҳий назмининг таъсирчан саҳифаларини ташкил этади. Ҳаттоки, шоир таҳаллусида ҳам илоҳиёт сирларига боғлиқ маъно бор:

Нетонг огоҳ бўлса Огаҳий ишқнинг сириндиким,  
Онга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо.

Демак, Огаҳий таҳаллус танлаганида, илоҳий ишқ — Оллоҳга муҳаббат сирларидан огоҳлик, хабардорликни ҳам назарда тутган. Бу — таҳаллуснинг бир маъноси.

Огаҳийнинг фалсафий асарлари кўрсатадики, у ўз салафлари сингари, сўфийликнинг пантенстик йўналишига, кўпроқ нақшбандийлик сулукига эътиқод қўйган. Чунки у ўрта асрлар шарқи фалсафасидаги энг тараққийпарвар, ҳаётсевар, инсонпарвар, заковатли маслак эди. Қуйидаги байтда Огаҳийнинг нақшбандийлик маслагига эҳтиромини «қатрада — қуёш» мисол тажалли топган:

Ҳушинг қулоқини тутиб, ҳар дам бу пандимни эшит,  
Сокин ватан ичра бўлиб, атрофи олам сайрин эт.

Байтдаги маърифий-ахлоқий ғоялар нақшбандийлик тариқатидаги «Ҳуш дар дам» (Ҳар бир нафасинг, хатти-ҳаракатинг ақлу ҳушинг тасарруфи ва назоратида кечсин, ҳушёр бўл). «Хилват дар анжуман» (Майли, ҳақ бирла хилватда бўл, аммо анжуман-халойиқ ичра хилватда бўл), «Сайр дар ватан» (Сафарда бўл, бироқ юртма-юрт мазмунсиз кезмасдан, ватан ичра сайр этиб, оламни мушоҳада қил) каби ақидаларга асосланган.

Булар Огаҳий дунёқараши аъъанавий шарқона фалсафа таъсирида шаклланганидан далолат беради. Лекин, аъъанавий фалсафий тафаккур маҳсулларини ўзлаштириш билан чекланган, мавжуд фалсафий ақида-

ларни бадий шарҳлаш, турфа талқинларда такрорлаш билан машғул бўлган ҳеч бир ижодкор мустақил, янги, эркин дунёқараш соҳиби мақомига кўтарила олган эмас. Фалсафий тафаккур тарихида из қолдирган ҳар бир адибнинг ўзигагина хос тафаккур тарзи, дунёқараши бўлади. Ушбу сатрлар Огаҳийнинг Шарқ фалсафий тафаккурига қўшган ўзига хос нуқтаи назарини илгари суради:

Бу гулшан сайрин этсанг, босма густоҳона тўфроқни  
Ки ҳар гом остида бир пайкари озода мадфундур.  
Бу ғайратгоҳ сайрига адаб бирла қадам қўйким,  
Неча озода жисми ҳар қадам остидадур пинҳон.

Бир қарашда, байтлар замирида одобли бўлиш, қадамни билиб босиш ҳақидаги ўғитлар мужассамлашган. Нақшбанднинг «Назар дар қадам» (Ҳар бир қадамнингни кўриб-билиб қўй, босаётган қадамнинг ақл-идроқнинг назоратидан айрилмасин) ақидасини ҳам эслатади у. Аммо, мазкур панднома асосидаги фалсафа кишини жуда чуқур мушоҳадаларга чорлайди. Файласуф шоир учун тупроқ оддий ер эмас, у марҳум инсоният жасади, «пайкари озода»ларнинг хоки поки. Шоир наздида тупроқ ҳиссиз, ўлик ва мўрт жисм эмас. У ҳар бир ҳужайраси тупроқ зарралари шаклида ватанга айланган инсон тимсоли. Тупроқ Ватан учун курашган шаҳидларнинг қони билан қоришган. Тупроқнинг ҳар бир зарраси инсоннинг жони, юраги, жисмидан яралган. Шунинг учун у муқаддас. Уни эъзозламоқ, авайламоқ, пок сақламоқ, ҳимоя қилмоқ ҳар бир инсон зоти учун фарз. Она-Ватан, она тупроқ тушунчалари ҳам шундай фалсафий ақидага суянади. Мана Огаҳий дунёқараши, пандномаларининг ҳаётий таъсирчанлиги, инсонпарварлик ва ватанпарварлик мавқеи қанчалар юксак.

Огаҳийнинг форсий мероси таркибида ҳам теран фалсафий сатрлар учрайди.

Саропо чашм бош, аммо ҳамеша маҳви ҳайрат шав,  
Дарин гулзори ибрат ин сифат бобаст шабнамро.

Мазмуни:

Бошдин оёқ кўз бўл, бироқ ҳамиша маҳви ҳайрат бўл,  
Бу ибрат гулситонида шу ҳолатдур шабнамда.

Бу сатрлар моҳиятида бедилона фалсафа руҳи уфуриб турибди. Оддийгина бир шабнам томчиси тимсолида инсонга ибрат бўлгулик — бутун вужуди кўздан иборат бўлмоқ, бу кўҳна олам ҳодисаларини мудом ҳушёр,



носи эса «бўса олмоқдир». Билмаган киши юзаки маънонигина туйиб ҳам завқланиши мумкин. Зийрак китобхон эса бадий сўзнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маъноларини туйиб икки ҳисса таъсирланади.

Бадий фикрни, хусусан, панднома мазмунидаги фикрни қуруқ ва яланғоч айтиш Шарқ адабиётида расм бўлмаган. Акс ҳолда, бу адабиёт ҳаётийлик, таъсирчанлик, донишмандлик касб этолмасди. Ушбу адабиёт услубига хос хусусиятлардан бири қиёсий — истиоравий йўсинда иш тутиш, айтилажак ҳар бир гапни ҳаёт ва табиат тарозусига тортиб айтишдир. Шундай услуб тақозоси тарзида тамсил, ҳусни таълил сингари бадий санъатлар вужудга келган.

Тавозеъга ҳам ўлмоқ сарбаланд ўлмоққа мужибдур,  
Фалакка ҳамдурур ушбу жиҳатдин борҳо қомат.

Тамсил санъати талабига кўра, шоир биринчи мисрада ҳурмат, одоб тўғрисидаги фикрини ифодалайди ва иккинчи мисрада шу фикрининг ҳаётий исботи тариқасида табиатнинг ҳикматли бир ҳолати мисол келтирилади. Ҳусни таълил санъатида ҳам санъаткор шунга яқин усулда иш тутади. Бадий фикрни чиройли асослаш йўлидан боради:

Келгил, эй ўтлуғ кўнгул, эски чопонга қонёъ ўл  
Ким, ҳаминша жисмига кулдин қилур ахгар либос.

Ушбу байтни ночор ҳолда, эски чопон ёпиниб яшган шоирнинг ўз-ўзига тасаллиси ўрнида ҳам қабул қилиш мумкин. Амо ундан элга қаратилган хокисорликка, камтаринликка даъват ҳам англашилиб турибди. Иккинчи сатрда ҳаммага маълум ва машҳур ҳаётий лавҳа — чўғнинг кул билан қопланганлиги айтилган фикрга жуда мутаносиб чиройли бадий асос тарзида келтирилади. Ичида ўтлуғ кўнгул гупуриб турган эски чопон билан бағрида оташ яширинган култепа — қанчалар ҳаётий муқояса.

«Таъвиз ул-ошиқин» XIX асрда гуллаб-яшнаган Хоразм адабий муҳитининг гўзал гултожидир. Ундаги асарлар тил хусусиятларига кўра тушунарли, содда, жозибали, халқчилдир. Бу соддалик, айниқса, Хоразм адабий муҳитининг улуғ раҳнамоси, Огаҳийнинг устози Шермуҳаммад Муниснинг «Мунис ул-ушшоқ» девонидаги асарлар қиёсида яққол кўзга ташланади. Мунис адабий мактабидан илҳом ва ривож олган Огаҳий ижоди тобора жўшқин ва тиниқ тус олган. Унинг ҳар бир

мавжида ўзгача жозиба жилоланаверади. Масалан, ирсоли масал санъати намуналарига учрар экансиз, шоирнинг халқ оғзаки ижоди бойликларини нечоғли ўзлаштиргани ва адабий муддао ифодаси йўлида улардан қанчалик ўринли фойдаланиш маҳоратига имон келтирасиз:

Хуноб ичар вақтимда хуш келдинг, кўнгулким, халқ аро  
Яхши масалдурким: «Келур яхши киши ош устина».

Қизиқарли топилма — масал қўллашдан ташқари, лирик қаҳрамоннинг оғир аҳволини шундайин енгил, қочиримли кулги, ўиноқи оҳанг воситасида акс эттиришининг ўзи бир санъат.

Карам аҳли дирам аҳли дирамга сочса, тонг йўқким,  
Масалдур: «Ёр агар томса, томар, албатта, ёр узра».

Огаҳийдек мукаррам зотлар тенгсизлик ва манфаатпарастлик устувор замонда карам кўрмай, «аҳли дирамга» хор бўлиб яшагач, яна бир шеърда қойилмақом айтилганидек, «Қоврилиб ўз ёнига бошдин аёни ёнадур». Замон ва аҳли замона дарду ҳолини бундан-да нафис, ихчам, халқона ифодалаб баён этиб бўладими?

Огаҳий шеърлари тузилиши, таркиби, шакли жиҳатидан ҳам сидқидил ижодий меҳнат ва маҳорат маҳсулидир. Девонда чиройли бошланма, кечинмаларнинг изчил тадрижий такомил ҳамда маъно, ва сурат ҳосиятига кўра уларга мувофиқ тугалланмага таянган композицион гўзал асарлар кўп. Лирик асарларнинг композицион гўзаллигини таъминлаш мақсадида шоир композицион — услубий санъатларни ҳам моҳирона сафарбар этган. Мана, радд ул-матла санъати билан музайян, баднотан тугал, ибтидо ва интиҳоси мутаносиб ғазаллардан бири:

Мақтаъ:

Бизки, бу кун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз,  
Бошимиз узра оҳимиз шуъласидур кулоҳимиз.

Матлаъ:

Огаҳий, бўлса тонг эмас, фақр эли гар мутенмиз,  
Бизки, букун жаҳон аро кишвари фарқ шоҳимиз,

Матлаънинг биринчи мисраси мақтаъда қайтарилиши натижасида, ғазал қандай фикр ва руҳ билан бошланган бўлса, ўшандай жозиб якунланади.

Огаҳий бадий сўз имкониятларидан баҳраманд бўлгани ва шеър ихлосмандларини баҳраманд этганидан огоҳ бўлдик. Аммо мумтоз адибларимиз тасарруфида яна шундай имконият ҳам бор эдики, улар эски ўзбек алифбосидаги ҳар бир ҳарф шаклидан бадий ашё ва тасвир воситаси сифатида фойдаланиш бахтига муяссар эдилар. Огаҳий асарлари бадииятида ҳам алифбо муҳим ўрин тутган.

Доғ узра алифдурму кўксим уза чекмиш ҳажр,  
Ё дард сипехрида меҳварму экан оё?

Мазкур байтда шоир «доғ» ( داغ ) ва «дард» ( درد ) сўзларининг ёзилиши шаклидан келиб чиқиб ҳарф ўйини қилган бўлса, кейинги байтда «жон» сўзининг имлоси бадий фикр изҳорига восита бўлган:

Қадинг ҳижронида жоним хароб ўлса, тонг эрмаским,  
Латофатда санга зебо алифдур «жон» аро қомат.

Ҳарфий санъат шундай мазмун ифодасини таъминлаган:

«Жон» ( جان ) сўзининг бутунлиги «алиф» ( ا ) билан бўлгани сингари, сенинг гўзаллигинг боиси ҳам алифдек мавзун қоматингдир. «Алиф» ҳарфидан ажралган «жон» сўзи муқаррар бузилиши каби, сенинг қадинг (яъни, васлинг) ҳижронида менинг ҳаётим ҳам барбод бўлиши тайин».

Огаҳий ўзбек мумтоз адабиётининг бадий тимсоллар тизимини мукаммал ўзлаштирган ва уларни маъно ва шаклий томондан такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Биргина чумоли тимсолининг такомил тарихига назар солайлик.

Анъанавий чумоли ёки мўр образининг бутун ўзбек мумтоз шеърияти, жумладан, Навоий назмида қўлланиш миқёслари, маъно доираси, бадий вазифаси муҳтарам ўқувчига аён. У — камтаринлик, хокисорлик, меҳнаткашлик, саховатпешалик тимсоли. Унинг барча сифатлари чумоли ва мўр атамаларида мужассам эди. Образнинг маъно уфқини кенгайтириш мақсадида Огаҳий оддий «мўр» эмас, «хаста мўр» — чўлоқ чумоли тимсолдан фойдаланади:

...Иўққи ғалат айладим, ўйлаки, бир хаста мўр  
Чеккусен пойи малах тухфа Сулаймон сори.

Хаста сифати орқали шоир чумоли образида улуғворлик, олийҳимматлик фазилатларини мужассамлаштирган. Огаҳий талқинидаги чумоли жисми ушоққина, хаста (чўлоқ) бўлишига қарамай, Сулаймонга совға қилиш учун ўз жуссасидан неча баробар катталиқдаги малах — чигиртка оёғини судраб бормоқда. Сулаймонга лойиқ туҳфа олиб бориш масъулияти, ор-номус, ҳимматнинг зўри хаста, заиф чумолига ғайрат-шижоат, улуғворлик бағишлаган. Чумоли билан Сулаймон муносабатларидаги қарама-қаршилик анъанавий ҳол эди. Чумолининг хаста бўлиши ва туҳфа учун улкан чигиртка оёғини танлаши мавжуд бадийий зиддиятни янада кучайтирган.

«Хаста мўр» образи адабиётга ўзлашиб кетган ҳамда қўлланиш жараёнида яна бошқача талқин ва маънолар билан бойиган. Зотан, ҳар бир ижодкор муайян образни ўз бадийий муддаосига кўра қўллаши, қай бир жиҳатдандир янгилаши табиий. Масалан, Ғафур Ғулом «чўлоқ чумоли» образини ожизлик рамзи сифатида қўллайди:

Ақл йўлбошчилик қилолган ерда,  
Чўлоқ чумолидек ожиз Геракл.

Ўзбек шеърятининг тимсоллар оламини бойитишда Огаҳийнинг бунингдек бадийий кашфиётлари кам эмас.

Огаҳийнинг адабий мероси халқимиз ардоғидаги мўътабар маънавий хазина. Унинг қадр-қиммати замон ўтган сари ортиб боради. Унинг мавъизаангез, насиҳатомуз, маъшуқона, ошиқона, шахдомуз ғазаллари, шавқангез қасидалари, шакаррез мухаммаслари, айниқса, бугунги тарихий даврда инсоннинг маънавий оламини қайта қуришда, миллий мустақиллик мафкурасини яратишда жондек азиз; сув ва ҳаводек зарур. Замондошларимиз ва келгуси авлод «Таъвиз ул-ошиқин»даги дурдона асарларни, Огаҳий орзулаганидек, «ошиқлар тумори янглиғ ихлослари бўюнлариға осиб, иззат била асрасалар», бу муқаддас тумор уларни маънавий-моддий офатлардан омон сақлайди, камолот сари элтади.

Феруз Огаҳийнинг адабий мактабидан биз кўриб ўтган бадийий хусусиятларни ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Айниқса, Огаҳийдаги шарқона фалсафийлик, тил соддалиги, тимсолий жозибадорликни Феруз ўз бадийий услубига сингдириб юборган.

## ОГОҲНОМА

*Эрусен шоҳ — агар огоҳсен,  
сен,  
Агар огоҳсен, сен — шоҳсен  
сен.*

Алишер Навоий.

Феруз ўз ғазалларидан бирида шеърятдаги устози Муҳаммадризо Огаҳий эканлигини ифтихор билан изҳор этади:

Комил эрсам назм аро Феруздек, эрмас ажаб,  
Огаҳийдур шеър машқ айларда устодим менинг.

Ҳа, Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг Ферузбахту комрон сўз санъаткори даражасига етишига Огаҳийнинг мислсиз катта таъсири бор эди. Аммо масалага кенгроқ нуқтаи назардан қарайлик. Огаҳий ва Феруз орасидаги устоду шогирдлик муносабатлари фақат шеърят ёхуд адабиёт доирасида бўлганми? Феруз қандай вазиятда ҳокимият тепасига келди? Феруз салтанатга эришган чоғида Огаҳий Хева адабий муҳитида қандай мавқеда турган эди? Феруз устози Огаҳийдан нималар борасида таълим-тарбия олди ва Хевадаги бошқа истеъдодлар қатори Огаҳийга қандай ижодий рағбат бағишлади? Устоз ва шогирд, ҳукмдор ва ижодкор ўртасидаги бу муҳим ва мароқли муаммо ҳозиргача атиги Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари мисолида маълум даражада ёритилди, холос. Бунга ҳам мафкуравий тўсиқлар, дунёқарашимиздаги чекланганлик сабаб бўлиб келди.

Асли исми Бобожон бўлмиш Феруз 1845 йилнинг наврўз айёмида, Хевада байрам шодиёналари авжига чиққан паллада дунёга келди. Бу кўҳна Хева осмонида навқирон толе юлдузи чарақлагани, Хоразм маданиятининг янги куни туққанининг илоҳий белгиси эди. Муҳаммад Раҳимхони соний жуда нозик ва мураккаб тарихий вазиятда Хоразм тахтига кўтарилди. Муҳими, у баъзи хонлар сингари салтанат учун талашиб, хунрезлик йўли билан тахтга эришгани йўқ. Унинг хон бўлиб кўтарилиш манзараси ниҳоятда қизиқарли, ибратли. Ҳозирги замон тили билан айтадиган бўлсак, у демократик асосда сайланган хонлардан. Ферузбахтигининг дебочаси шу эди. Ҳодисанинг бевосита гувоҳи ҳамда воқеанависи Баёнийдан ўқиймиз:

«Вактеким, Сайид Муҳаммадхони жаннатмакон бақо



оламиға азм этдилар, Ҳасанмурод қушбеги тамоми умаро ва аркони давлатни жамъ қилиб, Карукли бобо мингбоши била Оллобердибойни Аркнинг дарвозасида қўюб деди: Доништа кишиларни киргузунг, вагарна, ҳеч кишини киргузманглар.

Алар дарвозанинг олдида ўлтурдилар. Чун ҳамма жамъ бўлдилар, Амир Тўра деди:

— Эй, умаро ва аёнлар, Бобожон, яъни Муҳаммад Раҳим тўра ёшдур ва юртда парокандалик бордур. Бир корозмуда киши хон бўлса, яхши эрди. Бу бобда сизлар не маслаҳат берурсизлар?

— Оре, бу сўз ростдур. Аммо бизлар давлатнинг бу хонадондин ўзга тарафга интиқолин хушламасмиз.

Ул ҳолда Раҳматулло ясовулбоши Амир Тўрага қараб деди:

— Сизнинг хон бўлмоқингиз ҳеч кишига мақбул эрмасдур.

Амир Тўра деди:

— Қимларга мақбул эрмасдур?

Ясовулбоши деди:

— Бу ўлтурғон жамоанинг ҳаммаларига.

Ул ҳолда ҳамма иттифоқ била фарёд қилиб дедилар:

— Бобожон Тўра хонимиздур.

Амир Тўра деди:

— Боғоят яхши бўлди. Хонлик Бобожонга муборак бўлғай.

Ул вақтда Бобожон Тўра Тангриқули тўранинг айвонида мутамаккин эрдилар. Ҳамма иттифоқ била туруб, кўрунушхонага кириб, Бобожон тўрани талаб этиб келтирдилар»<sup>12</sup>.

Дарвоқе, хонлик Муҳаммад Раҳимга муборак бўлди. Бироқ бу баракот ва омад ёлғиз Ферузнинг ўзигагина боғлиқ эмас эди. Омад ва бахт шунда ҳам аён кўринадики, Муҳаммад Раҳимхони сонийга қадар Хева саройида истеъдодлар жамланган ва бу адабий анжуман сарвари Муҳаммадризо Огаҳий эди.

Феруз ўзигача ташкил этилган адабий муҳитга равнақ бағишлади. Анъанага мувофиқ, ҳар бир муҳим воқеа адабий қутловлар, мушоира воситасида нишонланган ва тарих саҳифаларига бадий сатрларла муҳрланган. Афсуски, биз буни шунчаки мадҳияхонлик деб назар-писанд қилмай келдик. Унинг ижобий томонларини қадрламадик.

<sup>12</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи хоразмшохий.—«Менос», 188—189-бетлар.

Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг мана бу сўзлари Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг салтанат тахтига ўтириши шеър базмига, адабиёт байрамига айланиб кетганлигини кўрсатади: «Вақтеким, Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони соний сарири салтанатда қарор тутдилар, шуаро ва фузало хайли жулуслари учун торихлару қасидалару маснавийлар айтиб, инъоми шоҳона ва атоий хусравоналаридин саршор бўлдилар. Ул жумладин Огаҳий бу тарихни айтиб эрди». Ушбу парчадаги «шуаро ва фузало хайли» ибораси эътиборимизни тортади. Ушбу ибора Ферузгача ва Феруз даврида шаклланган шоирлару фозиллар жамъиятини — шеърпарасту санъатсевар шахзода теварагида жипслашган адабиёт ва санъат намояндаларини англатади. Диққатга сазовор ери шундаки, Хева тахтига кўтарилмиш Феруз ана шу ижодий жамоанинг фаол аъзоларидан бири бўлган. Огаҳий эса мазкур даврнинг устоз ва улғувор вакили эди.

Огаҳийнинг табрик учун битган назмий тарихи ҳануз тадқиқотчилар томонидан таҳлилга тортилмаган гўзал форсий асардир:

Шукрки, шуд фош бааҳли жаҳон  
 Марҳамату шафқати ҳайин қадир.  
 Яъни жавонбахт Муҳаммад Раҳим,  
 Хони қави ҳиммати равшанзамир  
 Аз мадади бахт баромад ба тахт  
 Бар сари афлок чу меҳри мунир.  
 Гашт зи осори жулусаш ҳама  
 Хурраму хушҳол сағиру кабир.  
 Ёфт зи алтофи иноёти у  
 Матлаби мақсуд вакилу вазир.  
 Аз ғами андуҳи бўъдаш шўданд  
 Фориғу осуда ганию фақир.  
 В-аз караму ҳиммати ҳилми ҳаё  
 Нест барў ҳеч адилу назир.  
 Огаҳи торихи жулуси хушаш  
 Кард рақам шоҳи адолатсарир<sup>13</sup>.

Ушбу асарнинг мазмун-моҳияти шундай:

Шоир Хоразм тахтининг Муҳаммад Раҳимхони сонийга насиб этишини қодир Оллоҳнинг марҳамати янглиғ қабул этади ва бунинг учун шукроналар айтади. Бу шунчаки одатий шукрона эмас эди. Чунки, бу даврда мамлакатда парокандалик мавжуд, Муҳаммад Раҳим тўра ёш, тож-тахтнинг ўзгачароқ ҳукмдор қўлига ўтиб кетиши хавфи эл кўнглига хатар соларди. Огаҳий васф

<sup>13</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий.—«Мерос», 189—190-беглар.

этишича, улуғ ҳиммат соҳиби, равшанзамир, бахтиёр ва ёш Муҳаммад Раҳим офтоби оламтоб фалак авжига кўтарилгани сингари бахтнинг мадади билан тахтга мушарраф бўлди. Унинг бундай муваффақиятидан каттаю кичик — барча хурсанду хушҳол бўлдилар. Унинг илтифоту иноятидан вакилу вазирлар ҳам мақсад ва талабларига эришдилар. Бундай раиятпарвар раҳнамодан узоқлик қайғусидан бою камбағаллар осойиш ва фароғат топдилар. Ҳилму ҳаё, ҳиммат ва марҳаматда унга қиёслагулик зот йўқ. Огаҳий унинг анжумани тарихини адолатсарир шоҳ дея рақам чекди.

Дарвоқе, бу далил хоннинг тахтга чиқиши маросими адабий анжуманга айланиб кетганинигина билдирмайди. Баёний анжуманда Огаҳий бир тарих ва бир қасида ўқиганини ифтихор билан айтади ва ушбу асарларнинг матнини келтиради. Бу, айни замонда, Огаҳий устоз ижодкор даражасига кўтарилгани, ва саройда энг мўътабар мавқеда турганлигини кўрсатади. Ёш соҳиби салтанатга адабий қутловлар ёзиш, маънавий ҳомий тариқасида панд-насиҳатлар айтишни бошқа ҳеч суҳандон қойил қилолмаганки, бу масъулиятли вазифа Огаҳийга ишонилган. Демак, Огаҳий Сайид Муҳаммадхон замонидаёқ сарой адабий муҳитида етакчи сиймога айланган.

Навқирон хон ҳузурида ўқилган қасида жуда катта тарихий-тарбиявий аҳамиятга молик ҳодиса бўлди. Бу ҳозирги замон ва келажак учунгина эмас, балки ўз замонидаёқ ҳосиласи намоен бўлган маънавий жавоҳир эди. Чунки Феруз фаолиятини кузатар эканмиз, у устози Огаҳий ўғитларига изчил амал қилганига иқрор бўламиз. Огаҳий тарбияти таъсирида Феруз Хоразмда қатор эзгу ишларни амалга оширган.

Урни келганда, қасида жанрининг илмий тақдири ҳақида бир лаҳза тўхтайлик. Таассуфларким, ўтмиш маданий меросимизнинг улкан бўлаги билан биргаликда, мумтоз қасидачилик ҳам сиёсат ва мафкура қурбони бўлиб келди. Биз гўзал миллий қасидаларимизни, улар феодал ҳукмдорларга мадҳу сано йўлида ёзилган, бугун ва келажак учун яроқсиз нарсалар, деб қарадик ҳамда инкор этиб келдик. Уларни илмий ўрганиш, наشر этишдан камоли эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик билан сақландик. Бобокалонларимиз мадҳия воситасида таълим-тарбия, маърифату панду насиҳатни сингдиришга ҳаракат қилган бўлсалар, биз аксинча, қасиданинг мадҳия қисмидан қўрқиб, унинг ўзак-моҳиятини ташкил этувчи таълим-тарбия, маърифату панду насиҳатдан

воз кечиб юрдик. Оқибатда, миллатнинг бир неча авлоди Шарқнинг ўзига хос, беқиёс панднома адабиётидан бебаҳра вояга етдилар. Ушбу маънавий хасталигимизни билиб билмасликка олдик, хаспўшладик, яширдик. Аммо иситмаси ошкор эта бошлади. Иситманинг хуружидан ўзимиз гафлатда қолиб, хориждагилар хабар топдилар. Адабиётимизнинг хориждаги муҳиблари биздан бурун бонг урдилар. Жумладан, Америкадаги Колумбия университетининг профессори, Ўрта Осиё марказининг раҳбари Эдуард Оллворт журналист Маҳмуд Саъдий билан суҳбатда жонкуярлик билан шундай деди: «Шарқда X—XI асрларда улуғ муаллимлар, зукко зиёлилар кўп эди. Қайковус, Низомулмулк сингари зотлар подшоларга мамлакатни қандай бошқариш тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатардилар, панд-насиҳат қилардилар. Қадимги муаллимлар ҳукмдорларга яхши таълим берганлар. Қани бугунги «Қобуснома»лар, «Сиёсатнома»лар, «Маҳбуб ул-қулуб»лар — замонавий насиҳатномалар. Уларни сизлар — зиёлилар ёзишларингиз керак»<sup>14</sup>. Воқеан, Огаҳий қасидаси ҳам айнан шундай — мамлакатни қандай бошқариш тўғрисида яратилган асар. Манзумадан мақсад насиҳат эмас, насиҳат унда восита. Донишманд муаллим ёш ҳукмдорни жуда кўп эзгу ва ёвуз нарсалардан огоҳ бўлишга ундаган. Шунинг учун биз асар номини «Насиҳатнома», «Қасидаий насиҳат» эмас, балки «Огоҳнома» деб юриштишни маъқул кўрдик.

Огаҳий қасидаси йирик пандомуз асар бўлиб, уни бошдан оёқ тинглаш катта сабру тоқатни талаб этарди. Юксак мавқеда туриб айтилган бу улуғвор ўғитларни хонлик ғурурига берилмаган хокисор инсонгина уқиб ўз сийратига сингдириши мумкин эди.

Қасида:

Аё, хусрави маъдалатдастгоҳ,  
Нажобат сипеҳрида рахшанда моҳ,  
Шаҳаншаҳлиқ ўлсун муборак санго,  
Мададкор тангри таборак санго<sup>15</sup>,

сингари табрик сўзлари билан бошланса-да, бундай тантанавор руҳ дастлабки сатрлардан нарига ўтмайди. Табрик оҳанглари Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг отаси Сайид Муҳаммадхон вафотига таъзия, таскин-тасалли сўзларига уланиб кетади:

<sup>14</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 25 май сони.

<sup>15</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи хоразмшохий, 190—194-бетлар.

Бўлуб лутфи ҳақ доимо носиринг,  
Малул ўлмасун бир нафас хотиринг,  
Ато сўғидин бўлма андуҳгин,  
Кўнгулни бу ғам бирла қилма ҳазин,  
Қилиб баъзи лутфу карам ошкор,  
Бори ҳолда сабр қил ихтиёр.

Хонга оталарча ғамхўрлик юзасидан тап тортмай тасалли беришга ҳар кимнинг ҳадди сизмас, бу Огаҳий обрўйигагина лойиқ юмуш эди. Мақтовни бу қадар қисқа қилиб, дафъатан таскин-тасаллига ўтиб кетиш инсон руҳига таъсир этиш воситаси, бадий усул бўлиб, Огаҳий бундан маҳорат билан фойдаланган.

Ёш Муҳаммад Раҳимхоннинг итоаткор руҳини жиловлаб олган зукко Огаҳий уни маърифат мулкига етаклайди:

Эшит бу ҳазин бандадин маърифат  
Ки, дегум неча манфаатлик нуқат.

Маърифий нуктапошликдан эса мақсад ниҳоятда катта эди. Огаҳий олам ва одамнинг яралишидан бошлаб, пайғамбарлару ўтмиш хону беклар тарихидан тортиб ўз замонасидаги амалдорларгача — бари-барисининг қисматидан адабий сабоқ беради. Бу сабоқнинг заминиди мулку миллат манфаатлари, катта йўлнинг бошида турган йўлчини улуғ тўғри йўлга йўллаш, уни бу машаққатли йўлдаги мушкулотлардан, хатарлардан огоҳлантириш, муҳофаза этишдек муборак муддао ётарди. Огаҳий пандлари халқимизнинг бугунги раҳбарларига ҳам маънавий мўмиёдек асқотадиган сабоқларки, уларни «ўқиб ўтмак, уқиб ўтмак шиоримиз» (Навойи) бўлмоғи лозим.

Аввало, шоир бу қадим дунёда одилу золим, ёвуз ва эзгу... ҳукмдорлар кўп келиб кетгани, алалоқибат, ҳаммаси қазо ҳукмига тобе бўлганидан огоҳлантиради:

Ки, то қилди мавжуд оламни ҳақ,  
Яратди бари хайли одамни ҳақ,  
Аларга қилиб ер юзини макон,  
Неча навъ неъматлар этди аён.  
Тузарга алар ичра расми низом,  
Низом этгали адл бирла тамом,  
Жаҳон ичра халқ айлади шоҳлар,  
Қавиқудрату соҳиби жоҳлар.  
Қилиб баъзи лутфу карам ошкор,  
Вале баъзи зулму ситам ихтиёр.  
Етиб баъзидин элга роҳат басе,  
Вале баъзидин ранжи меҳнат басе.  
Бўлуб баъзи таҳсини раҳматга тўш,  
Вале баъзи нафрини лаънатга тўш.



Бариси кўруб чархи дундин ситам,  
Адам сори ночор қўйди қадам.  
Будур донмо чархи золим иш  
Ки, зулмидин асло қутулмас киши.

Огаҳий эзгуга ҳам, ёвузга ҳам тарафкашлик этмасдан, холисона нуқтаи назарда туриб тасвирлайди. Шоҳлар ҳақ томонидан инсонларга адолат билан раҳнамолик қилиш учун яратилганига қарамай, баъзиси лутфу карам кўрсатса, баъзиси зулму ситамни ихтиёр этгани, баъзисидан элга роҳат етса, баъзисидан ранжу меҳнат қайтгани каби далилларнинг ўзиёқ янги тождорни ўткинчи дунёда яхшиликка йўлдош бўлишга ундарди.

Муҳаммад Раҳимхони соний адолатли ва комил султон етилиши учун ўтмишдаги барча хонлар қисматидан бохабар бўлиши ҳамда ўзи учун тегишли хулоса чиқариши лозим эди. Шунин билган Огаҳий тарих манзаралари ва хонлар силсиласини талмеҳ санъати воситасида Муҳаммад Раҳимхон хотирасида жонлантиради. Ушбу бадий жонлантириш жараёнида барча собиқ соҳибқиронларнинг фаолияти, ижобий-салбий хусусияти, хизматлари, қадри, ҳалокати сабаблари аён гавдаланади. Фоже кечмиш таассуротлари янги тахт соҳибини ҳушёрликка чорлайди ва Огаҳий ўғитларини қабул қилишга руҳан тайёрлайди. Ана шундан сўнг кекса тарихнинг зукко мактабидан таълим олган, талай муаррихлар меросини мутолаа этиб, ўзи етук солномалар яратган устоз Огаҳий салтанат камолотининг муҳим шартларини уқтиришга киришади:

Бугун, подшоҳо, санга салтанат  
Берибдур худо кўргузуб марҳамат.  
Агарчи бу иш бас оғир юкдурур,  
Ғаму меҳнати неча турлукдурур,  
Ўзунгни бу юк чеккали чоғлағил.  
Камар белга ҳиммат била боғлағил,  
Бу ишнинг камолиға толиб эсанг,  
Онинг боиси не экандур, десанг,  
Дегай бир-бир они бу ошуфтаҳол,  
Топар салтанат неча ишдин камол.

Огаҳий сўзларидан англашиладики, у хонликни ҳою ҳавас ва айшу ишрат маснади деб тушунмаган. Халққа раҳбарлик, элу юрт масъулияти ниҳоятда оғирлигини билган устоз, «бу иш базе оғир юк», «меҳнати неча турлук» эканлигини шогирди Ферузга ҳам уқтиришга ҳаракат қиладики, бу халқ осойиши ҳамда мулк оро-йишининг кафиллигини олган ҳозирги ҳукмдорларга ҳам

нақд фойдали сабоқдир. Баркамол ҳукмдор бўлишнинг асосий шартлари шоир наздида нималардан иборат экан, зеҳн солайлик:

Ки, ҳиммат биридур, шижоат бири,  
Адолат биридур, сиёсат бири.  
Жалодат бири, бири ғайратдурур,  
Саховат бири, бири ифбатдурур.  
Бири ҳилм келди, бириси ҳаё,  
Бири ваъдага айламаклик вафо.  
Футувват бири, соф ният бири,  
Мурувват бирию ҳамият бири.  
Бири шаръ ҳукмига бермак ривож,  
Бири куфр дардига қилмоқ илож.  
Биридур вуқуф ўғрилар ҳолидин,  
Алар илкани кесмак эл молидин.  
Бири келди бўлмоқ раиятнавоз,  
Масокин, мазлумга чорасоз.  
Бири тарбият бирла қилмоқ азим.  
Алағники, дур некхоҳи қадим.  
Бириси сипаҳ кўнглин олмоқдурур,  
Қарам доми бўйнига солмоқдурур.  
Булардин етар салтанатга низом,  
Буларсиз ул иш топмас асло тамом.

Аслида, Муҳаммад Раҳимхонга лозим кўрилаётган бу фазилатлар ҳар бир инсонга зарур. Аммо, халқ истиқболини кўзлаган ҳукмдор улардан кўз юмган ҳолда, асло нек муродларига эришолмайди, инқирозга учрайди. Олийҳимматлик ҳукмдорга обрў келтиради. Ғайрат-шижоат мамлакатни обод, халқни фаровон этади. Адолатсиз салтанатни сақлаб бўлмайди, лекин сиёсатсиз ҳам соҳибқиронлик мақомида муқим туриш даргумон. Номарддан ботир чиқмайди, чиқса ҳам ўз чодирини чопади. Демак, мардлик — жалодат ҳам жаҳонгирнинг жонажон фазилати. Маликнинг муҳтожларга марҳамати мулкининг маъмурлигига мададдир. Раҳбарнинг ифбатлилиги халойиқ учун ибрат ва ифтихордир. Ифбатсизлиги эса ифлослик ва инқироз энгаҳси. Бизда ҳукмдорнинг бети ҳам, қўли ҳам қаттиқ бўлиши керак, акс ҳолда юртни бошқаролмайди, деган тушунча шаклланган. Огаҳий эса ҳилму ҳаё, яъни юмшоқтабиатлик, хушмуомалалик, уятчанликни раҳбар одобининг мезонларидан деб белгилайди. Бу бизга орзу-армондай туюлади. Бироқ шунга интилган амалдор адашмаса керак. Ваъдага вафо айламак — жуда оғир шартлардан бири. Халққа берилган ваъдага ҳамиша вафо қилинавермайди. Шунинг учун кўпчилик ҳукмфармоларнинг халқ олдида юзлари шувут бўлиб, обрўю амалларидан футур кетган.

## Алишер Навоий таърифича:

Саховат — барча бермакдур, емак йўқ,  
Футувват — барча қилмакдур, демак йўқ.

Огаҳий ҳам ҳукмдорни холис ният билан яхшиликлар қилишга, мурувватли ҳамда ҳамиятли бўлишга чорлайди. Огаҳий «шаръ (шариат) ҳукмига ривож» бериш, «куфр (кофирлик) дардига илож» топишдан панд беради. Турғунлик йилларида ҳақимларимизнинг бундай ҳикматларига тамоман тескари иш тутилди. Шариат — миллий мусулмончилик қонун-қоидалари назар-писанд қилинмади. Шу туфайли юртдан хайр-барака кўтарилди, эл имон-эътиқод, ор-номусдан айрилди. Аммо Феруз ўз замонасида Огаҳийнинг бу ўғитларига қатъий амал қилган эди. Феруз фаолиятида эса ўғрилиққа қарши тадбиркорона ишлар қилинган маълум. Мискин, жабрдийда, бечораларга чорасоз бўлиш, яхшилар тарбияти ва парваришига эътибор бериш ҳам муҳимки, улар халқнинг катта қисмини ташкил этади, ҳукуматнинг мавқеи уларга ҳам боғлиқдир. Сипоҳийлар, ҳарбийлар кўнглини олмоқ ҳам ҳукмдорликнинг асосий шартларидан эканки, уларсиз салтанатни идора қилиш, элни итоатда тутиш, мамлакатни муҳофаза этишнинг иложи йўқ. Агар кўнгли олинмаса, лашкар пароканда бўлиб, тўзғиб кетиши ёхуд исён кўтариши, ҳарбий тўнтариш юз бериши, ҳокимият инқирозга юз тутиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун уларни шоир лутфу карам сиртмоғида сақлашни маслаҳат кўради. Демак, салтанатнинг низоми ва интизоми шоир айтган ана шу шартларга амал қилиш жараёнида камол топади.

Мураббийнинг вазифаси тарбиятидаги инсонни фақат яхшиликнинг шарофатидангина эмас, балки ёмонликнинг зарофатидан ҳам огоҳлантиришдир. Огаҳий салтанат камолини таъминловчи омилларни баён этгач, салтанат заволига боис бўлувчи қусурларни ҳам қайд этади:

Яна неча иш салтанатга завол  
Етургуси, сургум алардин мақол  
Қи, ғафлат бири келди, ширкат бири,  
Қаҳолат бирию, касолат бири.  
Бириси шариатдин этмак удул,  
Бири дод сўрмоқдин ўлмоқ малул,  
Бири жаҳл саҳбосидин мастлик,  
Бири доми шаҳватга побастлик.  
Бири фисқи бидъатга бермак ризо,  
Бири жаври зулм айламак иқтизо.

Бири айлабон майли имсоки мол,  
 Сипаҳ аҳлини тутмоқ ошуфтаҳол,  
 Бири келди идмони айшу тараб,  
 Бири келди ийтони лаҳви лааб,  
 Бири мулкдин бехбарлиқдурур,  
 Ки, шаҳларга бу иш хатарлиқдурур.  
 Бири иззат аҳлини хор айламак,  
 Улус ичра беъътибор айламак,  
 Бири қилмоқ авбошга тарбият  
 Бериб мансаб этмак анга тақвият.  
 Бири қурби ҳуссоди ғаммоз эрур,  
 Ки, қурби аларнинг зарарлар берур.  
 Бу сўзларниким, ман баён айладим,  
 Неча байт бирла аён айладим,  
 Буларга қаю шаҳки, қилса амал,  
 Анинг мулкига етмас асло халал.  
 Ҳукумат бинноси бўлур устивор,  
 Анинг хонадониди тутгай қарор.

Жонкуяр устоз салтанат соҳибига насиҳат қилар,  
 уни яхшилиқнинг шарофати, ёмонликнинг зарофатидан  
 огоҳлантирар экан, бу сўзларига хон чуқур амал эти-  
 шини истайди ва шу ҳақда самимий тилак билдиради:

Шаҳо, олам ичра бугун шоҳсен,  
 Бурудин бу сўзларга огоҳсен.  
 Умидим будурким, амал қилғасен,  
 Амал айламакда жадал қилғасен.

Муҳими шундаки, Муҳаммад Раҳимхони соний Ога-  
 ҳийнинг бу сўзларига изчил амал қилди. Муҳаммад Ра-  
 ҳимхоннинг ҳаёти ва фаолиятини кузатганимизда бунга  
 тўла-тўқис иқрор бўлишимиз мумкин.

### «ОГАҲИЙ — УСТОДИМ МЕНИНГ»

Огаҳий «Огоҳнома»сининг ҳамда, умуман, устозлик  
 тарбиятининг ҳаётий самараси — яъни, Феруз ижти-  
 мой-сиёсий, маданий-адабий ҳаётга, ҳимоятидаги ҳар  
 бир санъаткорга қандай равнақ бағишлагани тўғриси-  
 да бутун бошли китоб яратишга етарли маълумот бор.  
 Ҳозирча, Феруз устозининг эзгу хизматларини яхши-  
 лик, хайрихоҳлик ва ижодий ҳамкорлик билан қай-  
 таргани ҳақидаги Огаҳийнинг ўз иқрору эътирофлари  
 таҳлилига тўхталиш кифоя. Зотан, саройдаги бошқа  
 ижодкорларнинг катта қисми Ферузнинг ўз шажара-  
 сига дахлдор ёки унга шогирд ва издош сифатида яқин  
 эдики, уларга қаратилган эътибор ҳам Огаҳийдан кам  
 бўлмаган.

Муҳаммад Раҳимхони соний Хоразм тахтига ўлтир-  
 ган чоғида, Огаҳий малик уш-шуаро мақомига эришган  
 бўлса-да, ҳали шеърларини жамлаб девон тузмаган

Огаҳий Ферузнинг фақат ўз ижодига ижобий таъ-  
сирини эътироф этиш билан чекланмайди. Балки, унинг  
бутун маданият аҳлига ҳомийлигини чуқур миннатдор-  
чилик билан қайта-қайта мадҳ этади:

Бўлуб вақф кўнглига барча улум,  
Қилиб илм эли теграсиға ҳужум.  
Агарчи эрур баҳри фазлу ҳунар,  
Вале кўб бўлуб шеърдин баҳравар.  
Топиб шеър онинг шуғли бирла ривож,  
Бориб барча шеър аҳлидин эҳтиёж,  
Бўлуб фазл эли лутфидин аржуманд,  
Бори аҳли офоқ аро сарбаланд...  
Зиҳе, зоти олию волотабор  
Ки, даҳр ичра шаҳзодаи комкор.  
Бўлуб маснади давлат узра муқим,  
Шариф исми Султон Муҳаммад Раҳим<sup>19</sup>.

Бу қуруқ мақтовми ёхуд ҳаётда воқеликка айлан-  
ган эзуликнинг назмий таърифими? Бу мақтов ва таъ-  
рифгина эмас, ўз шогирдининг камолоти, эл-юртга ет-  
казаётган яхшилигидан устодона ризолик ҳамда ифти-  
хордир. Дебочадаги ушбу маснавий эзгу тилаклар ва  
дуолар билан яқунланади. Феруз Хоразм шоирлари-  
нинг пири, назм осмонининг офтобидан дуо олган инсон  
эди. «Олтин олма, дуо ол» нақлидаги ҳикматга муво-  
фиқ, Феруз асридаги барча фазл аҳлининг дуосига  
муяссар бўлган эди: «Ҳамиша ул жанобнинг шарофат-  
лиғ одати уламо ва фузало зумрасиға навозиш ва мар-  
ҳамат кўргузмак, хусусан, шуаро ва зурафо шаънида  
бахшиш ва тарбият русумин тузмакдур. Лиҳозо аксар  
уламо ва фузало ул жанобнинг беҳиштойин мажлисиға  
фазлу дониши василаси била йўл топиб илтифот ва  
эҳсоноти неъматидин маҳзуз ва баҳраманд бўлуб субҳу  
шом, балки аладдавом дуойи давлатиға машғул ва  
машъуфдурлар»<sup>20</sup>.

Феруз замондошлари — шоир, тарихчи, тазкирачи-  
лар Муҳаммад Раҳимхони соний ҳар бир ижод аҳлига  
камоли эътибор билан ёндашгани, янги асарлар сўроқ-  
лаб тергаб тургани, давлат ишларидан ортиб, янги  
бадиният намуналари мутолааси ва таҳрири билан шу-  
ғулланиши ҳақида яқдиллик билан сўз юритадилар.  
Ушбу фазилатлар ўз ижодий тақдирида муҳим ўрин  
тутганлигини Огаҳий ҳам қайд этади: «Маҳсусона  
мулоқот ва муҳиббона илтифотларин ўз ҳақимда шо-  
милроқ, балки комилроқ топиб, ўзга фузалодин кўпроқ

<sup>19</sup> Уша китоб, 34-бет.

<sup>20</sup> Уша китоб, 35-бет.



хушҳол ва хуррам бўлур эрдим, то бир кун мусаввадаларим орасидин бир неча ғазал ва мухаммас ва қасида интиҳоб этиб ва бир неча авроққа тартиб била битиб, ул жанобнинг шарофатмаоб хизматига туҳфайўсунлуғ еткурдим.

Ўйлаки, чеккай киши қатрани уммон сари,  
Йўқ эса, бир сабзани тоза гулистон сари.  
Йўқки, ғалат айладим, ўйлаки бир хаста мўр,  
Чеккуси пойи малах туҳфа Сулаймон сари.

Ул жаноб ҳамул авроқни муборак илгига олиб тамошо қилғоч, девоналар ҳашву лағвидин оқиллар фараҳ топиб кулгандек, паришон мазмунлар мутолаасидин лутфоро лабиға табассум, балки хандонлиқ ва мусаффо кўнглиға масаррат ва шодмонлиғ етишиб, марҳамат ва шафқат юзасидин фақирғаким, қарилиғ меҳнати сабабидин ва ҳодисот шиддати боисидин шеър фикр этарға табиат ва ҳафсала қолмамиш эрди, шавқангез ғазаллар айтурға кўб тарғиб ва таҳрис қилди»<sup>21</sup>.

Бу мурувват ва рағбат қаршисида Оғаҳий ўзини ниҳоятда ожиз сезади. Ўша даврдаги руҳий аҳволини дардчил тасвирлайди:

Менингдек ожизу ошуфта аҳвол,  
Қарилиғ дарди остида қади дол.  
Йигитдек қолмағон таъбида қувват,  
Чигитдек бўлмағон фикрида диққат,  
На янглиғ эмди фикрат айлай олғай,  
Ғазал айтурға журъат айлай олғай.  
Керак бу ишда хуш таъбу қави дил,  
Манга лекин бу ишдур асру мушкил»<sup>22</sup>.

Оғаҳий бу мулоҳазаларни фақат ўзининг жисмоний ва руҳий аҳволини ўйлаб эмас, албатта, бадий сўз олдидаги талаб ҳамда масъулиятни теран англаган ҳолда битган. Феруз томонидан билдирилган эҳтиёж, таъбир жоиз бўлса, адабий буюртма Оғаҳийга катта далда ва туртки бўлди. Унинг ижодий камолотига юксалиш босқичи, илҳом булоғига янги мавжлар бағишлади: «Аммо ул жанобнинг илтифоти мадади била кўнглумға қувват ва таъзимға журъат ҳосил бўлуб, яна фикру хаёл гулистониға майлу рағбат била кириб, ондоғи қолғон, қочқон гул ва райҳонларни табиат этағига териб, гоҳо мавъизаангез ва насиҳатомуз ва гоҳо маъшуқона ва гоҳо ошиқона ғазаллар ва мухаммаслар ва қасидалар тартибиға иштиғол кўргуздим»<sup>23</sup>. Шу та-

<sup>21</sup> Ўша китоб, 35—36-бетлар.

<sup>22—23</sup> Ўша китоб, 36-бет.

риқа, Огаҳий янги ижодий қувват билан шеърлар ёзди, уларни Феруз назаридан ўтказиб, жиддий фикр-мулоҳаза, баҳо ва таҳсинларга мушарраф бўлади. Бироқ Феруз устози эришган ютуқларни ўз ютуқлари, раҳнамолигидаги адабий муҳит муваффақиятлари деб ҳисоблайди. Эришилган зафарлар билан чекланмайди, қаноатланмайди. Огаҳийни тобора камолот марралари сари руҳлантиради. Биз Феруз даъватисиз Огаҳий мазкур марраларга интилмади, демоқчи эмасмиз. У ижодий камолотининг қонуний интиҳоси равишича, баркамол босқичга интилар ва шубҳасиз, эришарди. Чунки у мукаммал ибрат ва намуна, маҳорат мактаби — Шермуҳаммад Мунис ижодий тажрибасидан озиқланган. Муниснинг етук издоши, давомчиси эди. Бундан қатъи назар, воқеа шундай бўлган ва биз ундан кўз юмолмаймиз: «...бир кун (Феруз) фақирга иноят назари била боқиб, дилнавозлик юзидин хитоб қилиб дедиким: «Борча мусаввалардаги ва баёзлардаги ва ўзга ерлардаги паришон бўлган шеърларингни жамъ этиб, девон суратида тартиб бергил ва онга дебеча ҳам ёсоб сўнгра айтилган ашъорингни доғи ҳамул девонда ўз маҳалида рақам силкига гавҳар янглиғ тергил. Нединким, кишидин то қиёматғача боқи қолатурғон ёдгор ва фарзанди саодотосор яхши сўздурким, онга замон ҳаводисининг офоти зарари асло етушмас ва даврон инқилобининг губори ҳаргиз аҳволи бошига тушмас. Ва вужуди адам қисватидин муарро, бақоси фано тухма тидин мубарродур. Алқисса, сўз мартабаси ниҳоятсиз баланд ва сўз аҳли ҳамиша азиз ва аржуманддурлар»<sup>24</sup>.

Девон тузиш тўғрисидаги маслаҳатини Феруз айнан шу сўзлар билан ифодалаганмикан ё бу Огаҳийнинг ўз сўзларимикин, деган андиша ҳар бир мухлис кўнглидан кечиши мумкин. Бизнингча, Огаҳий Феруз фикрларининг моҳиятини сақлаган ҳолда уларга бадий сайқал бериб қайта ёзган бўлса керак. Зеро, Феруз бу фикрларни Огаҳийга ёзма равишда эмас, оғзаки изҳор этган. Огаҳий Феруз фикрларини насрда ифодалаганидан қаноатланмайди чамаси, уни тугал етказиш учун назмий сатрлар илова этади. Сатрлар Феруз тилидан зикр этилган:

Бўлбдур шеър яхшилар шиори,  
 Жаҳонда то қиёмат ёдгори.  
 Кишига шеърдин йўқ яхши фарзанд

<sup>24</sup> Уша китоб, 36—37-бетлар.

Ки, дойим боқи ул фарзанди дилбанд,  
Сўзингдур ўзга сўзлардин зиёда,  
Сенга фарзанд, бизга хоназода,  
Аларга қилмағил бемехрликлар,  
Аён этгил кушодачеҳрликлар.  
Раво кўрма аларга дарбадарлик,  
Ятимосо ҳамиша навҳагарлик.  
Бу янглиғ қўйма аҳволин паришон,  
Юрутма ҳар тарафда зору гирён.  
Алар ҳаққида меҳр ойинини туз,  
Борисин йиғнабон девонга киргуз.  
Етургил ўз ерига ҳар бирини,  
Шаба бирин дема, гавҳар бирини.  
Ёмон деб солмоғил бирни назардин  
Ки, фарзанд ўлғуси пора жигардин.  
Неча яхши аро бўлғай ёмон ҳам,  
Туман бугдай аро бўлғай сомон ҳам.  
Агарчи очилур юз гул чамандин,  
Валекин чораси йўқтур тикандин.  
Неким шеъринг эса, борини жамъ эт,  
Карам айлаб бари фарёдиға ет<sup>25</sup>.

Шубҳасиз, бу сатрлар, маълум даражада, анъанавий ҳам. Негаки, ўтмиш адабиётимиздаги кўплаб боқий китобларнинг яратилишига ўз даврининг ҳомий ва раҳнамо ҳукмдорлари сабаб бўлганлар. Уша обидаларнинг муқаддима ва дебочаларида мададкорларнинг хизматларини кўтаринки услубда таъкидлаш адабий удумга айланган. Мисол учун Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний», Муниснинг «Мунис ул-ушшоқ» девонлари дебочасига назар солсангиз, айнан шу ҳолни кўрасиз.

Ферузнинг девон яратиш тўғрисидаги фармони Огаҳийнинг ўз «паришон ва пароканда» сўз гавҳарларини яхлит ва мукамал назмий ганжинага айлантиришига боис бўлди. Бу ижодий таклифни қандай амалга ошириш ҳар кимнинг қуввайи истеъдоди ва масъулиятига боғлиқ эди. Эҳтимол, мавжуд шеърларни девон тартибида тизиб қўяқолиш ҳам мумкин эди. Лекин Огаҳий бу ишни қандай уддалади, шоирнинг ўзидан эшитамиз: «Алқисса, бу амри шарифни «алмаъмуру маъзурун» ҳадиси муқтазоси била қабул этдим ва дуо қилиб ул жаноб ҳузури комилус—сурурларидин туруб ғоятсиз хушҳоллиқ била ўз кулбам гўшасиға етдим. Мусаввада тараддуди ва тоза шеър тафаккури бада-сидин ичиб, гоҳо ўзимға келдим, гоҳо ўзимдин кетдим. Ва ҳар ҳол била неча муддатлар кўб меҳнат ва машаққатлар чекиб, аксари ашъоримни жамъ этиб, девон суратида бир неча авроқ сутурига битдим. Чун бор-

<sup>25</sup> Уша китоб, 37-бет.

часи дарди ишқ ўти ҳарорати билан оғишта ва шавқу муҳаббат асарининг сирояти била сиришта ва ошиқлар ғамининг таскинига сабаб ва дардмандлар адамининг таҳ-фифига мужиб эрди. Ложарам агар ишқ ва дард аҳли-нинг қўлиға тушса, таъвиз янглиғ ихлослари бўюнла-риға осиб, иззат била асрар эрдилар ва мутолаа қи-либ, шавқангез мазмунлари дорусидин ишқ марази беморлиқиға навъи шифо топор эрдилар. Ушбу муно-сабат била бу саодатнишон девонни «Таъвиз ул-оши-қин» исми била мавсум қилдим ва ҳар навъ бўлса шаҳзодаи замоннинг муборак амрининг қабулинким ҳақиқатда икки оламнинг олий даражалариға етиш-макка сабабдур, ҳимматим зиммасиға лозим ва мута-ҳаттим билдим»<sup>26</sup>.

Огаҳийнинг таржима ва тарих соҳасидаги хизмат-ларига ҳам Ферузнинг фармону таклифлари асос бўл-ган. Масалан, Огаҳий Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асари таржимасиға ёзган дебочасида буни шундай эътироф этади: «Шаҳзода Муҳаммад Раҳим тўра... фақирға ҳазрат Шайх Саъдий...нинг «Гулистон» отлиғ китобин турк тили била таржима қилмоқ хизматин буюрди... Агарчи фақир ушбу ошонда бир шиддудлиғ кесал меҳнатидин ниҳоятсиз нотавон ва ғоятсиз хаста-жон эрдим, аммо ул жанобнинг мундоқ марҳамати-дин... сиҳҳат, балки қувват шарбати лаззатин тотиб, бақадри ҳол бу хужастафол хизматни буткармакка ма-жолим борича жудду жаҳд ишин зуҳурға еткурдим»<sup>27</sup>.

Демак, аёнки, Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг маъ-рифатпарвар ва одил ҳукмдор, Ферузбахту комрон шoir бўлиб етишувига Огаҳийнинг беқиёс хизмати сингганидек, Феруз ҳам Огаҳийға ҳамкору мадакдор бўлган. Уларнинг ўзаро ижодий муносабатларини чу-қурроқ таҳлил этишга асос бор ва бу иш давом этади, албатта. Ҳозирча, Феруз муҳити мисолида кўриб ўт-ганимиз сарой адабиёти тўғрисидаги дастлабки хуло-саларға ўтайлик.

Маълум бўладики, сарой адабиёти турғунлик дав-рида илмий холис нуқтаи назар билан ўрганил-маган, балки вақтли мафкура буюртмасиға биноан қо-раланган ва рад этилган экан. «Феодал сарой адабиёти» атамасининг ўзи ҳам ниҳоятда бирёқлама, шарт-ли, ҳаттоки, тағзамини йўқроқ тушунча. Чунки миллий халқ адабиётидан узил-кесил ажралиб чиқиб,

<sup>26</sup> Уша китоб, 37—38-бетлар.

<sup>27</sup> Огаҳий. Асарлар. IV жилд. Тошкент, 1977.

алоҳида жабҳада, фақат сарой ичида, сарой аҳли учунгина фаолият кўрсатган адабий муҳитнинг ўзи бўлмаган ва аксинча. Саройдаги ижодий муҳит, жараён, жамоага буткул боғланмаган халқ адабиёти муҳити ёхуд халқ адабий кенгаши, уюшмаси ҳам бўлган эмас. Тарихий ҳақиқатдан тонмасак, шўро давригача Туркистон ҳудудида феодал жамоатчилик ҳукмрон бўлганини тан олсак, феодал ҳокимиятнинг олиёйиб бошқарув идоралари саройда бўлганига ҳам тан берсак, сарой пойтахтда ўрин тутган, пойтахт эса халқ ва миллатнинг маданий-адабий марказига айланиши қонуний ҳолдир. Бу қонуният, ҳар қандай ижтимоий тузумдан қатъи назар, доимий барҳаёт. Биз ўзбеклар ҳозир мустақил мамлакатда яшаймиз, пойтахтимиз Тошкент, шунинг учун барча ижодий кучлар шу шаҳри азимга интилган ва жипслашган. Адабий жараён, таъбир жоиз бўлса, бамисоли қайноқ бир дошқозон. Масалликнинг асосий қисми унинг қайноқ ўртасида жавлон уради ва пишади. Умумий ҳарорат чекка чеккадагиларни ҳам марказга ўтли нуқтага ҳайдаб туради. Шунингдек, Тошкентдан йироқ сарҳадларда анча-мунча истеъдодли ижодкорлар қалам тебратади, халқ оғзаки ижоди фаолиятда. Мазкур доиралардаги адабий ҳаракатчилик билан Тошкент адабий муҳитини қарама-қарши қўйиб ўрганмаймиз-ку? Зеро, бу — жоҳиллик бўларди. Чунки вилоятлардаги қалам аҳли ҳам марказдаги жўшқин жараёндан озиқланади, марказдаги муҳитни бутун мамлакат билан боғлаб, халқчиллаштириб, бойитиб туради. Табиийки, умумий жараёнга қўшилмайдиган, савия, сиёсат, мафқураси жиҳатидан ажралиб турувчилар ҳам топилади. Утмишда ҳам шундай бўлган. Бунга ҳаётини қарамоқ жоиз. Шундан келиб чиқиб, сарой адабиёти намояндаларини ялписига ижобий баҳолаш ҳам қийин.

Сарой адабий муҳитидаги қаламкашлар ягона халқ фарзандлари эдилар. Уларни халқдан биз ажратиб қўйганмиз. Феруз саройидаги ижодкорларнинг кўпчилиги ҳам халқ орасидан чиқиб саройда тўпланганлар ёхуд жалб этилганлар. Сарой адабий муҳитининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи хон ва амалдорлардан иборат бўлмаган. Адабий жараённи том маънодаги ижод аҳли ҳаракатлантириб турган. Ҳусайн Бойқаро, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхони соний каби ҳукмдорлар ана шу ижод аҳлига мансуб бўлганликлари учун ҳам уларнинг даврларида адабиёт гуллаб яшнаган. Утмишдаги адибларни прогрессив ва непро-



Маълумки, Феруз маҳоратли ғазалнавис шоир эди. У ғазалнинг мавзу ва шакл жиҳатидан ҳар қандай турида эркин, равон қалам сурарди. Ушбу жанрнинг катта маҳоратни талаб этувчи нодир навларидан бири воқеабанд ғазалдир. Мана шу мураккаб навда ҳам Феруз бир неча ажойиб намуналар яратган. Шоирнинг:

Базмимға келди ул пари рухсорин айлаб, гул букун,  
Чексам нетонг ўтлуғ наво ул навъким булбул букун.

матлаъи билан бошланувчи воқеабанд ғазали шулар жумласидандир. Бу интизорлик торта-торта ёрининг васлига муяссар бўлган ошиқнинг шодлик ҳис-туйғулари билан йўғирилган, висол воқеасини руҳбоб наволарда тасвирловчи ғазалдир. Муайян воқеани турли йўсинда тасвирлаш мумкин. Уни тафсилотларига берилмай, ниҳоятда ихчам шаклда акс эттирса бўлади. Ва аксинча, воқеани бутун тафсилотлари билан деталлаштириб тасвирлаш имконияти ҳам мавжуд. Бундан ташқари, ғазал ва мухаммас рубобий (лирик) асарлар туркумига мансуб. Рубобий асарларда воқеликка муносабат инсон руҳияти, қалб кечинмалари асосида акс этади. Демак, воқеабанд ғазалнинг қуруқ далилий ашёлардан таркиб топиши имкондан ташқари. Кечинмаларнинг қай тарзда — ўта сиқик, муфассал ёки ўта муфассал берилиши воқеабанд рубобий асарнинг мундарижасини белгилайди. Воқеа ва кечинмалар ихчам ифодаланса, ихчам воқеабанд асар вужудга келади. Воқеа ва кечинмалар муфассал тасвирланса, воқеабанд асар мундарижаси шунга яраша кенг бўлади. Яна шуниси ҳам қонунийки, воқеабанд ғазалга боғланган мухаммас, шубҳасиз, воқеабандлик касб этади.

Ферузнинг бошланмаси келтирилган ғазалига Огаҳий боғлаган мухаммас ана шундай ижодий тажриба самарасидир. Мухаммаснинг бир бандини мутолаа этайлик:

Хурсанду хушҳол этгали ман бенавони рўзу шаб,  
Тутти висол жомини ишрат майидин лаб-балаб,  
Эй дўстлар, андозасиз қизмиш манго базму тараб,  
Қўнглумга таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб  
Ким, гулзорим илгидин мино қилур қул-қул букун.

Энди Феруз ғазалидан олинган кейинги икки мисра билан унга Огаҳий боғлаган уч сатр салмоғини солиштириб кўринг. Феруз висол лаззатидан масрурлигини жуда қисқа шаклда ифодалайди. Шоир тасвирича, ли-

рик қаҳрамоннинг кўнглига ҳижронзада булбулнинг фиғону фарёди таъсир этмайди. Чунки бугун унинг гул юзли дилбари лиммо-лим висол жомидан баҳраманд этаётир. Ҳазал жанри имконияти шундай ихчам ифодани тақозо этади. Муҳаммас жанри имконияти эса лирик қаҳрамон кўнглига булбул фиғони таъсир этмаслигининг боисини кенгроқ шарҳлашга монелик қилмайди. Аксинча, Ҳазалдаги фикр-ғояни чуқурлаштириш муҳаммаснинг вазифасига киради. Мазкур муҳаммас бандидаги дастлабки уч сатр худди шундай вазифани бажарган. Унда маъшуқанинг хатти-ҳаракатлари, мақсади, ошиқнинг кайфияти, руҳий-маънавий ҳолати тасвири кенгайган.

Кейинги бандда икки яқин дўст ёки ошиқ билан маъшуқа иштирокидаги базм, улфатчилик манзараси мумтоз тасвирланган:

Базм ичра айш асбобини ўз кўнгли комича қуруб,  
Нуқлу шакардин ҳам газак омода айлаб келтуруб,  
Сўнгра адову ноз ила илгин суроҳийга уруб,  
Сармасти саҳбо бўлголи чиний қадаҳни тўлдуруб,  
Аввал ўзи нўш айлабон, тутти манга ҳам мул букун.

Ҳазал байтларига Оғаҳий боғлаган сатрларни, шартли равишда, тўлдирувчи, мукаммаллаштирувчи сатрлар дейиш мумкин. Чунки улар Феруз байтини мазмунан тўлдиради, манзара тасвирини мукаммал ҳолга келтиради. Феруз байтида чиний қадаҳни тўлдириб ичиб, майдан сармаст бўлиш учун зарур ва керакли шароит тасвиринга эҳтиёж бор эди. Аввало, базм учун зарур нарсалар муҳайё этилиши, «нуқлу шакардан» газак тайёрланиши лозим эди. «Адову нози ила» ҳаракатланиш ҳам маъшуқанинг одоб-ахлоқини кўрсатувчи муҳим тафсилдир. Мана шундай далиллар талқини базм манзараси тасвири яхлитлашишига хизмат қилган.

Феруз Ҳазалининг юқоридаги байти билан кейинги байти орасида узвий алоқадорлик, изчил мантиқий пайвасталик етарли даражада эмас. Яхлит Ҳазал ҳолатида бу нарса сезилмайди, албатта. Лекин иккала байт ҳолис таққосланганида, танқидий назар билан қаралганида, бу ҳолни аниқ кузатиш мумкин:

Ул оташин юзни кўруб гулшанда шайдо андалиб,  
Ишқи ўтига ўртаниб бўлмиш вужуди кул букун.

Алоҳида олганда, нақадар гўзал байт. Шоир маъшуқа жамолининг камолини андалиб тимсоли воситасида беқиёс бўрттириб тасвирлашга муваффақ бўлган.

Тасаввур қилинг-а, гўзал дилбарнинг чўғдек, оташдек тафтли юзи, гулшанда мафтун этувчи гулдан-да қипқизил жамоли булбулни ўртайди. Шоир «оташин» сифатини маъшуқа малоҳатининг икки хусусиятини— иссиқ тафти ва гулранг тусини ифодалашга сафарбар этган. Оташин юз муқаррар равишда ишқни оловлантиради. Ишқ алангаси эса, шоир талқинича, ошиқ булбулни ўртаб, вужудини кулга айлантириб юборади. Ажойиб муболаға. Муболаға гўзаллигининг боиси фақат маъшуқа жамоли тасвирининг бўрттирилганидагина эмас. Муболаға гўзаллигига яна бир сабаб унинг табиилиги. Табиий асоси бўлсагина муболаға, ташбех, истиора каби тасвирий воситалар гўзал ва ҳаётий бўлади. Булбулни «вужуди кул бўлди» дея муболаға қилинишига табиий асос шуки, булбулнинг туси кул рангида бўлади. Демак, шоирнинг маҳорати шундаки, бадий тасвир йўлида қушнинг рангидан ҳам маҳорат билан фойдалана олган.

Хўш, байт-ку шу қадар етук экан, унинг олдинги байт билан узвий алоқадорлиги, изчил, мантиқий пайвасталиги етарли эмаслиги нимада кўринади? Аввалги байтда маҳбуба майдан симириб сармаст бўлганлиги айтилган бўлса, ушбу байтда бирданига унинг оташин юзи ҳақида гап кетади. Йўқ, мантиқ ипи узилгани ҳам йўқ. Мантиқан, май инсон вужудини қиздириб, юзини оташдек оловлантириши англашилари ҳол. Бироқ маъшуқанинг майни сипқорганидан юзи оташланиб андалибни ўртар даражага етгунича бўлган ички руҳий жараёни ҳам бадий тасвирга арзигуликдир. Огаҳий қўшган уч мисра ана шу эҳтиёжни қондиришга хизмат этган:

Май нашъасидин олибон кўнгли муродича насиб,  
Топиб жамоли ўзгача май тобидин орову зеб,  
Боғ ичра киргач тоблиғ рухсорин айлаб дилфиреб...

Дарвоқе, май нашъасидан кўнгил хоҳишича насиб олганидан кейингина маъшуқанинг жамоли оташин тафту тароват ҳосил қилади. Май нашъасидан зебу оройиш топган юзгина дилни ўртагувчи ҳолатга келади ва боғдаги қизил гулни доғда қолдиради, унинг ҳажрида наво чекаётган булбулни ўртаб кулга айлантиради. Мана, энди руҳий жараён занжири таранг тортилди, ғазал байтлари орасидаги мантиқий изчиллик, тадрижийлик тикланди, воқеабандлик тугал ҳолатга келди.

Феруз ғазалининг мақтаъ байти ҳам латофаттайин

битилган, яъни у шоҳ шоир лутфи билан зийнатланган.

Гарчи эрурмен толеъи Феруз ила оламга шоҳ,  
Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.

Ушбу байт бадний ижодда шундай бир қонуният мавжудлигидан далолат берадики, тождор шоирлар аро мартаба жиҳатидан яқинлик тафаккур ва туйғулар яқинлигига олиб келар экан. Ферузнинг мазкур байтини ўқир эканмиз, беихтиёр Бобурнинг машҳур рубойиси эсга келади:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурумен,  
Сен шуъласену ул шуълага мен қулдурумен,  
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,  
Шоҳмен элга, вале санга қулдурумен.

Феруз ғазали ва Бобур рубойидаги фикрий-руҳий ҳамоҳанглик юқоридаги хулосага келишимизга асос бўлди. Феруз Бобурнинг рубойисини ўқиган ва таъсирланган бўлиши эҳтимол. Аммо, назаримизда, Феруз Бобур рубойисини кўрмай, билмайтуриб ҳам унинг рубойидагига монанд бадний фахрия ижод этиши мумкин эди. Чунки ҳар иккала шоир ҳам салтанат соҳиблари. Улар элга, «олам»га шоҳ. Бундай мавқедаги ижодкорларда ифтихор туйғуси муштарак бўлиши табиий. Бу ҳукмдорлар айни вақтда дарвештабиат шоирлар. Улар ишқу муҳаббат мубталоси. Ишқ ичра шоҳу дарвеш баробар. Демак, уларнинг элга шоҳ, валекин маъшуқага қулликлари ҳам умумий бир ҳол. Мазкур шеърлардаги маъшуқа заминда мутасаввуф ошиқлар манзури Оллоҳ ҳам, унинг инсоний сиймоси ҳам муҷассам, албатта.

Энди мухаммас таҳлилига ўтайлик. Ушбу шоҳвор фахрия байтга Огаҳий ҳазрат қандай илова қилдилар экан?

Гар давлату ҳашмат аро борман сулаймондастгоҳ,  
Бошим уза хуршиддек тобон эрур заррин кулоҳ,  
Аммо эшитгин, Огаҳий, сансан манго бир некхоҳ...

Албатта, шоҳона ифтихорга шоҳнинг мақомида туриб, унинг тили билан қўшимча қилинади. Огаҳий сатрлари Феруз давлатмандликда афсонавий Сулаймоншоҳдек мартабага эга эканлигини, бошида офтобдек зар сочувчи тож порлашини таъкидлайди. Бу сўзлар Ферузни улуғлайди. Айни вақтда улар шоҳ шоирнинг ишқ йўлида нақадар хокисорлигини кўрсатишга ҳам қаратилган. Учинчи мисрада Огаҳий Феруз тили-

дан ўзига мурожаат этади ва дўстона маслаҳат оҳангини юзага чиқаради.

Феруз ғазалларидан яна биридаги фахрия байт ва унга Огаҳий боғлаган мухаммас мароқлидир:

Сулаймондек эрурман бахту давлат тахтида сокин,  
Мутен ҳукмим ўлмиш ваҳш, тайру, кофиру мўъмин,  
Ҳавойи мидҳатимда, Огаҳий, пуртез бир лочин,  
Агарчи бахти Феруз ила олам шоҳиман лекин  
Сенинг, эй ҳусн амири, бандайн безътиборингман.

Маъшуқанинг лутфига, эътиборига сазовор бўл-маслик, ожизлик, хокисорлик адабиётдаги ошиқ сиймосининг азалий хусусиятларидан. Ишқ йўлида ошиқнинг безътиборлиги бошқача, бироқ «олам шоҳи»нинг хокисорлик даражаси батамом ўзгача бир ҳолат. Ана шундай ўзига хосликни ишқ аро шоҳу гадо тенглигини таъкидлаш шоҳ мақомининг нақадар улуғворлигини кўрсатишни, балки бўрттиришни тақозо этарди. Бу хокисорлик билан улуғворлик орасидаги қутблар қарама-қаршилигини кучайтиради ва хокисорликни улуғлайди. Шунинг учун ҳам Огаҳий Феруз фахриясининг биринчи қисмини, мақтаъ байтнинг биринчи мисрасини батафсил изоҳлайди. Феруз фахриясининг иккинчи мисраси эса Огаҳий боғлаган ҳар бир мисрага жуфт бўлиб байт ҳосил қилиши, тугал мазмун касб этиши мумкин. Масалан: Бахту давлат тахтида Сулаймон-шоҳдек барқарорман, лекин, эй ҳусн шоҳи, сенинг мурувватингдан бенасибман. Кофиру мўъмин, қушлару ҳайвонот олами — бари менинг ҳукмимга тобе, лекин, эй ҳусн амири, ёлғиз сенгина менга бўйинсунмайсан, балки мен сенинг амринг итоатидаман ва ҳоказо. Мисраларни бир-бирига бу қадар мувофиқ, шаклан ва мазмунан мутаносиб тузиш мухаммас жанри мўъжизаси ҳамда Огаҳий санъаткорлиги белгисидир. Айни пайтда, бундай далиллар Феруз ва Огаҳий қанчалик яқин маслақдош, устоду шогирд, сирдош дўст, ҳамкору ҳамнафас ижодкорлар бўлганлигидан далолат беради. Шундай қилиб, Огаҳий Ферузнинг воқеабанд ғазалини такомиллаштириб, ундаги воқеабандликни ўз мухаммаси заминида ҳадди аълосига кўтарди.

Маълумки, ғазалнинг энг анъанавий ва маҳсулдор тури васф услубида битилганларидир. Феруз ғазалиётининг аксариятини ҳам шундай ғазаллар ташкил этади. Маъшуқани васф этиш йўлида яратилган ғазалларга мухаммас боғлаш ҳам ўзига хос ижодий тажриба. Огаҳий бу борада ҳам Феруз ғазалларига ўз бадний ма-



ҳорати сеҳридан сайқал берган. Ферузнинг шундай ғазалларидаги баъзи байтларнинг такомиллашиш жараёнини кўздан кечирайлик:

Келса манго ғам жомининг зулмоти ўтру, не ажаб,  
Оқса ҳамул зулмат аро кўздин қаро сув, не ажаб,  
Навмидлиг ғолиб бўлуб ҳам босса қайғу, не ажаб,  
Бўлса кўзимга ёғду кун тундек қоронғу, не ажаб,  
Ким, зулфи шабранг остида қилмишсан ихфо оразинг.

Феруз байтида маъшуқанинг зулфи — сочи ва орази — юзи васф этилган. Байтнинг мазмуни қуйидагича: «Менинг кўзимга ёруғ кун қоп-қоронғу тундек кўринса, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Негаки, тундек қоп-қора сочларинг остига оппоқ юзингни яширмишсан» Аввало, бу байтнинг ўзи маҳорат билан битилган. Чунки шоирлар, одатда, бир байтда маъшуқа гўзаллигининг фақат битта белгисини васф этишни кўзда тутишади. Феруз эса бирйўла икки хислатни (ёғду кундек ораз ва тундек қоронғу зулф) муболағали тарзда, тарди акс усули воситасида васф эта олган.

Маъшуқа юзини кўришга муштоқликни, висол соғинчи, ҳижрон изтироби тасвирини кучайтириш мақсадида Огаҳий соч тимсолига урғу берган. Мухаммас бандининг биринчи мисрасида ошиққа дучор келган «ғам қадаҳининг зулмати» зулфнинг қаролигидан киноя. Иккинчи мисрадаги ўша зулмат таъсирида кўздан оққан қаро сув ҳам қаро зулф тавсифини тўлдиришга қаратилган. Учинчи мисрадаги ошиққа ноумидлик ғолиб келиб, уни қайғу босиши тафсилли ҳам қаро зулфнинг қаро қийноғини қабартириб кўрсатади. Қаро зулф сифатлари қанча муфассал шарҳланса, оқ юз висолига муяссарлик имконияти шунчалик мушкуллашади. Бадий тасвирдан мурод ҳам шу ўзи — ошиқ изтиробларини таъсирчан тасвирлаш. Яна шуниси диққатга сазоворки, ғазал байтига Огаҳий қўшган сатрлар лирик қаҳрамоннинг маъшуқа жамолидан бенасиблик оқибатида оғирлашиб бораётган аҳволи руҳиясини тадрижий равишда ёритган. Демак, Огаҳий маҳорати шарофати билан мухаммасда психологизм — руҳият таҳлили авж нуқтага кўтарилган.

Инсон жамолини, гўзаллигини тасвирлаш, умуман, бадий адабиётнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу кўҳна адабиётимиздан, айниқса, ғазал жанрига тааллуқли хосиятдир. Бадий асар инсон манзарасини қанчалик мукамал тасвирлай олса, у шунчалик гўзалдир. Мумтоз ғазалнависларимиз, аксарият ҳолларда, инсонда

илоҳий гўзалликни кўришган ва куйлашган. Инсон малоҳатини илоҳий қудрат ижоди, илоҳий ижодкорлик самараси, Оллоҳ жамолининг акси, мазҳари тарзида талқин этиб келишган. Бундай ҳол Феруз ва Огаҳий рубобийёти учун ҳам хос эди. Буни Феруз ғазалининг бир байти ва унга Огаҳий илова этган мисралар мисолида кўришимиз мумкин.

Шахло кўзу мушкин қошу холи муанбарлар била  
Зийнатлиғ этмишдур баса тангри — таоло оразинг.

Байтда инсоннинг тангри — таоло зебу оройиш берган ҳусни ажойиб тасвир этилган. Унда манзурнинг кўз, қош ва холи ўзининг сифатлашлари билан музайян. Мана шу тасвирданоқ ғазалхон мафтункор бир маъшуқа сувратини аниқ тасаввур этиши мумкин. Лекин инсон ҳусни фақат кўзу, қошу, холдангина иборат эмас. Бошқача айтганда, манзурнинг чеҳраси тасвирига яна қўшимча чизгилар билан зебу оройиш бериш имконияти бор. Оллоҳнинг қудрати чексиз бўлгани сингари, инсоний гўзаллик ва унинг тасвир имкониятлари ҳам чексиздир. Гўзалликни қай даражада тасвирлаш, яна Оллоҳнинг мадади билан, соҳир қалам қудратига боғлиқ. Масалан, Огаҳий қуйидаги мисралар билан Феруз чизган сувратни яна-да такомиллаштиради:

Чоҳи занухдону баногўши мунавварлар била,  
Нозик даҳону жонфизо нутқи мукаррарлар била,  
Дилкаш хату ширин лабу зулфи муаттарлар била.

Ана энди ушбу мисралар Феруз байтига пайванд равишда манзурнинг тўлақонли адабий портретини китобхон тасаввурида яққол гавдалантира олади. Бундай адабий тажрибалар фақат Огаҳий каби йирик санъаткорлар маҳоратини эмас, балки мухаммас жанри бадий имкониятларининг ғазалга нисбатан кенгроқ эканлигини ҳам кўрсатади.

Ферузнинг Огаҳий мухаммасига асос бўлган энг етук асарларидан бири «оҳиста-оҳиста» радифли ғазалидир. Ушбу ғазал ҳам мазмунан, ҳам шаклан, яъни бадий мазмун — мундарижаси, бадий тимсоллар тизими, ҳажм эътибори билан гўзалдир. Ғазал, бадий қурилишига кўра, воқеабанд ғазаллар туркумига мансуб. Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётидаги воқеабанд ғазаллар бўстонида ҳазрати Алишер Навоийнинг «Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб, Хироми суръатидин гул юза хайдин гүлоб айлаб»

байти билан бошланувчи ғазали гултож асарлардан. Навоийдан кейин бу ғазалга татаббую назира ёзиш, мухаммас боғлаш анъанаси кенг ёйилган ва узоқ, сермахсул давом этган. Бу соҳадаги тажрибаларни, жуда кўп ижодкорлар авлоди қатори, Ферузнинг устозлари — Мунис ва Огаҳий ижодиётида ҳам кузатиш мумкин. Феруз мазкур ғазалини яратишда мана шу самарбахш тажрибалардан илҳомланган бўлиши керак. Ферузнинг нозик табъи назми уни ўта анъанавийликдан сақланиб, имкон қадар ўзига хосликка интилишга чорларди. Бунини ғазалнинг радифиданоқ сезиш мумкин. Феруз анъанавий «шитоб айлаб» радифига терс маънодаги такрорланувчи «оҳиста-оҳиста» сўзларини радиф сифатида танлайди. Анъанавий маъшуқа ошиғи ёнига «шитоб айлаб» келса, Ферузнинг маҳбубаси ўз ёрини висолдан «оҳиста-оҳиста» баҳраманд этади. Демак, ғазал ўзига хос нафосати билан улуг устоз Огаҳий лутфига сазовор бўлган, натижада мумтоз мухаммас юзага келган.

Кўпчилик руҳбоб асарларда, асосан, икки лирик қаҳрамон иштирок этади. Улар адабиётшуносликда ошиқ ва маъшуқ, ҳабиб ва маҳбуб, шоир ва манзур номлари билан юритилади. Воқеабанд ғазал ва мухаммасдаги лирик воқелик ана шу икки лирик қаҳрамон орасидаги руҳий кечинмалар, висол воқеаси, суҳбатмунозара асосида тасвирланади. Аксарият воқеабанд ғазалларнинг мундарижаси шундай тузиладикки, унда ошиқнинг ҳижрон изтиробидagi кечинмалари, висол ваъда этган маъшуқанинг кириб келиши, ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги висол анжумани, суҳбат-айтишув тасвири бирин-кетин ўрин олади. Албатта, ғазал табиати тақозосига кўра, мундарижанинг келтирилган фасллари ниҳоятда сиқик ва ихчам акс этади. Ҳатто, айтиш мумкинки, инсон ҳаётидаги азиз онларнинг бу қадар қисқа тасвиридан баъзан қаноат ҳосил қилиш қийин. Англашиларилики, бундай ғазаллар мазмун-мундарижасини такомиллаштиришга эҳтиёж бор. Йирик талант соҳиблари учун бу зарурат даражасидадир. Огаҳийнинг:

Чекиб ҳижрон аро оҳу фиғон оҳиста-оҳиста,  
Етар эрдим ўларга ҳар замон оҳиста-оҳиста,

бошланмали мухаммаси ана шундай зарурат фарзандидир.

Огаҳий, аввало, музтариб ошиқ кечинмаларини кенгроқ шарҳлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Фикримизнинг исботи учун мухаммаснинг қуйидаги биргина бандини келтирамиз:

Неча муддат эдиким, ҳажр дардига бўлуб дучор,  
Таним эрди заифу, кўнглум афгору, кўзим нокор,  
Топо олмай даво олам аро, юз саъй этиб изҳор,  
Эдим ҳижрони дарди шиддатидин ўлгудек бемор,  
Етурди васлидин снҳхат равон оҳиста-оҳиста.

Феруз ғазали байтида лирик қаҳрамон аҳволи тасвири бир мисрадагина ифода этилган. Огаҳий ўз қўшимча мисралари орқали ошиқ, «ҳижрон дарди шиддатидин ўлгудек бемор» бўлишининг «қасаллик тарихи»ни «неча муддат» аввалроқдан бошлайди. Даставвал, ошиқ аҳволи руҳиясига сабаб — ҳажр дардига дучор бўлмоқ ёритилади. Кейин бунинг оқибатида тани заиф, кўнгли афгор, кўзи нокор ҳолатга тушиши тасвирланади. Навбатдаги босқичдан лирик қаҳрамоннинг ҳижрон дардига даво излаб олам аро сарсон-саргардон кезиш ҳасби ҳоли ўрин олади. Эндиликда ошиқнинг руҳий аҳволи тугал аёнлашадики, унинг «ўлгудек бемор» ҳолатга келиши дабдурустдан эмас, балки даражама-даража юз берган экан. Шундай қилиб, мухаммасда инсон руҳияти таҳлили камоли маҳорат билан амалга оширилди. Зотан, лирик — руҳбоб асарнинг табиий таровати ҳам шунда.

Воқеабанд ғазалнинг энг қизиқарли жойи маъшуканинг висол анжуманига кириб келиши ва ошиқ билан мулоқот жараёни тасвиридир. Ушбу жараён ҳам кўп ҳолларда ғазалда анчайин шошқин, юзакироқ, ихчам чизгилар воситасида ифодаланади. Чунки ғазал шакли бундан ортиқ муфассал воқеабандликни кўтармайди. Мухаммас жанри эса лирик воқелик изчиллигини, ҳис-туйғулар ва ҳаракат силсиласини, эҳтирослар пўртанасини бор бўйича сувратлантиришга қодир. Айтайлик, маъшуқа ошиқ ҳузурига келди ва:

Деди: «Кей ошиқи зорим, малолди дарди ҳижрондин  
Бўлубсан асру зору нотавон оҳиста-оҳиста».

Ҳўш, у бу гапларни қандай, қай тарзда, қандай равишда, қандай ҳолатда айтди? Руҳбоб асар камолоти учун, инсоннинг маънавий-руҳий эҳтиёжи учун шундай чизгилар ҳам зарурми, йўқми? Бу саволга жавоб ўрнида юқоридаги байт олдидан Огаҳий қўшган сатрларни келтириш кифоя:

Вафову меҳр афзун зоҳир айлаб ҳадди имкондин,  
Сочиб дурру гуҳар ҳар сўзлаганда лаъли хандондин,  
Аёмай жонфизо ширин сўзин ман зору ҳайрондин...

Висол баҳрамандлигидан ҳаяжонланиш, шодланиш туйғулари билан йўғирилган бу хатти-ҳаракатлар тасвири, шубҳасиз, лирик қаҳрамон қиёфасини янада аниқроқ жонлантиради ва инсон руҳиятини кўпроқ озиқлантиради.

Маъшуқа нутқининг давоми акс этган кейинги байтда у ошиқни муродига етказиш мақсадида секин ва пинҳона кириб келганлиги хабар қилинади, холос. Манзурнинг бундай илтифотгузорлигини Огаҳий ҳазратлари қандай талқин этаркинлар. Анъанага кўра, ғазал ва мухаммасларда лирик қаҳрамонлардан бири, асосан, маъшуқа фазилатлари мақталади. Асар ошиқ, яъни шоирнинг ўзи томонидан ёзилганлиги туфайли, камтаринлик юзасидан, унинг таҳсинга сазовор фазилатлари, деярли тавсиф этилмайди. Огаҳийнинг санъаткорлиги шундаки, у мухаммас жанри шарт-шароитлари доирасидан шунга имкон топади. У шундай усулни қўллайдики, асарда ошиқнинг фазлу фазолати ҳам аъло даражада мадҳ этилади, айни пайтда, ғазал муаллифи Ферузнинг камтаринлигига ҳам футур етмайди. Огаҳий ошиқнинг фазилатлари изҳори учун маъшуқа суханварлигини сафарбар этади:

Фироқимда неча кун имтиҳон ҳолингни қилмишман,  
Ниёзу ажзингу ихлосу сидқинг кўзга илмишман,  
Бори ушшоқ аро лойиқ сани лутфимга билмишман,  
Бу дам васлим била коминг раво айларга келмишман,  
Мақомингга бори элдин ниҳон, оҳиста-оҳиста.

Огаҳийнинг ғазалга қўшган янгилиги Феруз мисраларига занжирдай чамбарчас боғланади. Ушбу хулосамизнинг исботи шундай бўладики, масалан, Феруз мисраларига савол берсак, жавобини Огаҳий сатрларидан топамиз. Ҳарқалай, маъшуқа ошиқни муродига етказиш учун нега ўз ихтиёри, ўз хоҳиши билан келди? Бу иқрор, эътироф, тантилик, мурувватнинг боиси нима? Сабаб шундаки, маъшуқа ўз ҳижрони қийноғида ошиқни бир муддат синаб кўради. У синовдан яхши ўтади. Маъшуқа ошиқнинг ажзу ниёзи, садоқату ихлосига тан беради. Уни бор ошиқлар орасидан ўз илтифотига лойиқ деб топади. Шунинг учун ошиқ манзилига оҳиста отланади.

Яна бир бандда ошиқ фазилатларининг маъшуқ томонидан дилбар васф этилиши мароқли:

Замиринг ишқинг ичра соф экандур ўйлаким шиша,  
Онга келтурмадинг ёди руҳимдин ўзга андеша,  
Ғамим тоғига субҳу шом уруб Фарҳоддек теша,



Неча кун дарди ҳижроним аро сабр айладинг пеша,  
Бўл эмди васлим ичра шодмон оҳиста-оҳиста,

Ушбу мисраларда ошиқнинг синов давридаги хулқ-атвори шарҳланади. Ошиқнинг қалби шишадек тиниқ, мусаффо эканлиги, уни маъшуқа жамоли орзусидан бошқа хаёл хиралаштирмаганлиги, ғам тоғини қўпришда Фарҳоддек матонатлилиги, сабр-тоқат соҳиблиги, висолга йўл очганлиги чиройли бадий эътироф этилади. Бу сатрлар бадий моҳият билан бирга катта ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Ишқ-муҳаббатдаги интим лаҳзалар манзарасини, висол онларининг лаззат ва эҳтиросларини ошкора масрурлик билан, авж пардада, қиёмига етказиб тасвирлашни мумтоз адилбаримиз орасидан Огаҳий лирикасида кузатиш мумкин. Таҳлил этилаётган мухаммасда устоду шогирд — Огаҳий ва Ферузнинг бу борада ҳам бир-бирдан қолишмаслигига гувоҳ бўламиз:

Бериб жон нақдини, истар халойиқ борҳо лаълим,  
Бирининг қилмомишдур бир нафас комин раво лаълим,  
Вале маҳзи карамдин вақф қилмишман санго лаълим,  
Агар истарсан ўпмоқликни, инак — жонфизо лаълим,  
Ваё кучсанг белим, инак миён оҳиста-оҳиста.

Маъшуқанинг фавқулодда шаддод бу қиёфаси ҳамиша ҳайратомуздир. Шуниси қизиқки, бу типдаги воқеабанд ғазалларда лирик маъшуқа ошиққа нисбатан фаол руҳда тасвирланади. Маъшуқанинг мардонвор ҳаракатлари, ташаббускорлиги, ўктамлиги ошиқдаги ожизу нотавонлик, журъатсизликни маҳв этади:

Бу сўзларни дебон чекти мани бўйнуиға солиб даст,  
Ман онинг ўтрисиға ҳам қилиб қадимни бўлдим паст,  
Ул этти оғзима ширин лабини шахддек пайваст,  
Ман ўлдим ёр лаъли бодаси бирла бўлиб сармаст,  
Фироқи ранжидин топдим амон оҳиста-оҳиста.

Ушбу уйғун сатрларни мутолаа этарканмиз, гўё улкан адабий мактаб яратган устоз Огаҳий шогирди Ферузга ишқий кечинмаларнинг бадий тасвиридан ҳам сабоқ бераётгандек, ўз полонини қанотлари остида асраб-авайлаб майшқ қилдириб, ижод осмонининг баланд сарҳадларига елкадош парвоз қилаётгандек тасаввур уйғонади. Дарвоқе, маслакнинг бирлиги, адабий муҳитдаги маснаднинг яқинлиги, дарддошлик, таъби назмининг ҳамоҳанглиги, якқаламлик ҳаммуаллифларнинг ҳар бир асаридан уфуриб туради. Бу ўринда якқаламлик шундай моҳиятга эгаки, гўё мухаммаслар-

нинг ҳар банди икки эмас, бир қалб ва бир қаламдан қуйилиб чиққандек. Мабодо, тугалланма банддаги адабий тахаллусларни мустасно этсак ёки уларни оддий сўзлар ўрнида ўқисак, мухаммас икки қалам ва қалбнинг маҳсули эканлигини исботлаш ҳам душвор:

Тўқуб ҳижронда йиллар Огаҳий ашкини су янглиғ,  
Висол иқлими сори гом уруб чобук бугу янглиғ,  
Етушти маснади ком узра шоҳи комжў янглиғ,  
Киши гар содиқ эрса ишқ аро васл ичра бу янглиғ,  
Бўлур Ферузбахту комрон оҳиста-оҳиста,

Албатта, ҳаётда бу сиймолар ўзга-ўзга одам эдилар. Ҳижронда йиллар ашкини сувдай оқизиш Огаҳий қисмати бўлса, мартабаю маншат соҳасидаги сингари ишқ бобида ҳам ферузбахту комрон давр суриш Феруз насиби эди. Бироқ ижод маснадида, адабиёт мазҳаргоҳида улар синашта суворий, садоқатли устоду шоғирд, чинакамига ферузбахту комрон шоирлар эдилар.

### ПАЙҒАМБАР ЁШИ ҚАСИДАСИ

Халқимизда «Топганинг тўйга буюрсин» деган олқиш бор. Бу — ўзбек улуси тўйсевар, тўйхўр, тўйчи халқ эканлигининг бир далолати. Тўйлар қадимий миллий маданий меросимизнинг муҳим қисмидир. Маданий меросимизнинг бошқа турлари сингари, тўйларимиз ҳам миллий ўзига хослигини шўро тузуми даврида анчайин йўқотди. Ўзбек тўйларининг турлари кўп. Шулардан бири ёш тўйидир. Ёш тўйи ҳам бир неча хил. Шулардан энг улуғи пайғамбар ёши тўйидир. Мўъмин-мусулмон бандалар олтмиш уч ёшга тўлганларида Тангри — таоло уларга пайғамбар умрини насиб этгани учун шукрона сифатида элу юртга тўй берганлар. Бироқ яқин ўтмишдаги мафкураю сиёсат тўйларимиз мазмун-мундарижасини тамоман ўзгартириб юборди. Шарият қонунларига биноан, кичкина ва камтарин нишонланадиган хатна (суннат) тўйи дабдабали базмлару ичкиликбозлик билан ўтадиган бўлди. Ҳолбуки, илк мусулмончилик асрларида бир қўй сўйиб зиёфат бериладиган ёш боланинг ақиқа тўйи ҳам ундан каттароқ маросим эди. Умр тўйи — пайғамбар ёши эса мўъайян даврлар деярли унутилди, ҳозир ҳам унинг моҳиятини билар-билмас ўтказилаётгандек, назаримда. Унинг асосий мазмуни элга ош беришдан иборат бўлиб қолганиданми, буни пайғамбар оши деб юритиш урф бўлган. Барча миллий қадриятларимиз сингари тўйларимиз байрам ҳисобланади. Республика Маданият

институтти оммавий байрамлар ташкилотчилиги бўйича махсус мутахассислар тайёрлайди. Мазкур муаммолар уларнинг зиммасида. Биз фақат бир пайғамбар ёши тўйи тарихи муносабати билан бу борада мулоҳаза юритдик, холос.

«Чун ҳижратнинг мингу уч юз йигирма бешланчи йили кирди, бу йил қўй йили эрди, хон ҳазратлари бу йил олтмиш уч ёшлариға кириб эрдилар, Расул акрам сал-аллоҳи алайҳи вассалламнинг ёшлариға кирганларининг шукронаси учун ёш тўйи бермакни ҳазрати валиаҳди даврон ва шаҳзодайи жаҳонға амр этдилар. Шаҳзодайи жаҳон Исломхўжаға буюриб бир улуғ тўй бошладилар. Фақир ул тўйнинг таърифидида бир қасида айтдимким, тўй тарихиға ҳам муштамил эрди». Ушбу кўчирма тарихнавис Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи хоразмшоҳий» солномасидан олинган бўлиб, у ўн тўққизинчи юз йилликнинг қарийб эллик йилида Хева хонлигида ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳимхони соний Ферузнинг пайғамбар ёши тўйи тарихи тўғрисидадир. Тўй равшанбаён шоир Баёнийнинг қасидаси туфайли тарих саҳифаларига муҳрланиб қолди. Мумтоз қасиданавислигимизнинг ёрқин намунаси бўлмиш бу асар, аввало, Феруз ҳаётининг бир лавҳасини акс эттириши билан қимматлидир. Қолаверса, у миллий оммавий байрамимизнинг ўтмишда қандай нишонланганини жонли суратлантириши билан гўзал. Биз қасидадан пайғамбар ёши тўйи қандай ўтказилгани ва ўтказилиши мумкинлиги ҳақида яққол тасаввур ҳосил қиламиз. Аммо, қасидада тасвирланган тўйни «пайғамбар ёши қасидаси мана шундай нишонланиши лозим» дея намуна сифатида тавсия этолмаймиз. Негаки, у улуғ бир хоннинг пайғамбар ёши, шу турдаги тўйларнинг олий намунаси эди. Уни, айниқса, бугунда кенг халқ оммасига татбиқ этиш қийин. Фақат бу тўйнинг маданий савиясидан ўрганиш, ўрнаткили мумкин.

Қасида табиат тасвири билан бошланади:

Султони ховар, чун ҳамал, тахти уро топти қарор,  
Элга карам ойинидин лутфини қилди ошкор.  
Ким элни қишнинг лашкари уйларда махсур айлабон,  
Тарсон ҳам ларзон этиб қилмиш эди зору низор.  
Чун ғолиб ўлди эътидол адлини нури қилди фош,  
Бўлди баробар бир-бири бирла ҳамон лайлу наҳор.  
Пайваста борон бориши сероб қилди ер юзин,  
Бўлди саросар ер юзи ондин ажаб бир сабзозор.  
Тўлди жаҳон гулдин очиб гулларни ашжори набот,  
Бир бўстон бўлди жаҳон азҳор онда бешумор.  
Гулшанда шафтолу гули бўлмишдур ўтдек шуълазан,

Андоғки, май тоби била қизмиш гули рухсори ёр.  
Ҳар ёнга сувлар ҳам оқиб эсти насими жонфизо,  
Файзи сафо бирла тўлуб қолди бори дору диёр.  
Бод айлабон фаррошлиқ гулшанини хасдин қилди пок,  
Септи булут саққоси сув, ер бирла паст ўлди ғубор.  
Фарши зумуррадгун била мафруш бўлди ер юзи,  
Фирдавсга бўлди жаҳон Хоразм ила ойинадор.  
Тартиб бирла сарвлар саф тортибон турмиш бори,  
Одобнинг расми била хизматдадурлар бовиқор.

Асарни табиатнинг муфассал тасвири билан бошлаш қасиданавислик анъанасининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Лекин ушбу қасидада Баёний сўзни фақат анъана юзасидангина табиат тасвиридан бошлагани йўқ. Тасвирининг ҳамалдан бошланиши бежиз эмас. Бошланма байтларда тасвирланишича, ҳамал ойи кираиб келди-ю, «султони Ховар», яъни Шарқ шоҳи — Қуёш ўз тахтини эгаллади ва элга лутфу марҳаматини ошкор этиб, заррин, ҳаётбахш, беминнат нурларини соча бошлади. Бу мурувватли, адолатшиор шоҳ ўз тахтидан йироқлашган фаслда Қиш лашкари элни уйларда зиндонбанд этиб, қўрқув ва титроқ азобида зору заиф аҳволда сақлаган эди. Ушбу тасвирда қиш билан баҳорини қаршилантириш, муболаға бор, албатта. Қиш мавсумида нур устидан зулмат ҳукмрон эди. Ҳамал қуёши голиб келиб, адолат ўрнатиши билан тун била кун тенглашди, олам мунаввар бўлди. Баҳор ёмғирлари пайдарпай ёғиб, барака ундирди, ер юзи яшил либосга бурканди. Жамики наботот — ўсимликлар дунёсининг ҳар бир гиёҳи гул очиб жаҳон турфа муаттар ҳидларга тўлди. Гулшандаги шафтоли гули, гўё май нашъасидан оташланганидек, шуъла таратди. Сувларнинг ҳар ёнга югуриб оқишидан жонга ором берувчи шабадалар эса бошлади. Дунё мусаффолик файзидан руҳланди. Шамол фаррошлиқ қилиб гулшанини хасу хошокдан поклади. Булут машкоблари сув сениб, гарду ғубор ер билан тенг бўлди. Бутун ер юзига зумрадгун гиламлар тўшалди. Хоразми эрамбазм жаҳоннинг Фирдавс боғи жилоланган кўзгусига айланди. Сарвлар тартиб билан саф тортишиб, одоб расмига биноан, хизматга виқор-ла тайёр турдилар.

Кўринадикки, пайғамбар ёши тўйи қасидаси аввалида ҳамал ойидаги табиат ўзгаришлари, Наврўз айёми арафасидаги жонланишлар жозибаси тасвирланган. Гўё бутун борлик, табиат ажойиб бир шодиёнага ҳозирлик кўраётгандек. Ҳа, Наврўз байрами яқин. Дарвоқе, Хоразмда Наврўз қўшалоқ байрам. Наврўз айёмида Худо Хоразм толеига Муҳаммад Раҳимхони сонийни

ҳада этган. Шунинг учун ҳам пайғамбар ёши тўйи Наврўз айёмига тўғри келган, шу боис қасида ибтидо-сидан табиатнинг гўзал тасвири ўрин олди.

Тўйнинг ташкилий босқичи, гарчи насрда айтилган бўлса-да, қасидада тантанавор назмий услубда яна бир бор алоҳида тасвирлаб ўтилади:

Ойини тазйинлар била тўлмиш вилоят сар басар  
Ким, олтмиш уч ёшга кирибдурлар шаҳи эҳсоншиор.  
Айлаб паямбар ёшининг шукри учун шоҳона тўй,  
Фармон била бошлатдилар шаҳзодаи Асфандиёр,  
Неча вилоятдин киши йиғнолди ушбу тўйга,  
Аҳли хадамдурлар бори эл олдида ҳожатбарор.

Шиори элга яхшилик қилишдан иборат, олтмиш уч ёшга тўлган шоҳ фуқаронинг меҳру муҳаббатини қозонган. Шунинг учун тўй тараддудида бутун вилоят бошдан-оёқ зийнат топди. Ферузнинг обрўйи фақат Хоразм вилояти сарҳадлари билангина чегараланмаган эди. Шу боисдан, бир қанча вилоят волийлари тўйга ташриф буюриб, эл хизматига камарбаста бўлдилар.

Қасида ҳадди аълосига кўтарилиб, навбат базм тасвирига етди. Тўй базми манзаридоги маданият аҳли тасвири мўрказий байтларни ташкил этади. Ушбу байтлар сони муқаддас етти рақами миқдоридадир:

Аҳли тариқат хайли ҳам бир ёнда маскан тутдилар,  
Халқа қуруб, зикр этибон дер эрдилар: «Ё Бирубор».  
Илм аҳли бир ёндин келиб, чун бўлдилар хирғаҳнишин,  
Қилдилар илми фикҳдин зикри масойил ихтиёр.  
Шеър аҳли ҳар ёнда юруб, ашъор фикрин айлабон,  
Бу тўй торихи учун фикратга эрдилар дучор.  
Айшу тараб аҳли тузуб ҳар ёнда турлук базмлар,  
Ишрат эли бирла тўлуб эрди ямин ила ясор.  
Созин муғаннийлар наво тузди тузуб дилкаш адо,  
Ғамгин кўнгулларга бўлуб базм ичра ёри ғамгусор.  
Гулчеҳра соқийлар юруб, базми тарабни қиздуруб,  
Жому суроҳийни қилиб онда қатор андар қатор.  
Нозу адо бирла қилиб ҳар лаҳза изҳори вафо,  
Ҳар дам тутуб базм аҳлига жоми шароби хушгубор.

Ушбу парчада маданий муҳит намояндаларининг Феруз тўйида тўплангани, ҳар бири ўз тоифаси тўпида маслак машғулотига машғул бўлгани аён акс этган. Тасвирда тасаввуф тариқати аҳли — дарвешлар тўйда алоҳида ўрин тутишганини кузатиш мумкин. Тариқат аҳлининг ҳалқа қуриб, «Ё Бирубор» дея ҳақ ёди билан зикр тушиш манзараси сўфийларнинг ўзига хос одатлари ҳақидаги хира тасаввуримизни ойдинлаштиради. Илм аҳлининг бир ёндан келиб, фалак чоди-



ридаги юлдузлардек тизилишиб, илмий баҳсу мунозараларга берилиб кетишлари ҳам тўй базмига файз критади. Тўйларда шеър аҳли ҳамиша мумтоз мавқеда мақом тутганлар. Ферузнинг пайғамбар ёши тўйида ҳам шоирлар Оллоҳ шукронасига бахшида маърака тасвирини бири биридан гўзал бадий таърихларда муҳрлаш учун фикрат денгизига чўмганлар.

Қани энди бизнинг замонавий тўйларимизда ҳам маданий муҳит намояндаларига алоҳида ўрин берилса. Қани энди тўйларимиз ичкиликбозлик ва исрофгарчилик эмас, маърифат базмларига айланса. Қани энди ичкиликка ва баъзи бидъатларга қилинадиган сарф-харажатлар маърифий мусобақалар мукофотига берилса. Бунинг учун ҳали элимиз ўзлигини яна-да теранроқ англаб етиши, маданий-маърифий савияси бир қадар кўтарилиши, тўй ўтказиш урф-удумлари янгича, миллий мустақиллик мафкураси асосида шакллантирилмоғи зарур. Мустақиллик такомилида ушбу орзулар ҳам рўёбга чиқса, ажаб эрмас.

Қасиданинг кейинги сатрлари пайғамбар ёши тўйидаги томошаларни намойиш этади. Бу каби намунавий тўйларимиз театрлаштирилган томошагоҳдек таассурот уйғотади. Томошагоҳ томошабинлари билан маъмур ва обод. Феруз тўйига ҳам эл-улус ҳар ёндан ёпирилиб келган:

Ҳар ёнда эл Хевақ сори юз қўйдилар хушқол ўлуб,  
Бошдин оёқ Хоразм эли келди ҳама хурду кибор.  
Ҳавли ёнида қўш тутубдурлар тамоми ҳурфикр,  
Нелар кўнгулларга тушар бўлса, бори ул ерда бор.

Хоразм элининг каттаю кичигини жамъ этган ва соатлаб «ақл бармоқларини ҳайрат тишларига тишлатган» томошалар бири-биридан мароқли. Чавандозлик, паҳлавонлик мусобақалари азалдан тўйларимиз кўрки бўлиб келган. Тўйга таклиф этилган ёвмут туркманлари — чавандозлик санъати соҳиблари томоша майдонини жунбишга келтирганлар:

Чунки ямутларга хабар етмиш эди, ул хайлдин  
Бу тўйга юз қўйдилар, филҳол, кўп сонсиз савор.  
От чоптилар қийқу солиб, фарёду афгонлар била,  
От судрабон, бир-бирига зоҳир қилиб кини ниқор.

Тўйхонанинг бир ёнида курашчи паҳлавонлар жавлон уриб беллашадилар:

Гоҳ паҳлавонларга кураш тутдурдилар майдон аро,  
Ваҳ, не бало нозик бўлур мунда раҳи номуси ор.

Майдон кенг, паҳлавонлар филтан, кураш шиддатли,  
аммо номусу ор бунда бениҳоя нозик. Курашчиликдаги  
бу сирли хислатни шоир ҳассослик билан илғаган ва  
ифодалаган.

Дорбозлик санъати Рус — Япон урушининг саҳна-  
вий талқини билан пайваста акс эттирилган:

Гоҳ дорбоз ўйнаб ўюн русча лўбатлар била,  
Зоҳир қилиб турлук ҳунар, кўргузди элга иқтидор.  
Гоҳ рус лўбатбози ҳам русу ёфун тасвирини  
Кўргузди, бу ҳамдур ажаб бир қудрати парвардигор.  
Ким кўргузур элга ажаб вусъатли майдони набард,  
Гоҳо онинг бир ёнида зоҳир қилур олий ҳисор.  
Гоҳо аробаларни от кўз олдида судраб юрур,  
Гоҳо у жонларни равон айлар талотумли наҳор.  
Гоҳо ики лашкар келиб айлар уруш бир арсада,  
Тўпдин — тўфангин дам-бадам зоҳир қилур дуди шарор.  
Гоҳо неча бечораға макру фиреб айлаб аён,  
Ғаддорлик ойинини соз этди неча нобакор.  
Гоҳо ўюн бирла бўлур кўп нозанинлар жилвагар  
Ким, барчасидур сиймтан, раъноқаду лолаузор.  
Бу навъ кўп найранг ила элга тамошо берди ул,  
Эл они ҳайрони бўлуб, топти арода иштиҳор.

Ушбу саҳна миллий тўй томошаларидан кескин  
фарқланади. Анъанавий тўёна томошаларимиз сеҳри,  
санъатпардозлиги, ҳазил-мутойбага мойиллиги, холис  
ва бегаразлиги билан ўзига хосдир. Мазкур томоша  
саҳнаси эса маълум мақсадга қаратилган, ундан сиё-  
сат нафаси уфуриб турарди. Ўзбек хонининг тўйида  
Рус — Япон уруши саҳнаси намоиши этилиши ғайри-  
табiiй ҳол, шубҳасиз. Лекин ўша тарихий шароитда  
бу мажбурий ҳол эди. Чор Россияси Хева хонлигини  
эндигина қонли истило йўли билан эгаллаган замон,  
Мазлум мамлакат аҳолисининг ҳали мустамлакачилар-  
дан аламзадалиги тарқмаган онлар. Ватанпарварлик  
исёнлари ўт олиши хавфу хатари бор. Бундай шароит-  
да Чор Россиясининг енгилмас куч-қудратини ҳарбий  
санъат намоиши орқали мустамлака мамлакат аҳлига  
таъкидлаб туриш, уларда иқдорлик кайфиятини, муте-  
лик кўникмасини ҳосил қилиш, тобелик туйғусини  
шакллантириш мустамлакачилар учун муҳим режавий  
тадбир эди. Қасиданинг «Гоҳо неча бечораға макру  
фиреб айлаб аён, Ғаддорлик ойинини соз этди неча  
нобакор», «Бу навъ кўп найранг ила элга тамошо бер-  
ди ул» сатрлари машъум босқин тасвирини тарих са-  
ҳифаларига муҳрлаган Баёний ҳам найрангомус томо-  
шани истило хастахотирлиги билан кузатганлигини кўр-  
сатади.

Шукрона учун берилган ёш тўйи элга жуда катта хайр-эхсон, мукофотлар ҳадя этиш билан яқунланади:

Чун тўй айши ишрату анвоъи хайрият била  
Анжомиға етди зеҳи эҳсони лутфи шаҳриёр.  
Келган киши бошдин аёқ бўлди зари зеварга гарқ,  
Бу тўйда ким киймайин қолди либоси зарнигор?  
Деди Баёний шоҳиға тўйини тарихи учун:  
«Эй икки мунча умр ила бўл бу жаҳонда барқарор».

Мумтоз адабиётда қасида ва таърих сўз санъатининг алоҳида турлари ҳисобланади. Шоир маҳорати шундаки, мазкур асарда шу иккала санъат уйғун мумжассам.

Пайғамбар ёши қасидаси яқин ўтмишдаги «мумтоз адабиёт қасидалари амалдорга мадҳу сано битишдангина иборат бўлган» қабилидаги рад этувчи таърифлар тўғри эмаслигини яна бир бора тасдиқлайди. Қасида соф санъат намунаси. Унда мадҳу санодан кўра, табиатнинг жозибали тасвири, маданий муҳит анжуманининг дилкаш манзаралари, халқ томоша санъатининг сеҳри синоати асосий ўрин эгаллайди.

## МУХАММАСЛАР

### ОГАҲИЙНИНГ ФЕРУЗ ҒАЗАЛЛАРИГА БОҒЛАГАН МУХАММАСЛАРИ

#### ШАҚАРБОРИНГҒА САЛЛАМНО

Танимга берди жон, лаъли шакарборингға салламно,  
Кўзумни равшан этти, нури дийдорингға салламно,  
Муқайяд қилди кўнглум, зулфи пурторингға салламно,  
Нигоро, олди ҳушим, тарзи рафторингға салламно,  
Ёрутди тийра кулбам, шамъи рухсорингға салламно.

Тилаб лутфинг, тутдим умрлар кўйинг аро манзил,  
Вужудим туфроқ ўлди, бўлмади бу матлабим ҳосил,  
Тараҳхум айла бу ҳолимға, эй бебок сангин дил,  
Ишим қотил кўзинг бедодидин бўлмиш базе мушкил,  
Ичиб қонимни, тўймас чашми хунхорингға салламно.

Висолинг толибидур олам ичра кофиру мўъмин,  
Эмаслар лаҳзае ишқинг жафову жавридин эмин,  
Агарчи ўлгусидур борча юз меҳнат била, лекин  
Ўабинг сўздин берур жон ўлган элга дарди ишқингдин,  
Равонпарвар лабу жонбахш гуфторингға салламно.

Фузунроқдур ададдин жинси васлингнинг харидори,  
Бу савдода берур жон нақдини хурсанд ўлуб бори,  
Муносибдур олар ҳолиға қилсанг раҳм изҳори,  
Ҳама ишқ аҳлидур, эй мугбача, зулфинг гирифтори,  
Бори дин аҳлини банд этти, зуннорингға салламно.

Вафо йўлин тутуб, дилжўлиқ отин барқитоз айлаб,  
Етушдинг кулбама лутфинг кўбу қаҳрингни оз айлаб,  
Ва лекин ҳийлапарвар нукта бирла сарфароз айлаб,  
Дединг: «Лутф айлағум», ўлтурдинг аммо неча ноз  
айлаб,

Агар лутфинг бу эрса, жавру озорингға салламно.

Тиларман бандалик қонини кўйингда ниёз этсам,  
Бошимни остонинг саждасидин сарфароз этсам,

Вале мақбулинг ўлмас умрлар мундоқ намоз этсам,  
Қилурсан ноз агар ман ҳар печа арзу ниёз этсам,  
Ситамгар маҳвашо, бу навъ атворингга салламно.

Мудом эт, Огаҳий, бир лаҳза тинмай қадду зулфин  
васф,

Кўнгулни хуш тутуб, қил ўйнай-ўйнай қадду зулфин  
васф

Ки, этгай мақсадиға кимки қилгай қадду зулфин васф,  
Санго Феруз ўлуб бахт этгай қадду зулфин васф,  
Бу янглиғ табъи нозик бирла ашъорингга салламно.

### ЗЕБО ОРАЗИНГ

Бўлди камоли ҳусн ила то ошкоро оразинг,  
Берди қуёшдек нур ила оламға оро оразинг.  
Не тил била васф айлайин ман зори шайдо оразинг,  
Ҳусн авжининг хуршидидур, эй шоҳсиймо, оразинг,  
Балким латофат ичрадур ондин ҳам аъло оразинг.

Токим ниқобинг абридин меҳри руҳинг бўлди аён,  
Айшу нишот анворидин сартоқадам тўлди жаҳон,  
Фаррух жамолинг партавин офоқ аро кўрган замон,  
Кун зоҳир айлаб инфиол ўлди шафақ ичра ниҳон,  
Субҳи саодаттин тулуъ этгач мусаффо оразинг.

Кўрмакка зебо суратинг олам эли рағбат қилур,  
Кўйинг сари юз шавқ ила субҳу масо суръат қилур,  
Қадду юзингги ногаҳон наззора бир навбат қилур,  
Сарв узра очилмиш гули аҳмар дебон ҳайрат қилур,  
Кўрган киши қаддинг уза бу навъ зебо оразинг.

Хаттингни ўтлуғ юз уза ошуфта кўнглум кўргали,  
Ҳар лаҳза рашк ўти аро солур ўзин куйдурғали,  
Балким тилар бу важҳ ила ҳар дам ўзин ўлтурғали,  
Ҳусну латофат рамзини ишқ аҳлиға билдурғали,  
Гулгун саҳифа устида хат қилди пайдо оразинг.

Шайдо кўнгул турмай ўзин кўйинг аро чекса, нетонг,  
Ишқинг балову дардини қилмай ибо чекса, нетонг,  
Истаб юзинг, фарёдлар субҳу масо чекса, нетонг,  
Кўнглум қуши булбул киби тинмай наво чекса, нетонг,  
Ким, они бу навъ айламиш хушлаҳну гўё оразинг.

То тушти ҳуснунгдин бори олам аро овозақим,  
Эл бўлди ишқинг тийғдин мақтули беандозақим,



Қилма вафо таркин бўлуб мағрури ҳусни нозаким,  
Ишқингдин ўлгонларга бер, жоно, ҳаёти тозаким,  
Лаълингдин этмиш чашмайи ҳайвон ҳувайдо оразинг.

Келса манго ғам жомининг зулмоти ўтру, не ажаб,  
Оқса ҳамул зулмат аро кўздин қаро сув, не ажаб.  
Навмидлиғ голиб бўлуб ҳам босса қайғу, не ажаб,  
Бўлса кўзимга ёғду кун тундек қаронғу, не ажаб,  
Ким, зулфи шабранг остида қилмишсан ихфо оразинг.

Чоҳи занахдону баногўши мунавварлар била,  
Нозик даҳону жонфизо нутқи мукаррарлар била,  
Дилкаш хату ширин лабу зулфи муаттарлар била,  
Шахло кўзу мушкин қошу, холи муанбарлар била,  
Зийнатлиғ этмишдур баса тангри таоло оразинг.  
Солдинг каманди зулф агар айлаб таҳаккум бўйнума,  
Аммо илиг солдинг қилиб, зоҳир тараҳҳум бўйнума,  
Оғзинг етурдинг ҳам дебон пинҳон такаллум бўйнума,  
Тушму эркон ё хаёл айлаб табассум бўйнума,  
Қўл солдингу қўйдинг юзим узра дилоро оразинг.

Авжи сабоҳатда юзинг келди саодат ахтари,  
Дуржу латофатда сўзинг бордур назокат гавҳари,  
Кўргач жамолингни бўлиб ман телба ҳушимдин бари,  
Сабру, қарору тоқатим борди кўнгулдин, эй пари,  
Васлинг аро бир дам кўзим қилғоч тамошо оразинг.

Бўлмоқ тилайдур Огаҳий мафлуж, алкан мунисинг,  
Лекин бўло олмос анго монё тушубсан мунисинг,  
Бер рухсат эмди бўлғоли, эй ёр, пурфан мунисинг,  
Иқболи Ферузинг киби бўлмоқ тилармен мунисинг,  
Ёшурма ҳақ ҳаққи учун, эй шўҳи якто, оразинг.

### МЕҲРУ ВАФО РАСМИН ТУТУБ...

Чобук самандини суруб тез, уйлаким, дулдул букун,  
Ҳарён рикобида юруб, шаҳлар нечукким қул букун,  
Боғи жамолиға қилиб гесўсини сунбул букун,  
Базмимға келди ул пари рухсорин айлаб гул букун,  
Чексам нетонг ўтлуғ наво ул навъким булбул букун.

Меҳру вафо расмин тутуб ул моҳпайкар, эй кўнгул,  
Айлаб паришон юз уза зулфи муанбар, эй кўнгул,  
Базмимға келгач ўйлаким, руҳи мусаввар, эй кўнгул,  
Бўлди машомим мушк нси бирла муаттар, эй кўнгул,  
Юз узра ёзмишдур магар ул дилрабо кокул букун.

Хурсанду хушқол этгали ман бенавони рӯзу шаб,  
Тутти висол жомини ишрат майидин лаб-балаб,  
Эй дӯстлар, андозасиз қизмиш манго базму тараб,  
Кўнглумға таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб,  
Ким, гулузорим илгидин мино қилур қул-қул букун.

Базм ичра айш асбобини ўз кўнгли комича қуруб,  
Нуқлу шакардин ҳам газак омода айлаб келтуруб,  
Сўнгра адову ноз ила илгин суроҳийға уруб,  
Сармасти саҳбо бўлғоли чиний қадаҳни тўлдуруб,  
Аввал ўзи нўш айлабон, тутти манга ҳам мул букун.

Май нашъасидин олибон кўнгли муродича насиб,  
Топиб жамоли ўзгача май тобидин орову зеб,  
Боғ ичра киргач тоблиғ рухсорин айлаб дилфиреб,  
Ул оташин юзни кўруб гулшанда шайдо андалиб,  
Ишқи ўтиға ўртаниб бўлмиш вужуди кул букун.

Зухду вараъни ўзинга ҳар нечаким кор айладинг,  
Лекин риёю уҷбни ойини атвор айладинг,  
Ҳамкоса ринд аҳлиға бўлмоқдин доғи ор айладинг,  
Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик изҳор айладинг,  
Бу беадаблик бўйнунга тасбиҳинг этмиш гул букун.

Гар давлату ҳашмат аро борман сулаймондастгоҳ,  
Бошим уза хуршиддек тобон эрур заррин кулоҳ,  
Аммо эшитгин, Огаҳий, сансан манго бир некхоҳ,  
Гарчи эрурман толеъи Феруз ила оламға шоҳ,  
Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.

### АЕН ЭТ ЛУТФ ИЛА ШАФҚАТ

Эурсан ҳусни шоҳи, ман гуломи хоксорингман,  
Фидо жону кўнгулни айлаган хизматгузорингман,  
Валекин хайли ушшоқ ичра тийрарўзгорингман,  
Тараҳҳум айлагил, эй шўхким, ишқ ичра зорингман,  
Гирифтори каманди тори зулфи мушкборингман.

Фироқинг тийра шомида чекиб юз ранж ила меҳнат,  
Даме субҳи висолинг партавидин кўрмадим роҳат,  
Назар айлаб бу ҳолимға аён эт лутф ила шафқат,  
Кўнгулда қолмади бир зарра чоғлиғ тоб ила тоқат,  
Юзинг хуршиди ҳижронида тун-кун беқарорингман.

Жунун дарди ғами хайли бошим узра гулув айлаб,  
Кезарман ишқ саҳросин туну кун ҳой-ҳў айлаб,

Бу ҳолимни кўруб меҳру вафо расмини хў айлаб,  
Кел, эй лайливашимким, базми васлинг орзу айлаб,  
Бало даштида кезган ошиқи мажнуншиорингман.

Эрурман умрлар ҳижрон қаро шомиди сокинким,  
Нажот ондин висолинг субҳидин айру на мумкинким,  
Олиб парда юзингдин, эй маҳи хуршид, безанким,  
Кўзумни айла равшан меҳр янглиғ оразингдинким,  
Бўлубдур тийра усру торта-торта интизорингман.

Бўлубман тушгали кўйингдин асру уйлаким мағмум  
Ки, бўлмишдур манго жону, дилу, ҳушу хирад маълум,  
Бу аҳволим эрур, эй хўблар шоҳи, санго маълум,  
Мурувватдур, муқарраб даргоҳингдин айламак маҳрум  
Маниким, маҳрами рози ниҳону ошкорингман.

Онингдек тангдурур ишқинг ғами ичра маошимким,  
Туну кун ҳажрдин кўздин оқор юз сори ёшимким,  
Бу ҳолимға тараҳҳум айлабон, эй бағри тошимким,  
Жафо тошин уруб, кўб қилмағил мажруҳ бошимким,  
Вафо боғида бутган бир ниҳоли мевадорингман.

Агарчи ҳусн аро мумтоз эурсан аҳли даврондин,  
Вале ор этмағил ишқингда бу маҳзуни гирёндин,  
Тикондин гул қочиб ҳаргиз чиқа олмас гулистондин,  
Нигоро, ижтиноб айлаб недур ман зори ҳайрондин  
Ки, сансан бир гули хандон, мани бечора хорингман.

Онингдек бўлмишам тун-кун майи гулфом муштоқи  
Ки, не олам қароси бор манго маълум, не оқи,  
Танимда эмди жон асрорға бир дам вақт эмас боқи,  
Манго айлаб лаболаб дам-бадам соғар тут, эй соқи,  
Қўлунгдин бода ичмай муддатекурким, хуморингман.

Сулаймондек эрурман бахту давлат тахтида сокин,  
Мутеи ҳукмим ўлмиш ваҳш, тайру, кофиру мўъмин,  
Ҳавойи мидҳатимда, Огаҳий, пуртез бир лочин,  
Агарчи бахти Феруз ила олам шоҳиман, лекин  
Сенинг, эй ҳусн амири, бандайи безътиборингман.

### ЛАЪЛИ ХАНДОНДИН

Чекиб ҳижрон аро оҳу фиғон оҳиста-оҳиста,  
Етар эрдим ўларга ҳар замон оҳиста-оҳиста,  
Билиб бу ҳолим, айлаб имтиҳон оҳиста-оҳиста,  
Манра раҳм айлаб ул ширинзабон оҳиста-оҳиста,  
Етушти бошим узра ногаҳон оҳиста-оҳиста.

Бўлуб ҳижрон тунида қайгу зиндони манго маскан,  
Йигидин тийра бўлмиш эрди чашмим бешаку безан,  
Бу ҳолимға тараҳҳум кўргузуб ул шўхи сийминтан,  
Фироқида қароргон кўзларимни айлади равшан,  
Очиб рухсорайи хуршедсон оҳиста-оҳиста.

Неча муддат эдиким, ҳажр дардиға бўлуб дучор,  
Таним эрди заифу, кўнглум афгору, кўзим нокор,  
Топо олмай даво олам аро юз саъй этиб изҳор,  
Эдим ҳижрони дарди шиддатидин ўлгудек бемор,  
Етурди васлидин сиҳхат равон оҳиста-оҳиста.

Туман минг шукрим, ўлмакка етганда мане бемор,  
Келиб бошим узра ул табиби шаккарин гуфтор,  
Такаллум бошлади қилмоқ учун ҳолимни истифсор,  
Масиҳо муъжизин жонбахш лаълидин қилиб изҳор,  
Улук жисмимға берди тоза жон оҳиста-оҳиста.

Еритмоққа жамоли партавидин байтул аҳзоним,  
Очиб келди юзини лутф ила хуршиди тобоним,  
Қошимда ўлтуруб, айлаб каломин роҳати жоним,  
Сўруб дилдорлиғ расми била ҳоли паришоним,  
Қилиб ойини дилбарлик аён оҳиста-оҳиста.

Вафову меҳр афзун зоҳир айлаб ҳадди имкондин,  
Сочиб дурру гуҳар ҳар сўзлаганда лаъли хандондин,  
Аёмай жонфизо ширин сўзин ман зору ҳайрондин,  
Деди: «Кей ошиқи зорим, малоли дарди ҳижрондин,  
Бўлубсан асру зору нотавон оҳиста-оҳиста.

Фироқимда неча кун имтиҳон ҳолингни қилмишман,  
Ниёзу ажзингу ихлосу сидқинг кўзга илмишман,  
Бори ушшоқ аро лойиқ сани лутфимға билмишман,  
Бу дам васлим била коминг раво айларга келмишман,  
Мақомингға бори элдин ниҳон оҳиста-оҳиста.

Бериб жон нақдини, истар халойиқ борҳо лаълим,  
Бирининг қилмомишдур бир нафас комин раво лаълим,  
Вале маҳзи карамдин вақф қилмишман санго лаълим,  
Агар истарсан ўпмакликни, инак жонфизо лаълим,  
Ва гар қучсанг белим, инак миён оҳиста-оҳиста.

Замиринг ишқи ичра соф экандур ўйлаким шиша,  
Онга келтурмадинг ёди руҳимдин ўзга андеша,  
Ғамим тоғиға субҳу шом уруб Фарҳоддек теша,  
Неча кун дарди ҳижроним аро сабр айладинг пеша,  
Бўл эмди васлим ичра шодмон оҳиста-оҳиста».

Бу сўзларни дебон чекти мани бўйнулга солиб даст,  
Ман онинг ўтрисида ҳам қилиб қаддимни бўлдим паст,  
Ул этти оғзима ширин лабини шахддек пайваст,  
Ман ўлдум ёр лаъли бодаси бирла бўлиб сармаст,  
Фироқи ранжидин топдим амон оҳиста-оҳиста.

Тўқуб ҳижронда йиллар Огаҳий ашкини сув янглиғ,  
Висол иқлими сори гом уруб чобук буғу янглиғ,  
Етушти маснади ком узра шоҳи комжў янглиғ,  
Киши гар содиқ эрса ишқ аро васл ичра бу янглиғ,  
Бўлур Ферузбахту комрон оҳиста-оҳиста.

### ФЕРУЗНИНГ ОГАҲИЙ ҲАЗАЛЛАРИГА БОҒЛАГАН МУҲАММАСЛАРИ

Қилмиш азалда сунъи ҳақ ҳусн ичра якто оразинг,  
Ою қуёшга ўшамас ҳаргиз мусаффо оразинг,  
Қўрган киши ақлин қилур ҳайрону шайдо оразинг,  
Жонбахш лаълинг узра хат то қилди пайдо оразинг,  
Жамъ айлади хуршид уза Хизру Масиҳо оразинг.

Бир тун менинг кулбамга, эй маҳваш, карам рахшини  
сур,

Очиб узорингни қаро шомимга равшанлиғ етур,  
Қим, сандин эҳсону карам зоҳир бўлур вақтида кўр,  
Ойдек юзунг маҳжурлар шоми ғамини ёрутур,  
Партав менинг шомимга ҳам солғайму оё оразинг.

Лутф айлабон ман зорға, эй сарвқадди маҳлиқо,  
Қўйғил қадам кулбам аро очиб узори дилкушо,  
Токай чекарман оразинг кўрмак тилаб ранжу ано,  
Жонинг учун раҳм айлабон кўргуз юзунгким, ҳажр аро  
Жонимга етдим айлабон кўрмак таманно оразинг.

То ишқинг ичра, эй пари, девонайи зор ўлмишам,  
Ҳажрингда ғам тирноғидин аъзони бир-бир юлмишам,  
Гулдек узорингни тилаб гулбарг янглиғ сўлмишам,  
Рози ўлумга оразинг ҳажри ғамидин бўлмишам,  
Ўлтур мани ё тиг ила кўргуз манга ё оразинг.

Қатъ этгали юз урмишам то фурқатинг тоғи тузин,  
Олмон қулоқимга ғаминг таркида носихлар сўзин,  
Майл этмагум гар хўблар ҳар неча арз этса ўзин,  
Кўз солмагум жаннат аро ғилмону ҳур очса юзин  
Қим, мақсадим кўюнг аро қилмоқ тамошо оразинг.



Ҳаргиз зулмат йўли сори гайрат била юз урмамиш,  
Гулзори кўюнг сарига саъй ила маркаб сурмамиш,  
Узни тамошойи қаду рухсоринга еткурмамиш,  
Зоҳид тилар жаннат, гул сарвдин магарким кўрмамиш,  
Лутф ичра зебо қоматинг, ҳусн ичра якто оразинг.

Ферузнинг арзи будур сан хўблар шоҳигаким,  
Бўлма сабаб жавр айлабон ҳар дам онинг оҳигаким,  
Бир лутф ила таскин етур фарёди жонкоҳигаким,  
Ишқинг ўтиға куйгуси, раҳм айла Огаҳийгаким,  
Токим кўрубдур бир назар ул зори шайдо оразинг.

### МУЛКИНГ МАЛОҲАТ ҚИШВАРИ

Бир жилвагар бўлғоч кўзум оллида то қошу кўзунг,  
Фасли хазони айлади мандин жудо қошу кўзунг,  
Жонимни олди айлабон нозу адо қошу кўзунг,  
Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг  
Қим, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзунг.

Ҳам Хизри хаттинг дилкушо бордур, масиҳойини сўзунг,  
Ҳам кўзу қошинг қотили жонбахш эрур, рангин сўзунг,  
Ҳам беқарор ўлғон кўнгулларга берур таскин сўзунг,  
Ҳам юз ўлукни тиргузур лаълинг аро ширии сўзунг,  
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо қошу кўзунг.

Тун-кун сўроғинг айлабон, истаб муалло манзилинг,  
Кўргач мусаффо оразинг, бўлдум асири бедилнинг,  
Жону кўнгул бетоб эрур сўрмоқ тилаб ширин лабинг,  
Ўлди қарору тоқатим оқ сийнаю нозик белинг,  
Солди қаро кун бошима икки қаро қошу кўзунг.

Боқғоч кўз ила қошинга, бўлдум асир, эй нўшлаб,  
Жоним ёқар ошиқ ўти, қошу кўзунг бўлди сабаб,  
Эмди фиғонлар айлабон ҳижронинг ичра рўзу шаб,  
Қошу кўзунг бедодидин дод айласам, эрмас ажаб  
Қим, не жафолар қилмади охир манга қошу кўзунг.

Фаррух юзунг ҳусн авжининг бордур моҳитобониким,  
Хайлинг эрур маҳбублар, сансан алар султониким,  
Манким таманно айламак, сан шўх бепарвониким,  
Йўқтур манга ишқинг аро юрмак тирик имкониким,  
Жонимни ё қадду юзунг олғуси ё қошу кўзунг.

Хусн аҳли шоҳисан, эрур мулкунг малоҳат кишвари,  
Икки кўзунг жоду эрур, қошинг аларнинг ханжари,  
Мажнундек ўлди кўргач — ўқ хуснинг жаҳон донолари,  
Ман зори ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари  
Ким, ақлу ҳушим айлади мандин жудо қошу кўзунг.

Истаб висолинг базмини, эй хўбларнинг ахи,  
Иқболи Ферузинг киби кўб жустужў айлаб сани,  
Кўргач юзунг, ишқ ўтиға куйди вужуди хирмани,  
Ширин лабингдин Огаҳий жисмиға жон берким, они  
Ултурди бир имо қилиб боқғоч қиё қошу кўзунг.

## ФЕРУЗНИНГ НАВРҮЗИ БАРДАВОМ (Сўнгсўз ўрнида)

Муҳаммад Раҳимхони соний — Феруз таваллудига 150 йил тўлди. Миллий истиқлол ва мафкуравий янги-ланиш замони келмаганида, балки бу воқеа ими-жими-да ўтиб кетарди. Чунки юзлаб халқларни асрий асо-ратда сақлаган эски тузум Феруз сингари миллий қад-риятларни батамом қатағон этган эди. Бу қатағон шамшири ўтмишимиздаги барча тождор тафаккур со-ҳибларига қарши бирийўла тортилганди. Кенг пешона-сига «феодал-сарой адабиёти намояндалари» тамғаси урилган бу зотлар руҳини хотирлаш, илму ижодини ўр-ганиш мана энди насиб этди.

Мустақил Ўзбекистоннинг муборак наврўз айёмла-рида мамлакат сарҳадлари оша ҳурфикр фармон та-ралди. Муҳаммад Раҳимхон Феруз таваллудининг 150 йиллик тўйини кенг ва муносиб нишонлаш, унинг ижо-дини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга даъват этувчи ҳукумат қарори чиқди. Моҳиятан, бундай қарор оддий ёзувчи-шоирлар юбилейини нишонлаш ҳақидаги одат-даги қарорлардан кўра ўзгачароқ аҳамиятга эга. Унинг рамзий маъноси ҳам бор. Бу фармойиш сарой муҳотида ижод этган шоҳ шоирлар фаолиятига давлат миқёсида-ги янгича, ижобий муносабатнинг расмий ҳужжатидир. Ушбу қарор маданий мерос хазинасининг, миллий мус-тақиллик мафкурасининг, илмий тафаккур мундари-жасининг янги саҳифаларини очишга асос бўлади. Эн-дилиқда феодал-сарой адабиёти дея рад этилган ме-роснинг катта бир қисмини хавф-хавотирсиз ўрганиш, унинг маънавий-маърифий моҳиятидан оммани баҳра-манд этишга давлат кафолати мавжуд. Шу боис, Му-ҳаммад Раҳимхон сиймоси яна ўзи ифтихор этган, ор-зулаган ферузбахту комронлик мақомига эришди. Бун-га сабаб унинг буюк маънавият ва маърифат ҳомийси эканлигидир. У халққа таъсир ўтказишни маънавий-маърифий савияни кўтаришдан бошлади. Бунинг учун

оддий, аммо оқилона йўл тутди. Феруз девонида ишлаган атоқли тарихнавис Муҳаммад Юсуфбек Баёний «Шажарайи хоразмшоҳий» солномасида ёзишича: «Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузуб, китобхонлиқ этдурур эрдилар». Бу тадбир нақшбандийлик таълимотидаги «Хайрият жамъиятдадур, яъни жамъият — суҳбатда ва суҳбатда — хайру баракот» деган қонданинг яққол амалий кўринишидир. Олимлар билан суҳбат тузмоқ дунё ҳикматларидан ҳузурланмоқ бахтидир. Суҳбат асносида китобхонлик қилмоқ боз устига саодат, маънавий-маърифий тобланишнинг маҳсулдор тадбиридир. Муҳаммад Раҳимхон китобхонликни давлат даражасидаги сиёсатга айлантирган. Баёний: «Хон ҳазратлари сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиқ этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар», деб маълумот беради. Давлат раҳбарларики тизимли тарзда китобхонлик билан шуғуллансалар, билингки, ундай давлат маърифатли, мустаҳкам бўлади. Эсланг, Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида туркий тилга давлат миқёсида катта эътибор берилганидан кейингина туркий адабиёт гуркираб ривожланди. Феруз даврида китобхонлик хону уламо, сипоҳию тўралардан ўрнак бўлиб, кенг халқ оммасига ёйилди. Баёний таъбирича, «тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар». Дарвоқе, тамоми вилоят халқини маърифатли қилиш, маънавий савиясини кўтариш учун талай китоб ва китобхонлик масканлари ҳам қурилди.

Феруз даврида китобат ва хаттотлик санъати ривожлантирилди, саноқсиз масжиду мадрасалар қурдирилди, улар халқ маорифига хизмат қилди. Бу иморатлар маърифат масканларигина эмас, мумтоз миллий меъморчилигимизнинг нодир обидалари ҳамдир. Демак, бу даврда миллий меъморлик санъати ҳам раванқ топди.

Феруз — ҳаётда кўп эзгу амаллар қилган нурли сиймоларимиздандир. Эзгулик яратган киши эзгуликларга муносиблигини шоҳ шоир яхши билган. Сўзни суйган султоннинг маснавийларида қуйидагидек муножот қайта-қайта учрайди:

Қил бахт ила толеимни Феруз,  
Ҳар бир куним айла ийди Наврўз.

Тангрининг июнотиға умидвор бу муножотлар ижобат бўлишиға Ферузнинг устоди Муҳаммадризо Огаҳий ҳам астойдил тилакдош бўлган. Шогирдининг толеи

баланд бўлишни тилаб Огаҳий бир неча махсус ғазаллар ёзган, Улардан бири бундай бошланади:

Илоҳи, ҳар кунинг наврӯз бўлсун,  
Ҳамиша толеинг Феруз бўлсун.  
Бўлуб айёми наврӯзинг муборак,  
Замиринг инбисот андуз бўлсун...

Эзгу хизматлар, илтижо дуолар зое кетмади. Она халқи истиқлолининг учинчи йилида Ферузнинг иккинчи умри бошланди. У янгидан туғилди. Ферузнинг янги куни — наврӯзи яна бардавом. Устоз Огаҳий олқишлаганларидек:

Бўл шоду хуррам, эй кўнгулким, мавсими наврӯз эрур,  
Шоҳи кавокиб адлининг айни жаҳонафрӯз эрур.  
Ераб, ҳамул шаҳ давлату умрини беандоза қил  
Ким, бодайи эҳсонидин олам тарабандуз эрур.  
Ғам кўҳна шоми, Огаҳий, тонг йўқ жаҳондин борсаким,  
Султони одил асрининг ҳар бир куни наврӯз эрур.



## МУНДАРИЖА

Кириш	3
Маданий мерос ва мустақиллик мафкураеи	5
Султон суягини хўрламас	5
«Шаҳ дарёву халқ эрур анҳор»	7
Шоҳсурату дарвешсийрат шоир	12
Маънавият тумори	25
Огоҳнома	40
«Огаҳий — устодим менинг»	49
Ижодий ҳамкорлик жараёнлари	59
Пайғамбар ёши қасидаси	71
Мухаммаслар	78
Огаҳийнинг Феруз ғазалларига боғлаган мухаммаслари	78
Ферузнинг Огаҳий ғазалларига боғлаган мухаммаслари	84
Ферузнинг наврўзи бардавом	87

Нусратулло Жумахужа

ФИРУЗ  
ПОКРОВИТЕЛЬ ИСКУССТВА И ЛИТЕРАТУРЫ

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий  
номидаги Адабиёт институти илмий Кенгаши ҳамда Республика  
Маънавият ва маърифат маркази бошқаруви томонидан нашрга  
тасдиқланган.*

Муҳаррир *Х. Зарипова*  
Мусаввир *Б. Хайбуллин*  
Техмуҳаррир *Л. Тюркина*  
Мусахҳид *М. Саидов*

ИБ № 6536

Теришга берилди 16.11.94. Босишга рухсат берилди 25.01.95. Формат 84×108<sup>1/32</sup>.  
Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма  
т. 4.83. Ҳисоб-нашриёт т. 4.6. 10.000 нусха. Буюртма 163. Келишилган нарҳда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмаҳонаси: 700170. Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев шоҳ кўчаси, 79.